Халқаро ахлоқ ва аудит жамғармаси (ХААЖ ёки Жамғарма), Халқаро аудит ва ишонч кенгаши (ХАИСК®) ва Халқаро бухгалтерлар федерацияси® (ХБФ®) ушбу нашрдаги материалга таяниб иш кўрган ёки иш кўришдан тийилган ҳар қандай шахсга етказилган зарар учун, бундай зарар эҳтиётсизлик туфайли ёки бошқа сабабга кўра юзага келганидан қатъи назар, жавобгарликни зиммасига олмайди.

Аудитнинг халқаро стандартлари, Ишонч топшириқларининг халқаро стандартлари, Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандартлари, Сифат бошқарувининг халқаро стандартлари, Алоқадор хизматларнинг халқаро стандартлари, Халқаро аудит амалиёти изоҳлари, муҳокама учун лойиҳалар, маслаҳат ҳужжатлари ва ХАИСКнинг бошқа нашрлари ХБФ томонидан нашр этилади ҳамда унинг муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

© 2023 йил октябрь, ХБФ. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Ушбу нашр шахсий ва нотижорат мақсадларда (яъни профессионал маълумот ёки тадқиқот учун) юклаб олиниши ёки www.iaasb.org сайтидан сотиб олиниши мумкин. Ушбу ҳужжатни таржима қилиш, кўпайтириш, сақлаш ёки узатиш, ёхуд бошқа шунга ўхшаш тарзда фойдаланиш учун ёзма рухсат талаб этилади.

«Халқаро аудит ва ишонч стандартлари кенгаши», «Аудитнинг халқаро стандартлари», «Ишонч топшириқларининг халқаро стандартлари», «Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандартлари», « Сифат бошқарувининг халқаро стандартлари», « Алоқадор хизматларнинг халқаро стандартлари», « Халқаро аудит амалиёти изоҳлари», «ХАИСК», «АХС», «ИТХС», «КТХС», «АХХС», «СБХС», «ХААИ» ва ХАИСК логотипи ХБФнинг товар белгилари, ёхуд АҚШ ва бошқа мамлакатларда ХБФнинг рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларидир.

ХАИСК фаолиятини қўллаб-қувватловчи жараёнлар ХБФ томонидан таъминланади.

Муаллифлик ҳуқуқи, товар белгиси ва рухсатлар бўйича маълумот учун permissions саҳифасига ўтинг ёки permissions@ifac.org орқали боғланинг.

ТАРЖИМА ТЎҒРИСИДАГИ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ЭСЛАТМАСИ

«Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) томонидан 2023 йил октябрда инглиз тилида нашр этилган Халқаро аудит ва ишончлилик стандартлари бўйича кенгаш (IAASB)нинг ушбу «Сифатни халқаро бошқариш, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончлилик ва турдош хизматлар бўйича хужжатлар тўплами, 2022 йил нашри» IFACнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси томонидан 2026 йил майда ўзбек тилига таржима қилинган ва қайта нашр этилган. Сифатни халқаро бошқариш, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончлилик ва турдош хизматлар бўйича хужжатларни таржима қилиш жараёни IFAC томонидан кўриб чиқилган ва таржима «Policy Statement—Policy for Translating Publications of the International Federation of Accountants» ҳужжатига мувофиқ амалга оширилган. Барча Сифатни халқаро бошқариш, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончлилик ва турдош хизматлар бўйича хужжатларнинг тасдиқланган матни IFAC томонидан инглиз тилида нашр этилган матн ҳисобланади. IFAC таржиманинг аниқлиги ва тўлиқлиги учун, шунингдек ундан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

«Сифатни халқаро бошқариш, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончлилик ва турдош хизматлар бўйича хужжатлар тўплами, 2022 йил нашри»нинг инглиз тилидаги матни © 2023 IFAC. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

«Сифатни халқаро бошқариш, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончлилик ва турдош хизматлар бўйича хужжатлар тўплами, 2022 йил нашри»нинг ўзбек тилидаги матни © 2026 IFAC. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Асл номи: Handbook of International Quality Management, Auditing, Review, Other Assurance, and Related Services Pronouncements, 2022 Edition.
ISBN: 978-1-60815-546-0

Ушбу ҳужжатни кўпайтириш, сақлаш ёки узатиш, шунингдек бошқа шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланиш учун рухсат олиш бўйича Permissions@ifac.org манзилига мурожаат қилинг.»

IAASB International Auditing and Assurance Standards Board

529 Fifth Avenue, New York, NY 10017
T +1 (212) 286-9344 F +1 (212) 286-9570
www.iaasb.org

ISBN: 978-1-60815-546-0

Товар белгилари, рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари

Халқаро аудит ва ишонч стандартлари кенгаши®

ХАИСК®

IAASB

IAASB International Auditing and Assurance Standards Board

Аудитнинг халқаро стандартлари®

Ишонч топшириқларининг халқаро стандартлари ™

Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандартлари ™

Алоқадор хизматларнинг халқаро стандартлари ™

Сифат бошқарувининг халқаро стандартлари ™

Халқаро аудит амалиёти изоҳлари™

АХС®

ИТХС™

КТХС™

АХХС™

СБХС™

ХААИ™

2400-СОН КЎРИБ ЧИҚИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)

ТАРИХИЙ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

(2013 йил 31 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишлари учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш

КТХСнинг қўллаш доираси ... 1–4

Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғи ... 5–8

КТХСнинг ваколати ... 9–12

Кучга кириш санаси ... 13

Мақсадлар ... 14–15

Таърифлар ... 16–17

Талаблар

КТХСга мувофиқ кўриб чиқиш топшириғини ўтказиш ... 18–20

Ахлоқий талаблар ... 21

Профессионал скептицизм ва профессионал мулоҳаза ... 22–23

Топшириқ даражасида Сифат бошқаруви ... 24–28

Мижозлар билан муносабатларни ва кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш ... 29–41

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ... 42

Топшириқни бажариш ... 43–57

Кейинги ҳодисалар ... 58–60

Ёзма тасдиқлашлар ... 61–65

Бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далилларни баҳолаш ... 66–68

Амалиётчининг молиявий ҳисоботлар юзасидан хулосасини шакллантириш ... 69–85

Амалиётчининг ҳисоботи ... 86–92

Ҳужжатлаштириш ... 93–96

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

КТХСнинг қўллаш доираси ... A1–A4

Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғи ... A5–A6

Мақсадлар ... A7–A9

Таърифлар ... A10–A12

КТХСга мувофиқ кўриб чиқиш топшириғини ўтказиш ... A13

Ахлоқий талаблар ... A14–A15

Профессионал скептицизм ва профессионал мулоҳаза ... A16–A24

Топшириқ даражасида Сифат бошқаруви ... A25–A32

Мижозлар билан муносабатларни ва кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш ... A33–A60

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот ... A61–A67

Топшириқни бажариш ... A68–A103

Ёзма тасдиқлашлар ... A104–A106

Бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далилларни баҳолаш ... A107–A109

Амалиётчининг молиявий ҳисоботлар юзасидан хулосасини шакллантириш A110–A121

Амалиётчининг ҳисоботи A122–A148

Ҳужжатлаштириш A149

1-илова: Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғи учун топшириқ хатининг намунаси

2-илова: Амалиётчиларнинг кўриб чиқиш ҳисоботлари намуналари

2400-сон Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандарти (КТХС) (Қайта таҳрирланган), *“Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари”, “Халқаро сифат бошқаруви, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч ва алоқадор хизматлар бўйича ҳужжатлар”*га сўзбоши билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

КТХСнинг қўллаш доираси

1. Ушбу Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандарти (КТХС) қуйидагиларни қамраб олади:
   (a) Амалиётчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари аудитори бўлмаган ҳолатларда, тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишини бажариш учун жалб қилинганда амалиётчининг жавобгарликлари; ва
   (b) Молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчи ҳисоботининг шакли ва мазмуни. (А1-бандга қаранг)
2. Ушбу КТХС амалиётчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг мустақил аудитори бўлганда, ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини ёки оралиқ молиявий маълумотларини текширишни қамраб олмайди.
3. Ушбу КТХС, зарур бўлганда мослаштирилган ҳолда, бошқа тарихий молиявий маълумотларни текширишга қўлланилади. Тарихий молиявий маълумотларни текширишдан бошқа чекланган ишончни таъминловчи топшириқлар 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) бўйича бажарилади.[1]

1-сон СБХС билан боғлиқлиги[2]

4. Сифат бошқаруви тизимлари ва сиёсатлари ёки тартиб-таомиллари фирманинг масъулияти ҳисобланади. 1-сон СБХС молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш бўйича фирма топшириқларига нисбатан фирмаларга қўлланилади.[3] Ушбу КТХСнинг алоҳида кўриб чиқиш топшириқлари даражасида Сифат бошқарувига оид қоидалари фирма 1-сон СБХСга ёки камида шунга тенг даражада талабчан талабларга риоя қилади деган асосга таянади. (А2–А4-бандларга қаранг)

Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиши

5. Тарихий молиявий ҳисоботларни текшириш Ишончни таъминлаш топшириқларининг халқаро концептуал асосларида (Ишончни таъминлаш асослари)[4] тавсифланганидек, чекланган ишончни таъминловчи топшириқдир. (А5–А6-бандларга қаранг)
6. Молиявий ҳисоботларни текширишда, амалиётчи мўлжалланган фойдаланувчиларнинг ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланиши бўйича ишонч даражасини оширишга мўлжалланган хулосани ифодалайди. Амалиётчининг хулосаси амалиётчи томонидан чекланган ишончни олишга асосланади. Амалиётчининг ҳисоботи ҳисобот ўқувчиларига хулосани тушуниш имконини бериш учун контекст сифатида кўриб чиқиши характерининг тавсифини ўз ичига олади.
7. Амалиётчи асосан ушбу КТХС талабларига мувофиқ ифодаланган, умуман молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса учун асос сифатида етарли ва муносиб далилларни олиш учун сўров ва таҳлилий тартиб-таомилларни бажаради.
8. Агар амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ишонишга сабаб бўладиган масалани аниқласа, амалиётчи ушбу КТХСга мувофиқ молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса чиқариш имконига эга бўлиш учун, шароитларда зарур деб ҳисоблайдиган қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқади ва бажаради.

КТХСнинг ваколати

9. Ушбу КТХС амалиётчининг КТХСни бажаришдаги мақсадларини ўз ичига олади, улар ушбу КТХС талаблари белгиланган контекстни тақдим этади ва амалиётчига кўриб чиқишида нимани амалга ошириш кераклигини тушунишда ёрдам бериш учун мўлжалланган.
10. КТХС амалиётчига белгиланган мақсадларга эришиш имконини бериш учун мўлжалланган бўлиб, "лозим" сўзидан фойдаланган ҳолда ифодаланган талабларни ўз ичига олади.
11. Бундан ташқари, ушбу КТХСни тегишли тушуниш учун тегишли контекстни тақдим этувчи кириш материали, таърифлар ва қўллаш ва бошқа изоҳловчи материалларни ўз ичига олади.
12. Қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар талабларга қўшимча тушунтириш ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар беради. Бундай кўрсатмаларнинг ўзи талабни юкламаса-да, у талабларни тўғри қўллаш учун долзарбдир.

Кучга кириш санаси

13. Ушбу КТХС 2013 йил 31 декабрь ва ундан кейин тугайдиган даврлар учун молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишлари учун амал қилади.

Мақсадлар

14. Ушбу КТХС бўйича молиявий ҳисоботларни текширишдаги амалиётчининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

---

[1] 3000-сон Ишончни таъминлаш топшириқларининг халқаро стандарти (ИТХС) (Қайта таҳрирланган), *«Тарихий молиявий маълумотлар аудити ёки кўриб чиқишидан бошқа ишончни таъминлаш топшириқлари»*

[2] 1-сон Сифат бошқарувининг халқаро стандарти (СБХС), «Молиявий ҳисоботлар аудити ёки кўриб чиқишини, ёхуд бошқа ишончни таъминлаш ёки турдош хизматлар топшириқларини бажарувчи фирмалар учун сифатни бошқариш»

[3] 1-сон СБХС, 5-банд

[4] Ишончни таъминлаш асослари, 15 ва 16-бандлар

(a) Асосан сўров ва таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш орқали, молиявий ҳисоботлар умуман муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлиги ҳақида чекланган ишончни олиш, шу билан амалиётчига молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга сабаб бўладиган бирон нарса амалиётчининг эътиборига тушганлиги ёки тушмаганлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон бериш; ва

(b) Умуман молиявий ҳисоботлар ҳақида хулоса бериш ва ушбу КТХС талаб қилганидек мулоқот қилиш.

15. Чекланган ишончни олиш имкони бўлмаган барча ҳолларда ва шароитларда амалиётчининг ҳисоботидаги шартли хулоса етарли бўлмаганда, ушбу КТХС амалиётчидан ё топшириқ учун берилган ҳисоботда хулоса беришдан бош тортишни ёки, мувофиқ бўлса, қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатга мувофиқ топшириқдан чиқиш мумкин бўлса, топшириқдан чиқишни талаб қилади. (А7–А9, А119–А120-бандларга қаранг)

Таърифлар

16. Қўлланманинг атамалар луғати (Луғат)[5] ушбу КТХСда таърифланган атамаларни, шунингдек изчил қўллаш ва талқин қилишга ёрдам бериш учун ушбу КТХСда қўлланиладиган бошқа атамаларнинг тавсифларини ўз ичига олади. (А10–А11-бандларга қаранг)

17. Ушбу КТХС мақсадлари учун, қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

(a) *Таҳлилий тартиб-таомиллар* — молиявий ва номолиявий маълумотлар ўртасидаги асосли муносабатларни таҳлил қилиш орқали молиявий маълумотларни баҳолаш. Таҳлилий тартиб-таомиллар, шунингдек, бошқа тегишли маълумотларга номувофиқ бўлган ёки кутилган қийматлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган аниқланган тебранишлар ёки муносабатларни зарур даражада текширишни ҳам қамраб олади.

(b) *Топшириқ риски* — молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилган ҳолда амалиётчи номақбул хулоса ифодалаши риски.

(c) *Умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар* — умумий мақсадли концептуал асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар.

(d) *Умумий мақсадли концептуал асос* — фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун умумий молиявий маълумотларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисобот концептуал асоси. Молиявий ҳисобот концептуал асоси ҳаққоний тақдимот концептуал асоси ёки мувофиқлик концептуал асоси бўлиши мумкин.

(e) *Сўров* — сўров ташкилот ичидаги ёки ташқарисидаги билимга эга шахслардан маълумот излашдан иборат.

(f) *Чекланган ишонч* — ушбу КТХСга мувофиқ хулоса ифодалаш учун асос сифатида, топшириқ риски топшириқ ҳолатларида мақбул даражагача камайтирилган, лекин ушбу риск оқилона ишонч топшириғидагига нисбатан юқорироқ бўлган ҳолда олинган ишонч даражаси. Далилларни тўплаш тартиб-таомилларининг характери, муддати ва кўлами йиғиндиси амалиётчининг мазмунли ишонч даражасини олиши учун камида етарли бўлади. Мазмунли бўлиши учун амалиётчи томонидан олинган ишонч даражаси мўлжалланган фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларга бўлган ишончини ошириши эҳтимол қилинади. (А12-бандга қаранг)

(g) *Амалиётчи* — оммавий амалиётдаги профессионал бухгалтер. Ушбу атама топшириқ партнёри ёки топшириқ гуруҳининг бошқа аъзоларини, ёки қўлланиладиган ҳолларда, фирмани ўз ичига олади. Ушбу КТХС муайян талаб ёки жавобгарлик топшириқ партнёри томонидан бажарилишини аниқ назарда тутган ҳолларда, “амалиётчи” эмас, балки “топшириқ партнёри” атамаси қўлланилади. “Топшириқ партнёри” ва “фирма” атамалари тегишли ҳолларда уларнинг давлат секторидаги эквивалентларига нисбатан ўқилиши лозим.

(h) *Профессионал мулоҳаза* — кўриб чиқиш топшириғи ҳолатларида мувофиқ бўлган ҳаракатлар йўналишлари ҳақида асосланган қарорлар қабул қилишда, ишончни таъминлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ахлоқий стандартлар тақдим этган контекст доирасида тегишли тайёргарлик, билим ва тажрибани қўллаш.

(i) *Тегишли ахлоқий талаблар* — профессионал бухгалтерлар молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишни бажараётганда уларга нисбатан қўлланиладиган профессионал ахлоқ принциплари ва ахлоқий талаблар. Тегишли ахлоқий талаблар одатда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг *Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодексидаги (Халқаро мустақиллик стандартларини ўз ичига олган)* (БХАСК Кодекси) молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишга тааллуқли қоидаларни, шунингдек, янада чекловчи миллий талабларни ўз ичига олади.

(j) *Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар* — махсус мақсадли концептуал асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар.

(k) Махсус мақсадли концептуал асос — муайян фойдаланувчиларнинг молиявий маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисобот концептуал асоси. Молиявий ҳисобот концептуал асоси ҳаққоний тақдимот концептуал асоси ёки мувофиқлик концептуал асоси бўлиши мумкин

[5] IFAC томонидан нашр этилган «Сифатни бошқариш, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончни таъминлаш ва турдош хизматлар бўйича халқаро ҳужжатлар тўплами»даги (Тўплам) IAASB томонидан чиқарилган Халқаро стандартларга оид Атамалар луғати.

Талаблар.

КТХСга мувофиқ кўриб чиқишни бажариш

18. Амалиётчи унинг мақсадларини тушуниш ва унинг талабларини тўғри қўллаш учун ушбу КТХСнинг бутун матнини, шу жумладан унинг қўллаш ва бошқа изоҳловчи материалларини тушуниши лозим. (А13-бандга қаранг)

Тегишли талабларга риоя қилиш

19. Амалиётчи, агар талаб кўриб чиқишига тегишли бўлмаса, ушбу КТХСнинг ҳар бир талабига риоя қилиши лозим. Талаб томонидан кўрилган ҳолатлар мавжуд бўлганда талаб кўриб чиқишига тегишли бўлади.

20. Амалиётчи кўриб чиқишига тегишли бўлган ушбу КТХСнинг барча талабларига риоя қилмаган бўлса, амалиётчининг хулосасида ушбу КТХСга риоя қилинганлигини ифодаламаслиги лозим.

Ахлоқий талаблар

21. Амалиётчи тегишли ахлоқий талабларга, шу жумладан мустақилликка тегишли бўлганларга риоя қилиши лозим. (А14–А15-бандларга қаранг)

Профессионал скептицизм ва профессионал мулоҳаза

22. Амалиётчи молиявий ҳисоботларнинг муҳим бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олган ҳолда профессионал скептицизм билан топшириқни режалаштириши ва бажариши лозим. (А16–А19-бандларга қаранг)

23. Амалиётчи кўриб чиқишни бажаришда профессионал мулоҳаза юритиши лозим. (А20–А24-бандларга қаранг)

Топшириқ даражасида сифат бошқаруви

24. Топшириқ партнёри топшириқ ҳолатларига мувофиқ, етарли вақтга эга бўлиш имконияти ҳамда ишончни таъминлаш кўникмалари ва техникалари ҳамда молиявий ҳисобот тузишда малакага эга бўлиши лозим. (А25-бандга қаранг)

25. Топшириқ партнёри қуйидагилар учун умумий жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозим: (А26–А29-бандларга қаранг)
    (a) Ўша партнёр тайинланган ҳар бир кўриб чиқишида сифат бошқаруви ва унга эришиш ҳамда топшириқ давомида етарли ва муносиб даражада иштирок этиш;
    (b) Кўриб чиқишини профессионал стандартлар ва қўлланиладиган қонун ва норматив талабларга мувофиқ йўналтириш, назорат қилиш, режалаштириш ва бажариш; (А30-бандга қаранг)
    (c) Амалиётчининг хулосаси ҳолатларга мувофиқ бўлиши; ва
    (d) Топшириқ ташкилотнинг Сифат бошқаруви сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига мувофиқ бажарилиши.
        (i) Фирманинг мижозлар билан муносабатларни ва кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ҳамда давом эттириш бўйича сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига риоя қилинганлигига ва эришилган хулосалар тегишли эканлигига қаноат ҳосил қилиш, шу жумладан раҳбарият ҳалолликка эга эмас деган хулосага топшириқ партнёрини олиб келиши мумкин бўлган маълумот мавжудлигини кўриб чиқиш; (А31–А32-бандларга қаранг)
        (ii) Топшириқнинг характери ва ҳолатларини, фирманинг сиёсатлари ёки тартиб-таомилларини ҳамда топшириқ давомида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, топшириқни бажариш учун етарли ва муносиб ресурслар топшириқ гуруҳига ўз вақтида тайинланганлигини ёки тақдим этилганлигини аниқлаш.
        (iii) Топшириқ гуруҳи жамоавий тарзда тегишли компетенция ва қобилиятларга, шу жумладан етарли вақтга, шунингдек ишончни таъминлаш кўникмалари ва техникалари ҳамда молиявий ҳисобот тузиш бўйича экспертизага эга эканлигига қаноат ҳосил қилиш, қуйидагилар учун:
            a. Кўриб чиқиш топшириғини профессионал стандартлар ва қўлланиладиган қонун ва норматив талабларга мувофиқ бажариш; ва
            b. Ҳолатларга мувофиқ ҳисобот чиқарилишини таъминлаш;
        (iv) Тегишли топшириқ ҳужжатлари юритилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш; ва
        (v) Агар 1-сон СБХСга ёки фирманинг сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига мувофиқ топшириқ сифатини кўриб чиқиш талаб қилинса, топшириқ сифатини кўриб чиқиш якунланмагунча ҳисоботга сана қўймаслик.[6]

[6] 2-сон СБХС, *«Топшириқ сифатини кўриб чиқиш»*

Топшириқ қабул қилинганидан сўнг эътиборга олинадиган тегишли жиҳатлар

26. Агар топшириқ партнёри бу маълумот олдинроқ мавжуд бўлганда ташкилот топшириқни рад этишига сабаб бўладиган маълумот олса, топшириқ партнёри ташкилот ва топшириқ партнёри зарур чораларни кўриши учун бу маълумотни ташкилотга зудлик билан хабар қилиши лозим.

Тегишли ахлоқий талабларга риоя қилиш

27. Топшириқ давомида, топшириқ партнёри кузатиш ва зарур бўлганда сўровлар ўтказиш орқали, топшириқ гуруҳи аъзолари томонидан тегишли ахлоқий талабларни бузиш далилларига нисбатан ҳушёр бўлиб туриши лозим. Агар ташкилотнинг Сифат бошқаруви тизими орқали ёки бошқа йўл билан топшириқ партнёрининг эътиборига топшириқ гуруҳи аъзолари тегишли ахлоқий талабларни бузганлигини кўрсатувчи масалалар тушса, топшириқ партнёри, ташкилотдаги бошқалар билан маслаҳатлашиб, тегишли чоралар белгилаши лозим.

Мониторинг ва бартараф этиш

28. Ташкилотнинг Сифат бошқаруви тизими қуйидагилар учун мониторинг ва тузатиш жараёнини белгилашни ўз ичига олади:

    (a) Ташкилотни Сифат бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ишлаши ҳақида тегишли, ишончли ва ўз вақтида маълумот билан таъминлаш.

    (b) Аниқланган камчиликлар ташкилот томонидан ўз вақтида тузатилиши учун уларга жавоб бериш бўйича тегишли чоралар кўриш.

    Топшириқ партнёри ташкилот ва, агар қўлланиладиган бўлса, бошқа тармоқ ташкилотлари томонидан хабар қилинган ташкилотнинг мониторинг ва тузатиш жараёнидан олинган маълумотни ва бу маълумот кўриб чиқишига таъсир қилиши мумкинлигини текшириши лозим.

Мижозлар билан муносабатларни ва кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш

Мижозлар билан муносабатларни ва кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттиришга таъсир кўрсатадиган омиллар

29. Қонун ёки норматив ҳужжат талаб қилмаган бўлса, амалиётчи қуйидаги ҳолларда кўриб чиқишини қабул қилмаслиги лозим: (А33–А34-бандларга қаранг)

    (a) Амалиётчи қуйидагиларга қаноатланмаган:

        (i) Топшириқ учун оқилона мақсад мавжудлиги; ёки

        (ii) Кўриб чиқиши ҳолатларда мувофиқ бўлиши;

    (b) Амалиётчининг тегишли ахлоқий талаблар, шу жумладан мустақиллик, бажарилмаслигига ишониш учун асоси бор;

    (c) Амалиётчининг топшириқ ҳолатларини дастлабки тушуниши кўриб чиқишини бажариш учун зарур маълумот мавжуд бўлмаслиги ёки ишончсиз бўлиши мумкинлигини кўрсатади;

    (d) Амалиётчининг раҳбариятнинг ҳалоллигига шубҳа қилишга асоси бор, шундай қилиб бу текширишни тўғри бажаришга таъсир қилиши мумкин; ёки

    (e) Раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар таклиф қилинган кўриб чиқиш шартларида амалиётчининг иш кўламини чеклайди, натижада амалиётчи бу чеклов амалиётчининг молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса беришдан воз кечишига олиб келишига ишонади.

Кўриб чиқиш топшириғини қабул қилиш учун мажбурий шартлар

30. Кўриб чиқишини қабул қилишдан олдин, амалиётчи: (А38-бандга қаранг)

    (a) Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган молиявий ҳисобот концептуал асослари мақбул эканлигини аниқлаши, шу жумладан, махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар ҳолатида, молиявий ҳисоботлар қандай мақсадда тайёрланганини ва мўлжалланган фойдаланувчиларни тушуниб олиши; ва

    (b) Раҳбариятнинг ўз жавобгарликларини тан олиши ва тушуниши ҳақида розилигини олиши лозим:

        (i) Молиявий ҳисоботларни қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрлаш, шу жумладан, тегишли бўлса, уларни ҳаққоний тақдим этиш учун;

        (ii) Раҳбарият фирибгарлик ёки хатолик туфайли муҳим бузиб кўрсатиш кўрсатишдан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини бериш учун зарур деб белгилаган ички назорат учун; ва

        (iii) Амалиётчини барча маълумотларга кириш, амалиётчи сўраши мумкин бўлган қўшимча маълумотлар ва ташкилот ичидаги шахсларга чекланмаган кириш билан таъминлаш учун.

            a. Раҳбарият хабардор бўлган, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун аҳамиятли барча маълумотларга, масалан, ёзувлар, ҳужжатлар ва бошқа масалаларга кириш;

            b. Кўриб чиқиш мақсадида амалиётчи раҳбариятдан сўраши мумкин бўлган қўшимча маълумотлар; ва

c. Амалиётчи далил олиш зарур деб ҳисоблайдиган ташкилот ичидаги шахсларга чекланмаган кириш.

31. Агар амалиётчи топшириқни қабул қилиш учун олдиндан шарт сифатида 30-бандда кўрсатилган масалаларнинг бирортасига қаноатланмаса, амалиётчи масалани раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилиши лозим. Агар амалиётчини ўша масалалар бўйича қаноатлантириш учун ўзгартиришлар киритиш имкони бўлмаса, амалиётчи таклиф қилинган топшириқни қонун ёки норматив ҳужжат талаб қилмаган бўлса, қабул қилмаслиги лозим.

32. Агар топшириқ қабул қилингандан сўнг амалиётчи юқорида келтирилган мажбурий шартларнинг бирортасига қаноатланмаганлиги аниқланса, амалиётчи бу масалани раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан муҳокама қилиши ва қуйидагиларни аниқлаши лозим:

(a) Масалани ҳал қилиш мумкинлиги;

(b) Топшириқни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги; ва

(c) Масалани амалиётчининг ҳисоботида хабар қилиш зарурлиги ва, агар зарур бўлса, уни қандай хабар қилиш.

Амалиётчи ҳисоботининг сўзлари қонун ёки норматив ҳужжат билан белгиланганда қўшимча мулоҳазалар

33. Кўриб чиқиш топшириғи учун берилган амалиётчи ҳисоботи ушбу КТХСга, фақат ҳисобот 86-банд талабларига мувофиқ бўлгандагина, ҳавола қилиши лозим.

34. Айрим ҳолларда, кўриб чиқиш юрисдикциянинг қўлланиладиган қонуни ёки норматив ҳужжатига мувофиқ бажарилганда, тегишли қонун ёки норматив ҳужжат амалиётчи ҳисоботининг шакли ёки сўз баёнини ушбу КТХС талабларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган шаклда ёхуд тарзда белгилаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатларда, амалиётчи фойдаланувчилар молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишдан олинган ишончни нотўғри тушуниши мумкинлигини ва, агар шундай бўлса, амалиётчи ҳисоботидаги қўшимча тушунтириш мумкин бўлган нотўғри тушунишни юмшата олиш-олмаслигини баҳолаши лозим. (А50, А146-бандларга қаранг)

35. Агар амалиётчи амалиётчининг хулосасидаги қўшимча тушунтириш эҳтимолий нотўғри тушунишни камайтира олмайди деган хулосага келса, амалиётчи қонун ёки норматив ҳужжат талаб қилмаган бўлса, кўриб чиқишини қабул қилмаслиги лозим. Бундай қонун ёки норматив ҳужжатга мувофиқ ўтказилган текшириш ушбу КТХСга мувофиқ келмайди. Шунга мувофиқ, амалиётчи амалиётчининг хулосасида текшириш ушбу КТХСга мувофиқ ўтказилганлиги ҳақида ҳеч қандай ҳаволани киритмаслиги лозим. (А50, А146-бандларга қаранг)

Топшириқ шартларини келишиш

36. Амалиётчи топшириқни бажаришдан олдин топшириқ шартларини раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан, мос равишда, келишиши лозим.

37. Келишилган топшириқ шартлари топшириқ хатида ёки ёзма келишувнинг бошқа мос шаклида қайд этилиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А51–А52, А54-бандларга қаранг)

(a) Молиявий ҳисоботларнинг мўлжалланган фойдаланиши ва тарқатилиши, ва қўлланиладиган бўлса, фойдаланиш ёки тарқатиш бўйича ҳар қандай чекловлар;

(b) Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини аниқлаш;

(c) Кўриб чиқишининг мақсади ва қўлами;

(d) Амалиётчининг жавобгарликлари;

(e) Раҳбариятнинг жавобгарликлари, шу жумладан 30(b)-банддагилар;

(f) Топшириқ аудит эмаслиги ва амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича аудит фикрини ифодаламаслиги ҳақида баёнот; ва

(g) Амалиётчи томонидан берилиши кутилаётган ҳисоботнинг кутилган шакли ва мазмунига ҳавола.

Такрорланувчи топшириқлар

38. Такрорланувчи кўриб чиқишларда, амалиётчи ҳолатлар, шу жумладан топшириқни қабул қилиш мулоҳазаларидаги ўзгаришлар, топшириқ шартларини қайта текширишни талаб қилиши ва раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахсларга, мос равишда, мавжуд топшириқ шартларини эслатиш зарурати борилиги юзасидан баҳолаши лозим. (А55-бандга қаранг)

Кўриб чиқиш топшириғи шартларидаги ўзгаришни қабул қилиш

39. Амалиётчи бундай қилиш учун оқилона асос бўлмаган ҳолда топшириқ шартларини ўзгартиришга розилик бермаслиги лозим. (А56–А58-бандларга қаранг)

40. Агар кўриб чиқишини тугатишдан олдин, амалиётчидан топшириқни ишонч олинмайдиган топшириққа ўзгартириш сўралса, амалиётчи бундай қилиш учун оқилона асос борлигини аниқлаши лозим. (А59–А60-бандларга қаранг)

41. Агар топшириқ шартлари топшириқ давомида ўзгартирилса, амалиётчи ва раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар, мос равишда, топшириқнинг янги шартларини топшириқ хатида ёки ёзма келишувнинг бошқа мос шаклида келишиши ва қайд этиши лозим.

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот

42. Амалиётчи кўриб чиқиш давомида ўз вақтида раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан, мос равишда, амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахсларнинг эътиборига лойиқ бўлган етарли аҳамиятга эга бўлган кўриб чиқишига тегишли барча масалалар бўйича мулоқот қилиши лозим. (А61–А67-бандларга қаранг)

Топшириқни бажариш

Молиявий ҳисоботларни текширишда муҳимлик

43. Амалиётчи умуман молиявий ҳисоботлар учун муҳимликни аниқлаши ва бу муҳимликни тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда ва ўша тартиб-таомиллардан олинган натижаларни баҳолашда қўллаши лозим. (А68–А71-бандларга қаранг)

44. Текшириш давомида амалиётчи дастлаб бошқа миқдорни аниқлашига сабаб бўладиган маълумотдан хабардор бўлган тақдирда, амалиётчи умуман молиявий ҳисоботлар учун муҳимликни қайта текшириши лозим. (А72-бандга қаранг)

Амалиётчининг тушуниши

45. Амалиётчи молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар юзага келиши эҳтимоли бўлган соҳаларни аниқлаш ва шу орқали ўша соҳаларни ёритиш учун тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш учун асос яратиш мақсадида ташкилот ва унинг муҳити, ҳамда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини тушуниб олиши лозим. (А73–А75-бандларга қаранг)

46. Амалиётчининг тушуниши қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А76, А85, А88-бандларга қаранг)

(a) Тегишли саноат, тартибга солиш ва қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини ўз ичига олган бошқа ташқи омиллар;

(b) Ташкилотнинг характери, шу жумладан:

(i) унинг операциялари;

(ii) унинг мулк ва бошқарув тузилмаси;

(iii) ташкилот амалга ошираётган ва амалга оширишни режалаштираётган инвестициялар турлари;

(iv) ташкилот қандай тузилганлиги ва қандай молиялаштирилиши; ва

(v) ташкилотнинг мақсадлари ва стратегиялари;

(c) Ташкилотнинг бухгалтерия тизимлари ва бухгалтерия ёзувлари; ва

(d) Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини танлаши ва қўллаши.

Тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажариш

47. Умуман молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса учун асос сифатида етарли ва муносиб далилларни олишда, амалиётчи сўров ва таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқиши ва бажариши лозим: (А77–А81, А85, А88-бандларга қаранг)

(a) Маълумотларни ёритиб беришни ўз ичига олган, молиявий ҳисоботлардаги барча муҳим моддаларни ёритиш учун; ва

(b) Молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар юзага келиши эҳтимоли бўлган соҳаларни ёритишга эътибор қаратиш учун.

48. Амалиётчининг раҳбариятдан ва ташкилот ичидаги бошқалардан сўровлари, мос равишда, қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А82–А86-бандларга қаранг)

(a) Раҳбарият қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари остида талаб қилинадиган муҳим ҳисоб баҳоларини қандай амалга ошириши;

(b) Боғлиқ томонлар ва боғлиқ томонлар операцияларини, шу жумладан ўша операцияларнинг мақсадини аниқлаш;

(c) Ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган муҳим, ноодатий ёки мураккаб операциялар, ҳодисалар ёки масалалар мавжудлиги;

(i) Ташкилотнинг бизнес фаолияти ёки операцияларидаги муҳим ўзгаришлар;

(ii) Ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига муҳим таъсир кўрсатадиган шартномалар шартларидаги муҳим ўзгаришлар, шу жумладан молиялаштириш ва қарз шартномалари ёки ковенантлар шартлари;

(iii) Молиявий ҳисоботларга оид муҳим бухгалтерия ёзувлари ёки бошқа тузатишлар;

(iv) Ҳисобот даври охирига яқин содир бўлган ёки тан олинган муҳим операциялар;

(v) Олдинги топшириқлар давомида аниқланган ҳар қандай тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг ҳолати; ва

(vi) Боғлиқ томонлар билан операциялар ёки муносабатларнинг ташкилот учун таъсирлари ёки эҳтимолий оқибатлари;

(d) Ташкилотга таъсир қилувчи ҳар қандай ҳақиқий, шубҳаланган ёки иддао қилинган фирибгарлик ёки ноқонуний ҳаракатлар мавжудлиги;

(i) Ташкилотга таъсир қилувчи фирибгарлик ёки ноқонуний ҳаракатлар; ва

(ii) Молиявий ҳисоботлардаги муҳим миқдорлар ва ёритиб беришларни аниқлашга бевосита таъсир кўрсатиши умум-эътироф этилган қонунлар ва норматив ҳужжатлар қоидаларига риоя қилмаслик, масалан, солиқ ва пенсия қонунлари ва норматив ҳужжатлари;

(e) Раҳбарият молиявий ҳисоботлар санаси ва амалиётчининг ҳисоботи санаси ўртасида содир бўлган, тузатиш ёки ёритиб беришни талаб қиладиган ҳодисаларни аниқлаган ва ҳал қилганлиги;

(f) Раҳбариятнинг ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолаш асоси;

(g) Ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттириш қобилиятига шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитлар мавжудлиги;

(h) Ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган муҳим мажбуриятлар, шартномавий мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятлар; ва

(i) Кўриб чиқилаётган молиявий ҳисобот даврида муҳим номонетар операциялар ёки эвазсиз операциялар.

49. Таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда, амалиётчи ташкилотнинг бухгалтерия тизими ва бухгалтерия ёзувларидан олинган маълумотлар таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш мақсади учун етарли эканлигини текшириши лозим. (А88–А90-бандларга қаранг)

Муайян ҳолатларни ҳал қилиш бўйича тартиб-таомиллар

Боғлиқ томонлар

50. Текшириш давомида, амалиётчи раҳбарият аввал амалиётчига аниқламаган ёки ошкор қилмаган боғлиқ томонлар муносабатлари ёки операциялари мавжудлигини кўрсатиши мумкин бўлган келишувлар ёки маълумотларга нисбатан ҳушёр бўлиб туриши лозим.

51. Агар амалиётчи текширишни бажариш давомида ташкилотнинг одатдаги бизнес фаолиятидан ташқаридаги муҳим операцияларни аниқласа, амалиётчи раҳбариятдан қуйидагилар ҳақида сўраши лозим:

(a) Ўша операцияларнинг характери;

(b) Боғлиқ томонлар иштирок этиши мумкинлиги; ва

(c) Ўша операцияларнинг бизнес асослантириши (ёки унинг йўқлиги).

Фирибгарлик ва қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик

52. Ташкилотда фирибгарлик ёки қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик, ёки шубҳаланган фирибгарлик ёки қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик содир бўлганлиги ҳақида белги бўлганда, амалиётчи:

(a) Бу масалани раҳбариятнинг тегишли даражаси ёки бошқарув учун масъул шахслар билан, мос равишда, мулоқот қилиши;

(b) Раҳбариятдан молиявий ҳисоботларга таъсир(лар)ни, агар мавжуд бўлса, баҳолашини сўраши;

(c) Раҳбариятнинг баҳолашининг амалиётчининг хулосаси ва ҳисоботига таъсирини текшириши; ва

(d) Қонун, норматив ҳужжат ёки тегишли ахлоқий талаблар амалиётчидан ташкилотдан ташқаридаги тегишли органга ҳисобот беришни талаб қилишини аниқлаши лозим. (А91–А96-бандларга қаранг)

(i) Амалиётчидан ташкилотдан ташқаридаги тегишли органга хабар беришни талаб қилади.

(ii) Шароитларда ташкилотдан ташқаридаги тегишли органга хабар бериш мақбул бўлиши мумкин бўлган жавобгарликларни белгилайди.

Фаолият узлуксизлиги

53. Молиявий ҳисоботларни текшириш ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттириш қобилиятини текширишни ўз ичига олади. Ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттириш қобилиятини раҳбарият баҳолашини текширишда, амалиётчи қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари талаб қилганидек, ёки узунроқ давр белгиланган қонун ёки норматив ҳужжат бўйича, раҳбарият ўз баҳолашини амалга ошириш учун фойдаланган давр билан бир хил даврни қамраб олиши лозим.

54. Агар текширишни бажариш давомида, амалиётчи ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлардан хабардор бўлса, амалиётчи: (А97-бандга қаранг)

(a) Раҳбариятдан келгусидаги ҳаракатлар режалари ва ўша режаларнинг амалга ошириш мумкинлиги ҳақида сўраши;

(b) Раҳбариятнинг жавоблари етарли асос бериш-бермаслигини текшириш учун ўша сўровлар натижаларини баҳолаши; ва

(i) Агар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги фаразини ўз ичига олса, молиявий ҳисоботларни фаолият узлуксизлиги асосида тақдим этишни давом эттириш; ёки

(ii) Молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилганлиги ёки ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттириш қобилиятига нисбатан бошқача тарзда чалғитувчи эканлигини хулоса қилиш; ва

(c) Текшириш натижасида амалиётчи хабардор бўлган барча тегишли маълумотлар нуқтаи назаридан раҳбариятнинг жавобларини текшириши лозим.

Бошқалар томонидан бажарилган ишдан фойдаланиш

55. Текширишни бажаришда, амалиётчи учун бошқа амалиётчилар томонидан бажарилган ишдан ёки бухгалтерия ҳисоби ёки ишончни таъминлашдан бошқа соҳада тажрибага эга шахс ёки ташкилотнинг ишидан фойдаланиш зарур бўлиши мумкин. Агар амалиётчи бошқа амалиётчи ёки эксперт томонидан бажарилган ишдан фойдаланса, амалиётчи бажарилган иш амалиётчининг мақсадлари учун етарли эканлигига қаноат ҳосил қилиш учун тегишли чораларни кўриши лозим. (А78-бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботларни асосий бухгалтерия ёзувлари билан солиштириш

56. Амалиётчи молиявий ҳисоботлар ташкилотнинг асосий бухгалтерия ёзувларига мос келиши ёки улар билан мувофиқлаштирилганлиги ҳақида далил олиши лозим. (А98-бандга қаранг)

Амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилган бўлиши мумкинлигидан хабардор бўлганда қўшимча тартиб-таомиллар

57. Агар амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ишонишга сабаб бўладиган масала(лар)дан хабардор бўлса, амалиётчи амалиётчига қуйидагиларни имконини берувчи етарли қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиши ва бажариши лозим: (А99–А103-бандларга қаранг)

(a) Масала(лар) умуман молиявий ҳисоботларнинг муҳим бузиб кўрсатилишига олиб келиши эҳтимоли йўқ деган хулосага келиш; ёки

(b) Масала(лар) умуман молиявий ҳисоботларнинг муҳим бузиб кўрсатилишига сабаб бўлаётганини аниқлаш.

Кейинги ҳодисалар

58. Агар амалиётчи молиявий ҳисоботлар санаси ва амалиётчининг ҳисоботи санаси ўртасида содир бўлган, молиявий ҳисоботларда тузатиш киритиш ёки ёритиб беришни талаб қиладиган ҳодисалардан хабардор бўлса, амалиётчи раҳбариятдан ўша бузиб кўрсатишларни тузатишни сўраши лозим.

59. Амалиётчи амалиётчининг хулосаси санасидан кейин молиявий ҳисоботларга нисбатан ҳеч қандай тартиб-таомилларни бажариш мажбуриятига эга эмас. Бироқ, агар амалиётчининг хулосаси санасидан кейин, лекин молиявий ҳисоботлар чиқарилган санадан олдин, амалиётчининг хулосаси санасида маълум бўлганида, амалиётчининг хулосани ўзгартиришига сабаб бўлиши мумкин бўлган факт амалиётчига маълум бўлса, амалиётчи:

(a) Масалани раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан, мос равишда, муҳокама қилиши;

(b) Молиявий ҳисоботларни ўзгартириш зарурлигини аниқлаши; ва

(c) Агар шундай бўлса, раҳбарият молиявий ҳисоботларда масалани қандай бартараф этишни мўлжаллаётганини сўраши лозим.

60. Агар раҳбарият амалиётчи уларни ўзгартириш керак деб ҳисоблаган ҳолатларда молиявий ҳисоботларни ўзгартирмаса ва амалиётчининг хулосаси аллақачон ташкилотга тақдим этилган бўлса, амалиётчи раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларни зарур ўзгартиришлар киритилмагунча молиявий ҳисоботларни учинчи томонларга чиқармасликка огоҳлантириши лозим. Агар молиявий ҳисоботлар шунга қарамай кейин зарур ўзгартиришларсиз чиқарилса, амалиётчи амалиётчининг хулосасига таянишни олдини олиш учун тегишли чоралар кўриши лозим.

Ёзма тасдиқлашлар

61. Амалиётчи раҳбариятдан унинг келишилган топшириқ шартларида тавсифланган жавобгарликларини бажарганлиги ҳақида ёзма тасдиқлаш тақдим этишни сўраши лозим. Ёзма тасдиқлаш қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А104–А106-бандларга қаранг)

(a) Раҳбарият молиявий ҳисоботларни қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ, шу жумладан тегишли ҳолларда уларни ҳаққоний тақдим этиш бўйича тайёрлаш жавобгарлигини бажарган

ҳамда амалиётчини топшириқ шартларида келишилганидек барча тегишли маълумотлар ва маълумотларга кириш билан таъминлаган; ва

(b) Барча операциялар қайд этилган ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттирилган.

Агар қонун ёки норматив ҳужжат раҳбариятдан ўз жавобгарликлари ҳақида оммавий ёзма баёнотлар беришни талаб қилса ва амалиётчи бундай баёнотлар (a)–(b) кичик бандларда талаб қилинадиган тасдиқлашларнинг айримларини ёки барчасини тақдим этади деб аниқласа, бундай баёнотлар қамраб олган тегишли масалаларни ёзма тасдиқлашга киритиш шарт эмас.

62. Амалиётчи шунингдек раҳбариятдан унинг амалиётчига қуйидагиларни ошкор қилганлиги ҳақидаги ёзма тасдиқлашларини сўраши лозим: (А105-бандга қаранг)

(a) Ташкилотнинг боғлиқ томонлари кимлиги ҳамда раҳбарият хабардор бўлган барча боғлиқ томонлар муносабатлари ва операциялари;

(b) Раҳбариятга маълум бўлган, ташкилотга таъсир кўрсатган бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фирибгарлик ёки шубҳаланилган фирибгарликка оид муҳим фактлар;

(c) Риоя қилмаслик оқибатлари ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига таъсир кўрсатадиган, қонунлар ва норматив ҳужжатларга маълум бўлган ҳақиқий ёки эҳтимолий риоя қилмаслик;

(d) Молиявий ҳисоботларда фаолият узлуксизлиги фаразидан фойдаланишга тегишли барча маълумотлар;

(e) Молиявий ҳисоботлар санасидан кейин содир бўлган ва қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари тузатиш ёки ёритиб беришни талаб қиладиган барча ҳодисалар тузатилган ёки ёритиб берилган;

(f) Ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига таъсир кўрсатган ёки кўрсатиши мумкин бўлган муҳим мажбуриятлар, шартномавий мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятлар, шу жумладан маълумотларни ёритиб бериш; ва

(g) Кўриб чиқилаётган молиявий ҳисобот даврида ташкилот томонидан амалга оширилган муҳим номонетар операциялар ёки эвазсиз операциялар.

63. Агар раҳбарият сўралган ёзма баёнотларнинг бирини ёки бир нечтасини тақдим этмаса, амалиётчи:

(a) Масалани раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан, мос равишда, муҳокама қилиши;

(b) Раҳбариятнинг ҳалоллигини қайта баҳолаши; ва

(c) Тегишли чоралар кўриши, шу жумладан амалиётчининг ҳисоботидаги хулосага эҳтимолий таъсирни аниқлаши лозим. (А104-бандга қаранг)

64. Амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса беришдан воз кечиши ёки, қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжат остида топшириқдан чиқиш мумкин бўлса, топшириқдан чиқиши лозим, мос равишда, агар:

(a) Амалиётчи раҳбариятнинг ҳалоллигига ёзма баёнотлар ишончли бўлмаслиги даражасида етарли шубҳа бор деган хулосага келса; ёки

(b) Раҳбарият 61-банд талаб қилган зарур тасдиқларни тақдим этмаса.

Ёзма баёнотларнинг санаси ва уларда қамраб олинган давр(лар)

65. Ёзма баёнотларнинг санаси амалиётчининг хулосаси санасига иложи борича яқин, лекин ундан кейин бўлмаслиги лозим. Ёзма баёнотлар амалиётчининг хулосасида ҳавола қилинган барча молиявий ҳисоботлар ва давр(лар) учун бўлиши лозим.

Бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далилларни баҳолаш

66. Амалиётчи бажарилган тартиб-таомиллардан етарли ва муносиб далиллар олинганлигини баҳолаши ва, агар олинмаган бўлса, молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса шакллантириш имконига эга бўлиш учун ҳолатларда зарур деб ҳисоблаган бошқа тартиб-таомилларни бажариши лозим. (А107-бандга қаранг)

67. Агар амалиётчи хулоса шакллантириш учун етарли ва муносиб далилларни ололмаса, амалиётчи раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан, мос равишда, бундай чекловларнинг текшириш кўламига таъсирларини муҳокама қилиши лозим. (А108–А109-бандларга қаранг)

Амалиётчининг ҳисоботига таъсирни баҳолаш

68. Амалиётчи амалиётчининг ҳисоботига таъсирни аниқлаш учун бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далилларни баҳолаши лозим. (А107-бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботлар юзасидан амалиётчининг хулосасини шакллантириш

Молиявий ҳисоботларга нисбатан қўлланиладиган молиявий ҳисобот тузиш асосини инобатга олиш

69. Молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса шакллантиришда, амалиётчи:

(a) Молиявий ҳисоботлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига етарли даражада ҳавола қилиши ёки уларни тавсифлашини баҳолаши; (А110–А111-бандларга қаранг)

(b) Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари талаблари ва бажарилган тартиб-таомиллар натижалари контекстида қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

(i) Молиявий ҳисоботларда қўлланилган терминология, шу жумладан ҳар бир молиявий ҳисобот номи, мос эканлиги;

(ii) Молиявий ҳисоботлар танланган ва қўлланилган муҳим ҳисоб сиёсатини етарли даражада ёритиб бериши;

(iii) Танланган ва қўлланилган ҳисоб сиёсати қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ ва мос эканлиги;

(iv) Раҳбарият томонидан қилинган бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳолари оқилона кўриниши;

(v) Молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумотлар тегишли, ишончли, қиёсланадиган ва тушунарли кўриниши; ва

(vi) Молиявий ҳисоботлар мўлжалланган фойдаланувчиларга муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг молиявий ҳисоботларда етказилган маълумотларга таъсирини тушуниш имконини берадиган етарли маълумотларни ёритиб бериши. (А112–А114-бандларга қаранг)

70. Амалиётчи қуйидагиларнинг таъсирини текшириши лозим:

(a) Текшириш давомида аниқланган тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг умуман молиявий ҳисоботларга таъсири; ва

(b) Раҳбариятнинг мулоҳазаларида эҳтимолий ноҳолислик кўрсаткичларини ўз ичига олган, ташкилотнинг бухгалтерия амалиётларининг сифат жиҳатлари. (А115–А116-бандларга қаранг)

71. Агар молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тақдимот асослари ёрдамида тайёрланган бўлса, амалиётчининг текшириши шунингдек қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

(a) Молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдимоти, тузилмаси ва мазмуни; ва

(b) Молиявий ҳисоботлар, шу жумладан тегишли изоҳлар, ҳаққоний тақдимотга эришадиган тарзда асосий операциялар ва ҳодисаларни акс эттириши. (А113-бандга қаранг)

Хулосанинг шакли

72. Молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг хулосаси, модификацияланган бўлишидан қатъи назар, молиявий ҳисоботларда қўлланилган молиявий ҳисобот концептуал асослари контекстида тегишли шаклда ифодаланиши лозим.

Модификацияланмаган хулоса

73. Амалиётчи молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга сабаб бўладиган бирон нарса амалиётчининг эътиборига тушмаганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконига эга бўлиш учун чекланган ишончни олганда, умуман молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг ҳисоботида модификация қилинмаган хулоса ифодалаши лозим.

74. Амалиётчи модификация қилинмаган хулоса ифодалаганда, мос равишда қуйидаги ибораларнинг бирини қўллаши лозим:

(a) "Бизнинг текширишимизга асосланиб, молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этмаслигига ишонишга сабаб бўладиган бирон нарса бизнинг эътиборимизга тушмади," (ҳаққоний тақдимот асослари учун); ёки

(b) "Бизнинг текширишимизга асосланиб, молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга сабаб бўладиган бирон нарса бизнинг эътиборимизга тушмади" (мувофиқлик асослари учун). (А117–А118-бандларга қаранг)

Модификацияланган хулоса

75. Амалиётчи қуйидаги ҳолларда умуман молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг ҳисоботида модификацияланган хулоса ифодалаши лозим:

(a) Амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилганлигини аниқлаганда; ёки

(b) Амалиётчи молиявий ҳисоботлардаги бир ёки бир нечта муҳим моддаларга нисбатан етарли ва муносиб далилларни ололмаганда.

76. Амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича ифодаланган хулосани модификация қилганда, амалиётчи:

(a) "Шартли хулоса", "Салбий хулоса" ёки "Хулоса беришдан бош тортиш" сарлавҳасини, мос равишда, қўллаши; ва

(b) Модификацияга сабаб бўлган масаланинг тавсифини алоҳида бандда тақдим этиши лозим.

77. Агар амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилганлигини аниқласа, амалиётчи:

(a) Масала(лар)нинг таъсири муҳимлиги, лекин тарқалган бўлмаганда, шартли хулоса; ёки

(b) Масала(лар)нинг таъсири ҳам муҳим ҳам тарқалган бўлганда, салбий хулоса ифодалаши лозим.

78. Амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш туфайли молиявий ҳисоботлар бўйича шартли хулоса ифодалаганда, амалиётчи, қонун ёки норматив ҳужжатда бошқача талаб қилинмаган бўлса, мос равишда қуйидаги ибораларнинг бирини қўллаши лозим:

    (a) «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Шартли хулоса учун асос бандида тавсифланган масала(лар)нинг таъсиридан ташқари, молиявий ҳисоботлар … қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаяпти (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермаяпти) деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган ҳеч нарса эътиборимизга тушмади» (ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ёрдамида тайёрланган молиявий ҳисоботлар учун); ёки

    (b) «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Шартли хулоса учун асос бандида тавсифланган масала(лар)нинг таъсиридан ташқари, молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган ҳеч нарса эътиборимизга тушмади» (мувофиқлик концептуал асослари ёрдамида тайёрланган молиявий ҳисоботлар учун).

79. Амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича салбий хулоса ифодалаганда, амалиётчи, қонун ёки норматив ҳужжатда бошқача талаб қилинмаган бўлса, мос равишда қуйидаги ибораларнинг бирини қўллаши лозим:

    (a) «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Салбий хулоса учун асос бандида тавсифланган масала(лар)нинг аҳамиятлилиги туфайли, молиявий ҳисоботлар … қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайди (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермайди)» (ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ёрдамида тайёрланган молиявий ҳисоботлар учун); ёки

    (b) «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Салбий хулоса учун асос бандида тавсифланган масала(лар)нинг аҳамиятлилиги туфайли, молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаган» (мувофиқлик концептуал асослари ёрдамида тайёрланган молиявий ҳисоботлар учун).

80. Хулоса учун асос бандида, шартли хулоса ёки салбий хулосага сабаб бўлувчи муҳим бузиб кўрсатишларга нисбатан, амалиётчи:

    (a) Агар муҳим бузиб кўрсатиш молиявий ҳисоботлардаги муайян миқдорларга (шу жумладан миқдорий маълумотларни ёритиб беришга) тегишли бўлса, бузиб кўрсатишнинг молиявий таъсирларини тавсифлаши ва миқдорини баҳолаши лозим, бундан бундай баҳолаш амалда имконсиз бўлган ҳол мустасно бўлиб, бу ҳолда амалиётчи шуни баён қилиши лозим;

    (b) Агар муҳим бузиб кўрсатиш матнли маълумотларни ёритиб беришга тегишли бўлса, маълумотларни ёритиб беришлар қандай бузиб кўрсатилганлигини тушунтириши; ёки

    (c) Агар муҳим бузиб кўрсатиш ёритиб берилиши талаб қилинадиган маълумотларнинг ёритиб берилмаганлигига тегишли бўлса, тушириб қолдирилган маълумотнинг характерини тавсифлаши лозим. Қонун ёки норматив ҳужжатда тақиқланмаган бўлса, амалиётчи, буни амалда қилиш мумкин бўлганда, тушириб қолдирилган маълумотларни киритиши лозим.

Етарли ва муносиб далилларни олишга қодир бўлмаслик

81. Агар амалиётчи етарли ва муносиб далилларни олишга қодир бўлмаганлиги туфайли хулоса шакллантира олмаса, амалиётчи:

    (a) Агар эҳтимолий таъсирлар муҳим бўлган, лекин тарқалган бўлмаса, шартли хулоса ифодалаши; ёки

    (b) Агар эҳтимолий таъсирлар ҳам муҳим ҳам тарқалган бўлса, хулоса беришдан воз кечиши лозим.

82. Амалиётчи қуйидаги ҳолларда топшириқдан воз кечиши лозим:

    (a) Раҳбарият томонидан юклатилган кўлам чеклови туфайли, амалиётчи етарли ва мос далилларни ола олмаса;

    (b) Амалиётчи эҳтимолий таъсирлар муҳимлиги баланд бўлган ва тарқалган деб аниқлаган бўлса; ва

    (c) Қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжат остида топшириқдан воз кечиши мумкин бўлса. (А119–А121-бандларга қаранг)

83. Амалиётчи етарли ва муносиб далилларни олишга қодир бўлмаганлиги туфайли молиявий ҳисоботлар бўйича шартли хулоса ифодалаганда, амалиётчи, қонун ёки норматив ҳужжатда бошқача талаб қилинмаган бўлса, мос равишда қуйидаги ибораларнинг бирини қўллаши лозим:

    (a) «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Шартли хулоса учун асос бандида тавсифланган масала(лар)нинг мумкин бўлган таъсиридан ташқари, молиявий ҳисоботлар … қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаяпти (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермаяпти) деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган ҳеч нарса эътиборимизга тушмади» (ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ёрдамида тайёрланган молиявий ҳисоботлар учун); ёки

    (b) «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Шартли хулоса учун асос бандида тавсифланган масала(лар)нинг мумкин бўлган таъсиридан ташқари, молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган

ҳеч нарса эътиборимизга тушмади» (мувофиқлик концептуал асослари ёрдамида тайёрланган молиявий ҳисоботлар учун).

84. Молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса беришдан воз кечганда, амалиётчи хулоса параграфида қуйидагиларни баён қилиши лозим:

(a) Масала(лар)нинг аҳамиятлилиги туфайли, амалиётчи етарли ва муносиб далилларни ола олмаётганлиги; ва

(b) Шунга мувофиқ, амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса ифодаламаётганлиги.

85. Хулоса учун асос параграфида, шартли хулоса ёки хулоса беришдан бош тортишга нисбатан, амалиётчи етарли ва муносиб далилларни олишга қодир бўлмаслик сабаб(лар)ини киритиши лозим.

Амалиётчининг ҳисоботи

86. Кўриб чиқиш топшириғи учун амалиётчи ҳисоботи ёзма шаклда бўлиши ва қуйидаги унсурларни ўз ичига олиши лозим: (А122–А125, А146, А148-бандларга қаранг)

(a) Унинг кўриб чиқиш топшириғи бўйича мустақил амалиётчи ҳисоботи эканлигини аниқ кўрсатадиган сарлавҳа;

(b) Топшириқ ҳолатлари талаб қилганидек, манзил эга(лар)и;

(c) Қуйидагиларни бажарадиган кириш банди:

(i) Кўриб чиқилган молиявий ҳисоботларни аниқлайди, шу жумладан молиявий ҳисоботлар тўпламидаги ҳар бир ҳисоботнинг номини ҳамда ҳар бир молиявий ҳисобот қамраб олган сана ва даврни аниқлайди;

(ii) Муҳим ҳисоб сиёсатининг қисқача баёни ва бошқа изоҳловчи маълумотларга ҳавола қилади; ва

(iii) Молиявий ҳисоботлар кўриб чиқилганлигини баён қилади;

(d) Раҳбариятнинг молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича жавобгарлигининг тавсифи, шу жумладан раҳбарият қуйидагилар учун жавобгар эканлиги тушунтириши: (А126–А129-бандларга қаранг)

(i) Уларни қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ, шу жумладан тегишли ҳолларда уларни ҳаққоний тақдим этиш билан тайёрлаш;

(ii) Раҳбарият фирибгарлик ёки хатолик туфайли муҳим бузиб кўрсатишдан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини бериш учун зарур деб белгилаган ички назорат тизими учун;

(e) Агар молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар бўлса:

(i) Молиявий ҳисоботлар қандай мақсадда тайёрланганлигининг тавсифи ва, агар зарур бўлса, мўлжалланган фойдаланувчилар, ёхуд махсус мақсадли молиявий ҳисоботлардаги ушбу маълумотни ўз ичига олган изоҳга ҳавола; ва

(ii) Агар раҳбарият бундай молиявий ҳисоботларни тайёрлашда молиявий ҳисобот концептуал асосларини танлаш имконига эга бўлса, раҳбарият жавобгарлигининг тушунтиришида раҳбариятнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари мазкур ҳолатларда мақбуллигини аниқлаш жавобгарлигига ҳавола;

(f) Амалиётчининг молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдириш жавобгарлигининг тавсифи, шу жумладан ушбу КТХСга ва, тегишли ҳолларда, қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатга ҳавола; (А130–131, А147-бандларга қаранг)

(g) Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишнинг ва унинг чекловларининг тавсифи ҳамда қуйидаги баёнотлар: (А132-бандга қаранг)

(i) Ушбу КТХС бўйича кўриб чиқиш топшириғи — чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир;

(ii) Амалиётчи асосан раҳбарият ва ташкилот ичидаги бошқа шахсларга, мос равишда, сўровлар бериш ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллашдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ва олинган далилларни баҳолайди; ва

(iii) Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиганлардан сезиларли даражада камроқдир, шунга мувофиқ амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмайди;

(h) «Хулоса» сарлавҳаси остидаги, қуйидагиларни ўз ичига олган банд:

(i) Амалиётчининг молиявий ҳисоботлар бўйича, мос равишда 72–85-бандларга мувофиқ хулосаси; ва

(ii) Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига ҳавола, шу жумладан, агар у Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ёки Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти, ёхуд Давлат сектори бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Давлат сектори бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўлмаса, молиявий ҳисобот концептуал асосларининг келиб чиқиш юрисдикциясини аниқлаш; (А133–А134-бандларга қаранг)

(i) Амалиётчининг молиявий ҳисоботлар бўйича хулосаси модификация қилинганда:

(i) Мос сарлавҳа остидаги, амалиётчининг мос равишда 72 ва 75–85-бандларга мувофиқ модификация қилинган хулосасини ўз ичига олган банд; ва

(ii) Мос сарлавҳа остидаги, модификацияга сабаб бўлган масала(лар)нинг тавсифини берадиган банд; (А135-бандга қаранг)

(j) Амалиётчининг ушбу КТХС бўйича тегишли ахлоқий талабларга риоя қилиш мажбуриятига ҳавола;

(k) Амалиётчи ҳисоботининг санаси; (А142–А145-бандларга қаранг)

(l) Амалиётчининг имзоси; ва (А136-бандга қаранг)

(m) Амалиётчи фаолият юритадиган юрисдикциядаги жойлашув.

Амалиётчи ҳисоботидаги муҳим масалаларга эътиборни қаратувчи ва бошқа масалалар хатбошилари

Муҳим масалага эътиборни қаратувчи хатбошилар

87. Амалиётчи фойдаланувчиларнинг эътиборини молиявий ҳисоботларда тақдим этилган ёки ёритиб берилган, амалиётчи мулоҳазасига кўра, фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларни тушунишида шу қадар асосий аҳамиятга эга бўлган масалага жалб қилиш зарур деб ҳисоблаши мумкин. Бундай ҳолларда, амалиётчи, молиявий ҳисоботларда тақдим этилганидек ушбу масала муҳим бузиб кўрсатилиши эҳтимоли йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш учун етарли ва муносиб далилларни олган бўлса, амалиётчи ҳисоботига Алоҳида масалалар бандини киритиши лозим. Бундай банд фақат молиявий ҳисоботларда тақдим этилган ёки ёритиб берилган маълумотларга ҳавола қилиши лозим.

88. Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг хулосаси фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланганлиги ва бошқа мақсад учун мос бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантирувчи алоҳида масалалар параграфини ўз ичига олиши лозим. (А137–А138-бандларга қаранг)

89. Амалиётчи алоҳида масалалар параграфини молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг хулосасини ўз ичига олган параграфдан кейин дарҳол "Алоҳида масалалар" сарлавҳаси остида ёки бошқа тегишли сарлавҳа остида киритиши лозим.

Бошқа масала хатбошилари

90. Агар амалиётчи молиявий ҳисоботларда тақдим этилган ёки ёритиб берилганлардан бошқа, текширишни, амалиётчининг жавобгарликларини ёки амалиётчининг ҳисоботини фойдаланувчилар тушунишига тегишли бўлган масалани хабар қилиш зарур деб ҳисобласа, амалиётчи буни "Бошқа масала" сарлавҳаси остида ёки бошқа тегишли сарлавҳа остидаги параграфда амалга ошириши лозим.

Бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари

91. Амалиётчидан амалиётчининг хулосасида ушбу КТХС остидаги амалиётчининг жавобгарликларига қўшимча равишда бошқа хулоса бериш жавобгарликларини ёритиш сўралиши мумкин. Бундай ҳолларда, ўша бошқа хулоса бериш жавобгарликлари "Бошқа қонун ва норматив талаблар бўйича хулоса" сарлавҳали алоҳида бўлимда ёритилиши лозим. (А139–А141-бандларга қаранг)

Амалиётчи ҳисоботининг санаси

92. Амалиётчи ҳисоботга молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг хулосаси учун асос сифатида етарли ва муносиб далилларни олган санадан эрта бўлмаган санани қўйиши лозим, шу жумладан қуйидагиларга қаноат ҳосил қилган бўлиши лозим:

(a) Молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар тайёрланган; ва

(b) Тан олинган ваколатга эга шахслар ўша молиявий ҳисоботлар учун масъулиятни ўз зиммасига олганликларини тасдиқлаган. (А142–А145-бандларга қаранг)

Ҳужжатлаштириш

93. Текшириш учун ҳужжатларни тайёрлаш текшириш ушбу КТХСга мувофиқ бажарилганлиги ҳақида далил бўлиб хизмат қилади. Амалиётчи топшириқнинг қуйидаги жиҳатларини ҳужжатлаштириши лозим: (А149-бандга қаранг)

(a) Бажарилган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўлами;

(b) Тартиб-таомиллардан олинган натижалар ва амалиётчининг хулосалари; ва

(c) Топшириқ давомида юзага келган муҳим масалалар, улар бўйича эришилган амалиётчининг хулосалари ва қабул қилинган муҳим профессионал мулоҳазалар.

94. Бажарилган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини ҳужжатлаштиришда, амалиётчи қуйидагиларни қайд этиши лозим:

(a) Ишни ким бажаргани ва ўша иш тугалланган сана; ва

(b) Сифат бошқаруви мақсадида бажарилган ишни ким кўриб чиққани, ҳамда текшириш санаси ва кўлами.

95. Амалиётчи шунингдек топшириқ давомида юзага келган муҳим масалалар бўйича, шу жумладан ўша масалаларнинг характери ҳақида, раҳбарият, бошқарув учун масъул шахслар ва текширишни бажаришга тегишли бошқалар билан муҳокамаларни ҳужжатлаштириши лозим.

96. Агар топшириқ давомида амалиётчи молиявий ҳисоботларга таъсир қилувчи муҳим масалаларга оид амалиётчининг топилмалари билан номувофиқ бўлган маълумотни аниқлаган бўлса, амалиётчи номувофиқлик қандай бартараф этилганини ҳужжатлаштириши лозим.

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

КТХСнинг қўллаш доираси (1-бандга қаранг)

A1. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишни амалга оширишда амалиётчидан ушбу КТХСда белгиланган талаблардан фарқ қилиши мумкин бўлган қонуний ёки норматив талабларга риоя қилиш талаб қилиниши мумкин. Гарчи амалиётчи ушбу КТХСнинг айрим жиҳатларини бундай ҳолатларда фойдали деб топиши мумкин бўлса-да, барча тегишли қонуний, норматив ва профессионал мажбуриятларга риоя қилинишини таъминлаш амалиётчининг масъулиятидир.

1-сон СБХСлар билан боғлиқлик (4-бандга қаранг)

A2. 1-сон СБХС фирманинг кўриб чиқиш топшириқларини ўз ичига олган ишончни таъминлаш топшириқлари учун Сифат бошқаруви тизимини лойиҳалаш, жорий этиш ва ишлатиш бўйича масъулиятларига тааллуқлидир[7]. 1-сон СБХС, шунингдек, топшириқ сифатини кўриб чиқишга жалб қилиниши талаб қилинадиган топшириқларга оид сиёсат ёки тартиб-таомилларни белгилаш бўйича фирманинг масъулиятига ҳам тааллуқлидир[8]. 2-сон СБХС топшириқ сифатини кўриб чиқувчини тайинлаш ва унинг мувофиқлигига, шунингдек, топшириқ сифатини кўриб чиқишни бажариш ва ҳужжатлаштиришга тааллуқлидир[9].

Сифат бошқаруви тизими қуйидаги саккизта таркибий қисмга тааллуқлидир[10]:

(a) Фирманинг хатарни баҳолаш жараёни;

(b) Бошқарув ва раҳбарлик;

(c) Тегишли ахлоқий талаблар;

(d) Мижозлар билан муносабатлар ва муайян топшириқларни қабул қилиш ва давом эттириш;

(e) Топшириқни бажариш;

(f) Ресурслар;

(g) Ахборот ва коммуникация; ва

(h) Кузатиш ва бартараф этиш жараёни.

Фирмалар ёки миллий талаблар Сифат бошқаруви тизимининг таркибий қисмларини тавсифлаш учун турли терминология ёки концептуал асослардан фойдаланиши мумкин.

A3. 1-сон СБХСга мувофиқ, фирманинг мақсади ишончни таъминлаш топшириқлари, шу жумладан молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишлар учун фирмани қуйидагилар билан оқилона ишонч билан таъминлайдиган Сифат бошқаруви тизимини лойиҳалаш, жорий этиш ва ишлатишдир:

(a) Фирма ва унинг ходимлари профессионал стандартлар ҳамда қўлланиладиган қонуний ва норматив талабларга мувофиқ ўз масъулиятларини бажаради ва топшириқларни бундай стандартлар ҳамда талабларга мувофиқ ўтказади; ва

(b) Фирма ёки топшириқ партнёрлари томонидан тақдим этилган топшириқ ҳисоботлари мазкур ҳолатларда муносибдир[11].

A4. Фирманинг Сифат бошқаруви тизимини лойиҳалаш, жорий этиш ва ишлатиш бўйича масъулиятларига тааллуқли миллий талаблар, агар улар 1-сон СБХСнинг талабларига тааллуқли бўлса ва фирмага 1-сон СБХСнинг мақсадига эришиш бўйича мажбуриятлар юкласа, камида 1-сон СБХС қадар талабчандир.

Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғи (5–8, 14-бандларга қаранг)

A5. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишлар тури ёки ҳажми бўйича, ёхуд ўз молиявий ҳисоботидаги мураккаблик даражаси бўйича фарқ қиладиган турли-туман ташкилотлар учун амалга оширилиши мумкин. Айрим юрисдикцияларда муайян турдаги ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш маҳаллий қонунлар ёки норматив ҳужжатлар ва тегишли ҳисобот талабларининг предмети ҳам бўлиши мумкин.

---

[7] 1-сон СБХС, 1-банд
[8] 1-сон СБХС, 2(a)-банд
[9] 1-сон СБХС, 2(b)-банд
[10] 1-сон СБХС, 6-банд
[11] 1-сон СБХС, 14-банд

A6. Кўриб чиқишлар турли ҳолатларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, улар мажбурий аудит учун қонунда ёки норматив ҳужжатларда белгиланган талаблардан озод қилинган ташкилотлар учун талаб қилиниши мумкин. Кўриб чиқишлар, шунингдек, ихтиёрий асосда ҳам, масалан, хусусий шартнома шартлари бўйича келишувлар учун амалга ошириладиган молиявий ҳисобот билан боғлиқ ҳолда, ёки молиялаштириш келишувларини қўллаб-қувватлаш учун сўралиши мумкин.

Мақсадлар (15-бандга қаранг)

A7. Ушбу КТХС амалиётчидан қуйидаги ҳолларда молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан бош тортишни талаб қилади:

(a) Амалиётчи ҳисобот тақдим этса ёки топшириқ бўйича ҳисобот тақдим этиши талаб қилинса; ва

(b) Амалиётчи етарли ва муносиб далилларни олиш имконсизлиги сабабли молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса шакллантиришга қодир бўлмаса ва амалиётчи аниқланмаган бузиб кўрсатишларнинг, агар улар мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботларга бўлиши мумкин бўлган таъсири ҳам муҳим, ҳам кенг қамровли бўлиши мумкин деган хулосага келса.

A8. Кўриб чиқиш топшириғида етарли ва муносиб далилларни олишга қодир бўлмаслик ҳолати (қўлланиш доирасининг чекланиши деб аталади) қуйидагилардан келиб чиқиши мумкин:

(a) Ташкилотнинг назоратидан ташқарида бўлган ҳолатлар;

(b) Амалиётчи ишининг хусусияти ёки муддатлари билан боғлиқ ҳолатлар; ёки

(c) Раҳбарият ёки ташкилотнинг бошқаруви учун масъул шахслар томонидан жорий этилган чекловлар.

A9. Ушбу КТХС амалиётчи қўлланиш доирасининг чекланишига дуч келганда, кўриб чиқиш топшириғини қабул қилишдан олдин ёки топшириқ давомида амалиётчи учун талаблар ва йўриқномани белгилайди.

Таърифлар (16-бандга қаранг)

"Раҳбарият" ва "Бошқарув учун масъул шахслар" атамаларининг қўлланиши

A10. Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг тегишли масъулиятлари юрисдикциялар ўртасида ҳамда турли турдаги ташкилотлар ўртасида фарқ қилади. Бу фарқлар амалиётчи ушбу КТХСнинг талабларини раҳбариятга ёки бошқарув учун масъул шахсларга нисбатан қўллаш усулига таъсир қилади. Шунга кўра, ушбу КТХСнинг турли жойларида қўлланиладиган "раҳбарият ва, тегишли ҳолларда, бошқарув учун масъул шахслар" ибораси амалиётчини турли ташкилот муҳитлари турли раҳбарият ва бошқарув тузилмалари ҳамда келишувларига эга бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришга мўлжалланган.

A11. Молиявий ахборотни тайёрлаш ва ташқи молиявий ҳисоботга тааллуқли турли масъулиятлар қуйидаги омилларга кўра ё раҳбариятга, ё бошқарув учун масъул шахсларга юклатилади:

- Ташкилотнинг ресурслари ва тузилмаси; ва
- Тегишли қонун ёки норматив ҳужжатларда белгиланган ёки, агар ташкилот тартибга солинмаган бўлса, ташкилот учун белгиланган ҳар қандай расмий бошқарув ёки ҳисобдорлик келишувларида (масалан, шартномаларда, низомда ёки ташкилотнинг бошқа турдаги таъсис ҳужжатларида қайд этилганидек) белгиланган ташкилот доирасидаги раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг тегишли роллари.

Масалан, кичик ташкилотларда кўпинча раҳбарият ва бошқарув роллари ажратилмаган бўлади. Йирикроқ ташкилотларда раҳбарият кўпинча ташкилотнинг бизнеси ёки фаолиятини амалга ошириш ва бу борада ҳисобот бериш учун масъул бўлади, бошқарув учун масъул шахслар эса раҳбарият устидан назорат олиб боради. Айрим юрисдикцияларда ташкилот учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш масъулияти бошқарув учун масъул шахсларнинг қонуний масъулиятидир, баъзи бошқа юрисдикцияларда эса бу раҳбариятнинг масъулиятидир.

Чекланган ишонч – Етарли ва муносиб далиллар атамасининг қўлланиши (17(f)-бандга қаранг)

A12. Амалиётчининг хулосасини қўллаб-қувватлаш учун чекланган ишончликни олиш мақсадида етарли ва муносиб далиллар талаб қилинади. Далиллар табиатан жамланувчи бўлиб, асосан кўриб чиқиш жараёнида бажарилган тартиб-таомиллардан олинади.

Кўриб чиқиш топшириғини ушбу КТХСга мувофиқ ўтказиш (18-бандга қаранг)

A13. Ушбу КТХС молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қонун ва норматив ҳужжатлардан устун эмас. Башарти ўша қонун ва норматив ҳужжатлар ушбу КТХСнинг талабларидан фарқ қилса, фақат қонун ва норматив ҳужжатларга мувофиқ ўтказилган кўриб чиқиш ушбу КТХСга автоматик равишда риоя қилмайди.

Ахлоқий талаблар (21-бандга қаранг)

A14. БХАСК Кодекси ахлоқнинг асосий тамойилларини белгилайди, булар:

(a) Ҳалоллик;

(b) Холислик;

(c) Профессионал малака ва зарур эҳтиёткорлик;

(d) Махфийлик; ва

(е) Профессионал хатти-ҳаракат.

Этиканинг асосий тамойиллари профессионал бухгалтердан кутиладиган хатти-ҳаракат стандартини белгилайди.

БХАСК Кодекси асосий тамойилларга риоя қилишга нисбатан таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этишда профессионал бухгалтердан қўллаш талаб қилинадиган ёндашувни белгиловчи концептуал асосни тақдим этади. Аудитлар, кўриб чиқишлар ва бошқа ишончни таъминлаш топшириқлари ҳолатида БХАСК Кодекси ўша топшириқларга тааллуқли мустақилликка таҳдидларга нисбатан концептуал асосни қўллаш орқали белгиланган Мустақиллик бўйича халқаро стандартларни белгилайди.

А15. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғи ҳолатида БХАСК Кодекси амалиётчининг молиявий ҳисоботлари кўриб чиқилаётган ташкилотдан мустақил бўлишини талаб қилади. БХАСК Кодекси мустақилликни ҳам тафаккур мустақиллиги, ҳам ташқи кўриниш мустақиллигини ўз ичига олган деб тавсифлайди. Амалиётчининг мустақиллиги амалиётчининг ўз хулосасини акс ҳолда хавф остига қўйиши мумкин бўлган таъсирлардан холи ҳолда шакллантириш қобилиятини ҳимоя қилади. Мустақиллик амалиётчининг ҳалоллик билан иш юритиш, холис бўлиш ва профессионал скептицизм муносабатини сақлаб қолиш қобилиятини оширади.

Профессионал скептицизм ва профессионал мулоҳаза

Профессионал скептицизм (22-бандга қаранг)

А16. Профессионал скептицизм кўриб чиқишда далилларни танқидий баҳолаш учун зарурдир. Бу номувофиқликларни шубҳа остига олиш ва зиддиятли далилларни текширишни, шунингдек, сўровларга берилган жавобларнинг ва раҳбарият ҳамда бошқарув учун масъул шахслардан олинган бошқа ахборотнинг ишончлилигини шубҳа остига олишни ўз ичига олади. У, шунингдек, топшириқ ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда олинган далилларнинг етарлилиги ва муносиблигини кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олади.

А17. Профессионал скептицизм, масалан, қуйидагиларга нисбатан ҳушёр бўлишни ўз ичига олади:

- Олинган бошқа далиллар билан номувофиқ бўлган далиллар.
- Далил сифатида фойдаланиладиган ҳужжатлар ва сўровларга берилган жавобларнинг ишончлилигини шубҳа остига қўядиган ахборот.
- Эҳтимолий фирибгарликдан далолат бериши мумкин бўлган шарт-шароитлар.
- Қўшимча тартиб-таомиллар зарурлигини кўрсатадиган ҳар қандай бошқа ҳолатлар.

А18. Агар амалиётчи қуйидаги хатарларни камайтирмоқчи бўлса, кўриб чиқиш давомида профессионал скептицизмни сақлаб қолиш зарурдир:

- Ғайриоддий ҳолатларни эътибордан четда қолдириш.
- Олинган далиллардан хулоса чиқаришда ҳаддан ташқари умумлаштириш.
- Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомилларнинг хусусияти, муддатлари ва ҳажмини белгилашда ва уларнинг натижаларини баҳолашда номуносиб тахминлардан фойдаланиш.

А19. Амалиётчидан ташкилот раҳбарияти ва бошқарув учун масъул шахсларнинг ҳалоллиги ва ҳақгўйлиги бўйича ўтган тажрибани эътиборга олмаслик кутилиши мумкин эмас. Шунга қарамай, раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар ҳалол ва ҳалолликка эга деган ишонч амалиётчини профессионал скептицизмни сақлаб қолиш зарурлигидан озод қилмайди ёки амалиётчига кўриб чиқиш мақсади учун етарли бўлмаган далиллар билан қаноатланиш имконини бермайди.

Профессионал мулоҳаза (23-бандга қаранг)

А20. Профессионал мулоҳаза кўриб чиқиш топшириғини тўғри ўтказиш учун муҳимдир. Бунинг сабаби шундаки, тегишли ахлоқий талаблар ва ушбу КТХСнинг талабларини талқин қилиш, шунингдек, кўриб чиқиш топшириғини бажариш давомида асосли қарорлар қабул қилиш зарурати топшириқнинг фактлари ва ҳолатларига тегишли билим ва тажрибани қўллашни талаб қилади. Профессионал мулоҳаза, хусусан, қуйидаги ҳолларда зарурдир:

- Муҳимлик ҳамда ушбу КТХСнинг талабларини бажариш ва далилларни тўплаш учун фойдаланиладиган тартиб-таомилларнинг хусусияти, муддатлари ва ҳажми ҳақидаги қарорларга нисбатан.
- Бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далиллар топшириқ хатарини топшириқ ҳолатларида мақбул бўлган даражагача камайтиришини баҳолашда.
- Раҳбариятнинг ташкилотнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини қўллашдаги мулоҳазаларини кўриб чиқишда.
- Олинган далилларга асосланиб молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса шакллантиришда, шу жумладан раҳбарият томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қилинган ҳисоб баҳоларининг оқилоналигини кўриб чиқишда.

А21. Амалиётчидан кутиладиган профессионал мулоҳазанинг фарқли хусусияти шундаки, у ўз тайёргарлиги, билими ва тажрибаси, шу жумладан ишончни таъминлаш кўникмалари ва усулларидан фойдаланишдаги тайёргарлиги

оқилона мулоҳазаларга эришиш учун зарур малакаларни ривожлантиришга кўмаклашган амалиётчи томонидан амалга оширилади. Топшириқ давомида қийин ёки баҳсли масалалар бўйича маслаҳатлашиш, ҳам топшириқ жамоаси ичида, ҳам топшириқ жамоаси билан фирма ичидаги ёки ташқарисидаги тегишли даражадаги бошқалар ўртасида, амалиётчига асосли ва оқилона мулоҳазалар қилишда ёрдам беради.

A22. Айрим топшириқларда профессионал мулоҳазани амалга ошириш топшириқ давомида амалиётчига маълум бўлган фактлар ва ҳолатларга асосланади, шу жумладан:

- Тегишли ҳолларда, олдинги даврларда ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан амалга оширилган топшириқлардан олинган билим.
- Амалиётчининг ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан унинг бухгалтерия ҳисоби тизимини, ҳамда ташкилот фаолият юритадиган соҳада қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг қўлланилишини тушуниши.
- Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш раҳбарият мулоҳазасини амалга оширишни қай даражада талаб қилиши.

A23. Профессионал мулоҳазани унга эришилган мулоҳаза ишончлилик ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг малакали қўлланилишини акс эттиришига ҳамда амалиётчининг ҳисоботи санасига қадар амалиётчига маълум бўлган фактлар ва ҳолатлар нуқтаи назаридан муносиб ва уларга мувофиқ эканлигига қараб баҳолаш мумкин.

A24. Профессионал мулоҳаза топшириқ давомида қўлланилиши лозим. У шунингдек ушбу КТХС талабларига мувофиқ тегишли тарзда ҳужжатлаштирилиши лозим. Профессионал мулоҳаза топшириқнинг фактлари ва ҳолатлари ёки олинган далиллар билан бошқача тарзда асосланмаган қарорларни оқлаш учун ишлатилмаслиги лозим.

Топшириқ даражасида сифат бошқаруви (24–25-бандларга қаранг)

A25. Ишончни таъминлаш кўникмалари ва усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ишончни таъминлаш топшириғини режалаштириш ва бажаришда, шу жумладан далилларни олиш ва баҳолашда профессионал скептицизм ва профессионал мулоҳазани қўллаш;
- Ахборот тизимларини ҳамда ички назорат тизимининг роли ва чекловларини тушуниш;
- Муҳимлик ва топшириқ хатарларини кўриб чиқишни кўриб чиқиш учун тартиб-таомилларнинг хусусияти, муддати ва ҳажми билан боғлаш;
- Кўриб чиқиш топшириғига тегишли тарзда тартиб-таомилларни қўллаш, бунга сўров ва таҳлилий тартиб-таомиллардан ташқари бошқа турдаги тартиб-таомиллар (масалан, текшириш, қайта ҳисоблаш, қайта бажариш, кузатиш ва тасдиқлаш) ҳам кириши мумкин;
- Тизимли ҳужжатлаштириш амалиётлари; ва
- Ишончни таъминлаш топшириқлари учун ҳисоботлар ёзишга тегишли кўникма ва амалиётларни қўллаш.

A26. Фирманинг Сифат бошқаруви тизими доирасида топшириқ жамоалари топшириққа қўлланиладиган фирманинг сиёсати ёки тартиб-таомилларини амалга ошириш, шунингдек фирманинг Сифат бошқаруви тизимини қўллаб-қувватлаш учун фирманинг сиёсати ёки тартиб-таомиллари бўйича етказилиши талаб қилинадиган, кўриб чиқиш топшириғидан келиб чиқадиган ахборотни фирмага етказиш бўйича масъулиятга эга.

A27. Топшириқ партнёрининг ҳар бир кўриб чиқиш топшириғида Сифат бошқаруви ва унга эришиш учун умумий масъулиятни ўз зиммасига олиши доирасида топшириқ партнёрининг ҳаракатлари ва топшириқ жамоасининг бошқа аъзоларига йўлланган тегишли хабарлар кўриб чиқиш топшириғини бажаришда сифат муҳим эканлиги фактини ҳамда кўриб чиқиш топшириғи сифати учун қуйидагиларнинг муҳимлигини таъкидлайди:

(a) Профессионал стандартлар ҳамда норматив ва ҳуқуқий талабларга мувофиқ келадиган ишни бажариш.

(b) Тегишли ҳолларда фирманинг Сифат бошқаруви сиёсати ёки тартиб-таомилларига риоя қилиш.

(c) Топшириқ бўйича ҳолатларга мос ҳисоботни тақдим этиш.

(d) Топшириқ жамоасининг қасос олишдан кўрқмасдан хавотирларни кўтариш қобилияти.

A28. Одатда, топшириқ жамоаси фирманинг Сифат бошқаруви тизимига таяниши мумкин, агар:

- Топшириқ жамоасининг тушунчаси ёки амалий тажрибаси фирманинг сиёсати ёки тартиб-таомиллари топшириқнинг хусусияти ва ҳолатларини самарали тарзда ҳал қилмаслигини кўрсатмаса; ёки
- Фирма ёки бошқа томонлар томонидан бундай сиёсат ёки тартиб-таомилларнинг самарадорлиги ҳақида тақдим этилган ахборот бошқача нарсани кўрсатмаса.

Масалан, топшириқ жамоаси фирманинг Сифат бошқаруви тизимига қуйидагиларга нисбатан таяниши мумкин:

- Ходимларни ёллаш ва расмий ўқитиш орқали уларнинг малакаси ва қобилиятларига.
- Тегишли мустақиллик ахборотини жамлаш ва етказиш орқали мустақилликка.
- Мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш бўйича фирманинг сиёсати ёки тартиб-таомиллари орқали мижозлар билан муносабатларни сақлаб қолишга.
- Фирманинг кузатув ва бартараф этиш жараёни орқали норматив ва ҳуқуқий талабларга риоя қилишга.

Кўриб чиқиш топшириғига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, фирманинг сифат бошқаруви тизимида аниқланган камчиликларни[12] кўриб чиқишда топшириқ партнёри ушбу камчиликларни бартараф этиш учун фирма томонидан амалга оширилган тузатиш чора-тадбирларини кўриб чиқиши мумкин.

A29. Фирманинг сифат бошқаруви тизимидаги камчилик кўриб чиқиш топшириғи профессионал стандартлар ҳамда қўлланиладиган ҳуқуқий ва норматив талабларга мувофиқ бажарилмаганлигини ёки амалиётчининг ҳисоботи мос бўлмаганлигини албатта кўрсатмайди.

Топшириқ жамоаларини тайинлаш (25(b)-бандга қаранг)

A30. Топшириқ жамоасидан яхлит олганда кутиладиган тегишли малака ва қобилиятларни кўриб чиқишда топшириқ партнёри жамоанинг қуйидаги жиҳатларини инобатга олиши мумкин:

- Тегишли ўқитиш ва иштирок этиш орқали шунга ўхшаш хусусият ва мураккабликдаги кўриб чиқиш топшириқларини тушуниш ва улар бўйича амалий тажриба.
- Профессионал стандартлар ҳамда қўлланиладиган ҳуқуқий ва норматив талабларни тушуниш.
- Техник тажриба, шу жумладан тегишли ахборот технологиялари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ёки ишончлиликнинг ихтисослашган соҳалари бўйича тажриба.
- Мижоз фаолият юритадиган тегишли тармоқлар тўғрисидаги билим.
- Профессионал мулоҳазани қўллаш қобилияти.
- Фирманинг Сифат бошқаруви сиёсати ёки тартиб-таомилларини тушуниш.

Мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш (25(d)(i)-бандга қаранг)

A31. 1-сон СБХС[13] фирмадан мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттиришга оид сифат мақсадларини белгилашни талаб қилади. Мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш бўйича фирманинг сиёсати ёки тартиб-таомилларига риоя қилинганлигини ва эришилган хулосалар мос эканлигини аниқлашда топшириқ партнёрига ёрдам берадиган ахборот қуйидагиларга оид ахборотни ўз ичига олиши мумкин:

- Асосий эгалар, калит раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг ҳалоллиги; ва
- Жорий ёки олдинги кўриб чиқиш топшириғи давомида юзага келган муҳим масалалар ҳамда уларнинг муносабатларни давом эттириш учун оқибатлари.

A32. Агар топшириқ партнёрида раҳбариятнинг ҳалоллигига кўриб чиқишни тегишли тарзда бажаришга таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган даражада шубҳаланиш учун асос бўлса, қонун ёки норматив ҳужжатлар талаб қилмаса, топшириқни қабул қилиш ушбу КТХСга мувофиқ мос эмас, чунки бундай қилиш амалиётчининг ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари билан номувофиқ тарзда боғланишига олиб келиши мумкин.

Мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш (29-бандга қаранг)

A33. Амалиётчининг мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттиришни, шунингдек мустақилликни ўз ичига олган тегишли ахлоқий талабларни кўриб чиқиши шарт-шароитлар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар юзага келиши билан топшириқ давомида содир бўлади. Топшириқ бошида мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттириш бўйича дастлабки тартиб-таомилларни бажариш ва тегишли ахлоқий талабларни (шу жумладан мустақилликни) баҳолаш топшириқ учун бошқа муҳим фаолиятларни бажаришдан олдин амалиётчининг қарорлари ва ҳаракатлари учун асос беради.

Мижозлар билан муносабатларни ҳамда кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва давом эттиришга таъсир кўрсатувчи омиллар (29-бандга қаранг)

A34. Ишончни таъминлаш топшириқлари фақат топшириқ амалиётчининг топшириқ учун белгиланган мақсадларига эришишга кўмаклашадиган маълум хусусиятларни[14] намоён қилгандагина қабул қилиниши мумкин.

Оқилона мақсад (29(a)(i)-бандга қаранг)

A35. Масалан, қуйидаги ҳолларда топшириқ учун оқилона мақсад мавжуд бўлиши эҳтимоли паст бўлиши мумкин:

(a) Амалиётчи ишининг қўлланиш доирасида муҳим чеклов мавжуд бўлса;

(b) Амалиётчи топшириқ берувчи томон амалиётчининг номини молиявий ҳисоботлар билан номувофиқ тарзда боғлашни ниятида деб гумон қилса; ёки

[12] 1-сон СБХС, 16(a)-банд
[13] 1-сон СБХС, 30-банд
[14] Ишончни таъминлаш асослари, 22-банд

(c) Топшириқ тегишли қонун ёки норматив ҳужжатларнинг мувофиқлик талабларини бажаришга мўлжалланган бўлса ва бундай қонун ёки норматив ҳужжатлар молиявий ҳисоботларни аудитдан ўтказишни талаб қилса.

Кўриб чиқиш топшириғи мос (29(a)(ii)-бандга қаранг)

A36. Амалиётчининг топшириқ ҳолатлари тўғрисидаги дастлабки тушунчаси кўриб чиқиш топшириғини қабул қилиш мос бўлмаслигини кўрсатганда, амалиётчи бошқа турдаги топшириқни бажаришни тавсия қилишни кўриб чиқиши мумкин. Ҳолатларга қараб, амалиётчи, масалан, аудит топшириғини бажариш кўриб чиқишга нисбатан кўпроқ мос бўлади деб ҳисоблаши мумкин. Бошқа ҳолларда, агар топшириқ ҳолатлари ишончни таъминлаш топшириғини бажаришга йўл қўймаса, амалиётчи тегишли ҳолларда компиляция топшириғини ёки бошқа бухгалтерия хизматлари топшириғини тавсия қилиши мумкин.

Кўриб чиқиш топшириғини бажариш учун зарур ахборот (29(c)-бандга қаранг)

A37. Амалиётчида кўриб чиқишни бажариш учун зарур ахборот мавжуд ёки ишончли бўлишига шубҳаланиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳолатга мисол сифатида таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш мақсадида зарур бўлган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари жиддий равишда ноаниқ ёки тўлиқ эмас деб гумон қилинадиган ҳолатни келтириш мумкин. Ушбу кўриб чиқиш кўриб чиқиш топшириғи давомида баъзан юзага келадиган, раҳбарият томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботларни якунлаш учун зарур бўлган тузатиш ёзувларини тавсия қилиш орқали раҳбариятга кўмаклашиш зарурлигига қаратилмаган.

Кўриб чиқиш топшириғини қабул қилиш учун дастлабки шартлар (30-бандга қаранг)

A38. Ушбу КТХС шунингдек амалиётчидан топшириқни қабул қилишдан олдин маълум масалаларни аниқлашни талаб қилади, бу масалалар бўйича амалиётчи ва ташкилотнинг раҳбарияти келишиб олиши зарур ҳамда улар ташкилотнинг назорати остида бўлади.

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари (30(a)-бандга қаранг)

A39. Ишончни таъминлаш топшириғини қабул қилиш учун шарт ишончни таъминлаш топшириғи таърифида айтиб ўтилган мезонларнинг мўлжалланган фойдаланувчилар учун мос ва мавжуд бўлишидир. Ушбу КТХС мақсадлари учун қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари амалиётчи молиявий ҳисоботларни, шу жумладан тегишли ҳолларда молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишини кўриб чиқишда фойдаланадиган мезонларни тақдим этади. Айрим молиявий ҳисобот концептуал асослари ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари ҳисобланади, бошқалари эса мувофиқлик концептуал асослари ҳисобланади. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг талаблари молиявий ҳисоботларнинг шакли ва мазмунини, шу жумладан молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини нима ташкил қилишини белгилайди.[15][16]

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг мақбуллиги

A40. Мақбул молиявий ҳисобот концептуал асосларисиз раҳбарият молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун муносиб асосга эга бўлмайди ва амалиётчи молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш учун мос мезонларга эга бўлмайди.

A41. Амалиётчининг молиявий ҳисоботларда қўлланилган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг мақбуллигини аниқлаши амалиётчининг молиявий ҳисоботларнинг мўлжалланган фойдаланувчилари ким эканлиги тўғрисидаги тушунчаси доирасида амалга оширилади. Мўлжалланган фойдаланувчилар амалиётчи ҳисоботни тайёрлайдиган шахс, шахслар ёки шахслар гуруҳидир. Амалиётчи ишончни таъминлаш ҳисоботини ўқийдиган барча кишиларни, айниқса унга кириш ҳуқуқига эга бўлган кишилар сони кўп бўлганда, аниқлай олмаслиги мумкин.

A42. Кўп ҳолларда, аксини кўрсатувчи ҳеч қандай белгилар бўлмаганда, амалиётчи қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари мақбул деб тахмин қилиши мумкин (масалан, юрисдикцияда айрим турдаги ташкилотлар учун умумий мақсадли молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиш учун қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган молиявий ҳисобот концептуал асослари).

A43. Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг мақбуллигини амалиётчи томонидан аниқлашга тегишли омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ташкилотнинг хусусияти (масалан, у тадбиркорлик корхонаси, давлат секторига оид ташкилот ёки нодавлат нотижорат ташкилот эканлиги).
- Молиявий ҳисоботларнинг мақсади (масалан, улар кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини ёки муайян фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланганлиги).
- Молиявий ҳисоботларнинг хусусияти (масалан, молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами ёки якка молиявий ҳисобот эканлиги).

[15] Ишончни таъминлаш асослари, 42-банд
[16] Ишончни таъминлаш асослари, 22(b)(ii)-банд

- Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари тегишли қонун ёки норматив ҳужжатларда белгиланганлиги.

A44. Агар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган молиявий ҳисобот концептуал асослари молиявий ҳисоботларнинг мақсади нуқтаи назаридан мақбул бўлмаса ва раҳбарият амалиётчининг фикрича мақбул бўлган молиявий ҳисобот концептуал асосларидан фойдаланишга рози бўлмаса, амалиётчидан ушбу КТХСга мувофиқ топшириқни рад этиш талаб қилинади.

A45. Концептуал асослар мақбул эмаслигини кўрсатувчи қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларидаги камчиликларга кўриб чиқиш топшириғи қабул қилингандан кейин дуч келиниши мумкин. Ушбу молиявий ҳисобот концептуал асосларидан фойдаланиш қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланмаган бўлса, раҳбарият мақбул бўлган бошқа концептуал асосларни қабул қилишга қарор қилиши мумкин. Раҳбарият бундай қилганда, амалиётчидан ушбу КТХСга мувофиқ қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларидаги ўзгаришни акс эттириш учун раҳбарият билан кўриб чиқиш топшириғининг янги шартларини келишиб олиш талаб қилинади.

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларнинг масъулиятлари (30(b), 37(e)-бандларга қаранг)

A46. Кўриб чиқиш предмети бўлган молиявий ҳисоботлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бўлиб, улар бошқарув учун масъул шахслар назорати остида ташкилот раҳбарияти томонидан тайёрланади. Ушбу КТХС раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар зиммасига масъулиятни юкламайди ҳамда уларнинг тегишли масъулиятларини тартибга солувчи қонун ва норматив ҳужжатлардан устун турмайди. Бироқ ушбу КТХСга мувофиқ ўтказиладиган кўриб чиқиш раҳбарият ва тегишли ҳолларда бошқарув учун масъул шахслар кўриб чиқишни ўтказиш учун асосий бўлган муайян масъулиятларни тан олган деган шартдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларни уларнинг масъулиятларидан озод қилмайди.

A47. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича ўз масъулиятининг бир қисми сифатида раҳбариятдан вазиятга кўра оқилона бўлган бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳоларини амалга оширишда мулоҳаза юритиш ҳамда муносиб ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш талаб қилинади. Ушбу мулоҳазалар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари доирасида амалга оширилади.

A48. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишни амалга ошириш учун дастлабки шартларнинг муҳимлиги сабабли, амалиётчидан ушбу КТХСга мувофиқ кўриб чиқиш топшириғини қабул қилишдан олдин раҳбарият ўз масъулиятларини тушунишини тасдиқлаб, унинг розилигини олиш талаб қилинади. Амалиётчи раҳбариятнинг розилигини оғзаки ёки ёзма равишда олиши мумкин. Бироқ раҳбариятнинг розилиги кейинчалик топшириқнинг ёзма шартлари доирасида қайд этилади.

A49. Агар раҳбарият ва тегишли ҳолларда бошқарув учун масъул шахслар молиявий ҳисоботларга нисбатан ўз масъулиятларини тан олмаса ёки тан олмайдиган бўлса, қонун ёки норматив ҳужжатлар амалиётчидан буни талаб қилмаса, топшириқни қабул қилиш ўринли эмас. Амалиётчидан кўриб чиқиш топшириғини қабул қилиш талаб қилинадиган ҳолларда, амалиётчи раҳбариятга ва улар фарқ қилган ҳолда бошқарув учун масъул шахсларга ушбу масалаларнинг муҳимлигини ҳамда топшириқ учун оқибатларини тушунтириши лозим бўлиши мумкин.

Амалиётчининг ҳисоботи матни қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган ҳолдаги қўшимча мулоҳазалар (34–35-бандларга қаранг)

A50. Ушбу КТХС амалиётчидан, агар у кўриб чиқиш топшириғига тегишли бўлган ушбу КТХСнинг барча талабларига риоя қилмаган бўлса, ушбу КТХСга риоя қилганлигини билдирмаслигини талаб қилади. Қонун ёки норматив ҳужжатлар топшириққа нисбатан, агар буни амалга ошириш имконияти бўлганда амалиётчини одатда топшириқдан бош тортишга олиб келадиган масалаларни белгилаб қўйиши мумкин, масалан, агар:

- Амалиётчи қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган молиявий ҳисобот концептуал асослари мақбул эмас деб ҳисобласа; ёки
- Амалиётчи ҳисоботининг белгиланган тузилиши ёки матни шакли ёхуд мазмуни жиҳатидан ушбу КТХС талаб қиладиган тузилиш ёки матндан сезиларли даражада фарқ қилса.

Ушбу КТХСга кўра, бундай ҳолларда ўтказилган кўриб чиқиш ушбу КТХСга мувофиқ бўлмайди ва амалиётчи топшириқ бўйича чиқарилган ҳисоботда ушбу КТХСга риоя қилганлигини билдира олмайди. Амалиётчига ушбу КТХСга риоя қилганлигини билдиришга йўл қўйилмаганлигига қарамай, шунга қарамасдан, амалиётчига ушбу КТХСни, шу жумладан ҳисобот бериш талабларини, амалда имкон қадар қўллаш тавсия этилади. Англашилмовчиликнинг олдини олиш учун ўринли бўлганда, амалиётчи ҳисоботга кўриб чиқиш ушбу КТХСга мувофиқ ўтказилмаганлиги тўғрисидаги баённи киритишни кўриб чиқиши мумкин.

Топшириқ шартларини келишиб олиш

Топшириқ хати ёки ёзма келишувнинг бошқа шакли (37-бандга қаранг)

A51. Топшириққа доир англашилмовчиликларнинг олдини олишга ёрдам бериш мақсадида, амалиётчи кўриб чиқиш топшириғини бажаришдан олдин топшириқ хатини юбориши ҳам раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар, ҳам амалиётчи манфаатларига мос келади.

Топшириқ хатининг шакли ва мазмуни

A52. Топшириқ хатининг шакли ва мазмуни ҳар бир топшириқ учун турлича бўлиши мумкин. Ушбу КТХС талаб қиладиган масалаларни ўз ичига олишдан ташқари, топшириқ хатида, масалан, қуйидагиларга ҳавола қилиниши мумкин:

- Кўриб чиқиш топшириғига бошқа амалиётчилар ва экспертларни жалб қилишга доир келишувлар.
- Дастлабки топшириқ ҳолатида олдинги амалиётчи билан тузиладиган келишувлар, агар бундай амалиётчи бўлса.
- Кўриб чиқиш топшириғи аудитга нисбатан ҳар қандай қонуний ёки учинчи тараф талабларини қондирмаслиги факти.
- Раҳбарият амалиётчига ёзма тасдиқлашларни тақдим этиши кутилаётганлиги.
- Раҳбариятнинг амалиётчи ҳисоботи санасидан молиявий ҳисоботлар чиқарилган санагача бўлган давр мобайнида раҳбариятга маълум бўлиши мумкин бўлган, молиявий ҳисоботларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фактлар тўғрисида амалиётчини хабардор қилишга розилиги.
- Раҳбариятдан топшириқ хати олинганлигини тан олиш ва унда баён этилган топшириқ шартларига рози бўлиш сўрови.

Қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган раҳбарият масъулиятлари (37(e)-бандга қаранг)

A53. Агар топшириқ ҳолатларида амалиётчи топшириқнинг муайян шартларини топшириқ хатида қайд этиш зарур эмас деган хулосага келса, амалиётчидан барибир раҳбариятдан ва тегишли ҳолларда бошқарув учун масъул шахслардан улар ушбу КТХСда баён этилган ўз масъулиятларини тан олиши ва тушуниши тўғрисида ушбу КТХСда талаб қилинадиган ёзма розиликни олиш талаб қилинади. Ушбу ёзма розилик, агар қонун ёки норматив ҳужжатлар раҳбарият учун ушбу КТХСда тавсифланганлар билан таъсири жиҳатидан тенг бўлган масъулиятларни белгиласа, қонун ёки норматив ҳужжатлар матнидан фойдаланиши мумкин.

Топшириқ хатининг намунаси (37-бандга қаранг)

A54. Кўриб чиқиш топшириғи учун топшириқ хатининг намунаси ушбу КТХСнинг 1-иловасида келтирилган.

Такрорий топшириқлар (38-бандга қаранг)

A55. Амалиётчи ҳар бир даврда янги топшириқ хати ёки бошқа ёзма келишув юбормасликка қарор қилиши мумкин. Бироқ қуйидаги омиллар кўриб чиқиш топшириғи шартларини қайта кўриб чиқиш ёхуд раҳбариятга ва тегишли ҳолларда бошқарув учун масъул шахсларга топшириқнинг амалдаги шартларини эслатиш ўринли эканлигини кўрсатиши мумкин:

- Раҳбарият кўриб чиқишнинг мақсади ва қўлланиш доирасини нотўғри тушунаётганлигидан далолат берувчи ҳар қандай белги.
- Топшириқнинг ҳар қандай қайта кўриб чиқилган ёки махсус шартлари.
- Ташкилот юқори раҳбариятининг яқинда ўзгариши.
- Ташкилот мулкчилигидаги сезиларли ўзгариш.
- Ташкилот фаолиятининг хусусияти ёки ҳажмидаги сезиларли ўзгариш.
- Ташкилотга таъсир кўрсатувчи қонуний ёки норматив талаблардаги ўзгариш.
- Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларидаги ўзгариш.

Кўриб чиқиш топшириғи шартларидаги ўзгаришни қабул қилиш

Кўриб чиқиш топшириғи шартларини ўзгартириш сўрови (39-бандга қаранг)

A56. Ташкилотнинг амалиётчидан кўриб чиқиш топшириғи шартларини ўзгартиришни сўраши, жумладан, қуйидаги омиллар натижасида юзага келиши мумкин:

- Хизматга бўлган эҳтиёжга таъсир кўрсатувчи вазиятдаги ўзгариш.
- Дастлаб сўралган кўриб чиқиш топшириғининг хусусиятига доир англашилмовчилик.
- Кўриб чиқиш топшириғининг қўлланиш доирасининг чекланиши, у раҳбарият томонидан жорий этилганми ёки бошқа вазиятлар туфайли юзага келганми, бундан қатъи назар.

A57. Ташкилот талабларига таъсир кўрсатувчи вазиятдаги ўзгариш ёхуд дастлаб сўралган хизматнинг хусусиятига доир англашилмовчилик кўриб чиқиш топшириғи шартларини ўзгартиришни сўраш учун оқилона асос деб ҳисобланиши мумкин.

A58. Аксинча, агар ўзгариш нотўғри, тўлиқ бўлмаган ёхуд бошқача тарзда қониқарсиз бўлган маълумотга боғлиқ бўлиб кўринса, ўзгариш оқилона деб ҳисобланмаслиги мумкин. Бунга мисол сифатида амалиётчи молиявий ҳисоботлардаги муҳим модда учун етарли ва муносиб далилларни ола олмаган ва раҳбарият амалиётчи

томонидан модификация қилинган хулоса билдирилишининг олдини олиш учун топшириқни боғлиқ хизматлар топшириғига ўзгартиришни сўраган ҳолни келтириш мумкин.

Топшириқ хусусиятини ўзгартириш сўрови (40-бандга қаранг)

A59. Ушбу КТХСга мувофиқ кўриб чиқишни бажариш учун жалб қилинган амалиётчи кўриб чиқиш топшириғини бошқа турдаги топшириққа ёки боғлиқ хизматга ўзгартиришга рози бўлишдан олдин ушбу КТХСда қайд этилган масалалардан ташқари ўзгаришнинг ҳар қандай ҳуқуқий ёки шартномавий оқибатларини баҳолаши лозим бўлиши мумкин.

A60. Агар амалиётчи кўриб чиқиш топшириғини бошқа турдаги топшириққа ёки боғлиқ хизматга ўзгартириш учун оқилона асос мавжуд деган хулосага келса, ўзгартириш санасигача кўриб чиқиш топшириғида бажарилган иш ўзгартирилган топшириқ учун аҳамиятли бўлиши мумкин; бироқ бажарилиши талаб қилинадиган иш ва чиқарилиши лозим бўлган ҳисобот қайта кўриб чиқилган топшириққа мос бўлганлари бўлади. Ўқувчини чалғитмаслик учун, бошқа топшириқ ёки боғлиқ хизмат бўйича ҳисоботга қуйидагиларга ҳавола киритилмайди:

(a) Дастлабки кўриб чиқиш топшириғи; ёки

(b) Дастлабки кўриб чиқиш топшириғида бажарилган бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тартиб-таомиллар, бундан кўриб чиқиш топшириғи келишилган тартиб-таомилларни бажариш топшириғига ўзгартирилган ва шу боис бажарилган тартиб-таомилларга ҳавола ҳисоботнинг одатдаги қисми бўлган ҳол мустасно.

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқот (42-бандга қаранг)

A61. Кўриб чиқиш топшириғида амалиётчининг раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқоти қуйидаги шаклда бўлади:

(a) Амалиётчи кўриб чиқиш учун тартиб-таомилларни бажариш жараёнида ўтказадиган сўровлар; ва

(b) Юзага келаётган масалаларни тушуниш ва топшириқ учун конструктив иш муносабатларини ривожлантириш мақсадида самарали икки томонлама мулоқот доирасидаги бошқа мулоқотлар.

A62. Мулоқот учун муносиб муддат топшириқ ҳолатларига кўра турлича бўлади. Тегишли омилларга масаланинг муҳимлиги ва хусусияти ҳамда раҳбарият ёхуд бошқарув учун масъул шахслар томонидан кутилаётган ҳар қандай ҳаракат киради. Масалан, агар раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар амалиётчига қийинчиликни енгиб ўтишда ёрдам бера олса, кўриб чиқиш давомида дуч келинган сезиларли қийинчилик тўғрисида амалда имкон қадар тезроқ мулоқот қилиш ўринли бўлиши мумкин.

A63. Қонун ёки норматив ҳужжатлар амалиётчининг бошқарув учун масъул шахслар билан муайян масалалар бўйича мулоқотини чеклаши мумкин. Масалан, қонун ёки норматив ҳужжатлар тегишли ваколатли орган томонидан содир этилган ёки гумон қилинаётган ноқонуний ҳаракат бўйича текширишга зарар етказиши мумкин бўлган мулоқотни ёхуд бошқа ҳаракатни махсус равишда тақиқлаши мумкин. Айрим ҳолларда амалиётчининг махфийлик мажбуриятлари ва мулоқот қилиш мажбуриятлари ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган зиддиятлар мураккаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда амалиётчи ҳуқуқий маслаҳат олишни кўриб чиқиши мумкин.

Кўриб чиқишга доир масалалар бўйича мулоқот

A64. Ушбу КТХСга кўра раҳбариятга ёки тегишли ҳолларда бошқарув учун масъул шахсларга етказилиши лозим бўлган масалалар, жумладан, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Амалиётчининг кўриб чиқиш топшириғидаги масъулиятлари, топшириқ хатида ёки ёзма келишувнинг бошқа муносиб шаклида келтирилганидек.
- Кўриб чиқишдан олинган сезиларли натижалар, масалан:
  - Амалиётчининг ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётининг сезиларли сифат жиҳатлари, шу жумладан ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳолари ва молиявий ҳисоботларда маълумотларни ёритиб бериш борасидаги фикрлари.
  - Тартиб-таомилларни бажаришдан олинган сезиларли натижалар, шу жумладан амалиётчи ушбу КТХСга кўра қўшимча тартиб-таомилларни бажариш зарур деб ҳисоблаган ҳоллар. Амалиётчи бошқарув учун масъул шахслар муайян операциялар ёки ҳодисаларга тегишли фактлар ва вазиятларни худди шундай тушунишини тасдиқлаши лозим бўлиши мумкин.
  - Амалиётчининг хулосасини модификация қилишга олиб келиши мумкин бўлган юзага келаётган масалалар.
  - Кўриб чиқиш давомида дуч келинган сезиларли қийинчиликлар, агар бўлса; масалан, кутилган маълумотнинг мавжуд эмаслиги; амалиётчи кўриб чиқиш учун зарур деб ҳисоблаган далилларни кутилмаганда ола олмаслиги; ёки раҳбарият томонидан амалиётчига нисбатан жорий этилган чекловлар. Айрим ҳолларда бундай қийинчиликлар қўлланиш доирасининг чекланишини ташкил этиши мумкин бўлиб, агар раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар томонидан бартараф этилмаса, амалиётчининг хулосасини модификация қилишга ёхуд айрим ҳолларда амалиётчининг топшириқдан чиқиб кетишига олиб келиши мумкин.

A65. Айрим ташкилотларда ташкилотни бошқариш ва бошқарув учун масъулликка турли шахслар жавобгар бўлади. Бундай ҳолларда раҳбарият бошқарув учун қизиқиш уйғотадиган масалаларни бошқарув учун масъул шахсларга етказиш масъулиятига эга бўлиши мумкин. Раҳбарият томонидан бошқарув учун масъул шахсларга амалиётчи етказиши талаб қилинадиган масалаларнинг етказилиши амалиётчини ушбу масалаларни бошқарув учун масъул шахсларга шунингдек етказиш масъулиятидан озод қилмайди. Бироқ раҳбарият томонидан ушбу масалаларнинг етказилиши амалиётчининг бошқарув учун масъул шахслар билан мулоқоти шакли ёхуд муддатига таъсир кўрсатиши мумкин.

Учинчи тарафлар билан мулоқот

A66. Айрим юрисдикцияларда қонун ёки норматив ҳужжатлар амалиётчидан, масалан, қуйидагиларни талаб қилиши мумкин:

- Бошқарув учун масъул шахслар билан етказилган муайян масалалар тўғрисида тартибга солувчи ёки ҳуқуқни қўлловчи органни хабардор қилиш. Масалан, айрим юрисдикцияларда раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар тузатувчи чора кўрмаган ҳолларда амалиётчи бузиб кўрсатишлар тўғрисида ваколатли органларга хабар бериш бурчига эга.
- Бошқарув учун масъул шахслар учун тайёрланган муайян ҳисоботларнинг нусхаларини тегишли тартибга солувчи ёки молиялаштирувчи органларга тақдим этиш ёхуд айрим ҳолларда бундай ҳисоботларни оммага очиқ қилиш.

A67. Қонун ёки норматив ҳужжатлар билан учинчи шахсга амалиётчининг бошқарув учун масъул шахслар билан ёзма алоқаларининг нусхасини тақдим этиш талаб қилинмаса, амалиётчига бундай ишни амалга оширишдан олдин раҳбариятнинг ёки бошқарув учун масъул шахсларнинг олдиндан розилиги керак бўлиши мумкин.

Топшириқни бажариш

Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишда муҳимлик (43-бандга қаранг)

A68. Амалиётчи муҳимликни қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари контекстида кўриб чиқади. Айрим молиявий ҳисобот концептуал асослари муҳимлик тушунчасини молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш контекстида муҳокама қилади. Молиявий ҳисобот концептуал асослари муҳимликни турли атамаларда муҳокама қилиши мумкин бўлса-да, улар умумий тарзда қуйидагиларни тушунтиради:

- Бузиб кўрсатишлар, шу жумладан тушириб қолдиришлар, агар улар алоҳида ёки жами ҳолда фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига оқилона тарзда таъсир кўрсатиши кутилса, муҳим деб ҳисобланади;
- Муҳимлик тўғрисидаги мулоҳазалар атрофдаги шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ҳамда бузиб кўрсатишнинг ҳажми ёки табиати, ёхуд иккаласининг бирикмаси таъсирида бўлади; ва
- Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчилари учун муҳим бўлган масалалар тўғрисидаги мулоҳазалар фойдаланувчиларнинг гуруҳ сифатидаги умумий молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олишга асосланади. Бузиб кўрсатишларнинг эҳтиёжлари кенг доирада фарқ қилиши мумкин бўлган алоҳида айрим фойдаланувчиларга бўлиши мумкин бўлган таъсири ҳисобга олинмайди.

A69. Агар қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларида мавжуд бўлса, муҳимлик тушунчасининг муҳокамаси амалиётчи учун кўриб чиқиш бўйича муҳимликни аниқлашда мўлжал асосини тақдим этади. Агар мавжуд бўлмаса, юқоридаги мулоҳазалар амалиётчини мўлжал асоси билан таъминлайди.

A70. Амалиётчи томонидан муҳимликни аниқлаш профессионал мулоҳаза масаласи бўлиб, амалиётчининг молиявий ҳисоботлар мўлжалланган фойдаланувчиларининг эҳтиёжлари тўғрисидаги тасаввури таъсирида бўлади. Бу контекстда амалиётчининг фойдаланувчилар тўғрисида қуйидагиларни тахмин қилиши оқилона ҳисобланади:

- Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият ҳамда бухгалтерия ҳисоби бўйича оқилона билимга, шунингдек молиявий ҳисоботлардаги ахборотни оқилона тиришқоқлик билан ўрганишга тайёргарликка эга;
- Молиявий ҳисоботлар муҳимлик даражаларига мувофиқ тайёрланиши, тақдим этилиши ва кўриб чиқилишини тушунади;
- Ҳисоб баҳолари, мулоҳаза ва келгуси ҳодисаларни ҳисобга олишга асосланган суммаларни ўлчашга хос бўлган ноаниқликларни эътироф этади; ва
- Молиявий ҳисоботлардаги ахборот асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилади.

Бундан ташқари, кўриб чиқиш топшириғи муайян фойдаланувчиларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботлар учун бажарилмаса, бузиб кўрсатишларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари кенг доирада фарқ қилиши мумкин бўлган муайян фойдаланувчиларга бўлиши мумкин бўлган таъсири одатда ҳисобга олинмайди.

A71. Молиявий ҳисоботларга яхлит олганда нисбатан нима муҳим эканлиги тўғрисидаги амалиётчининг мулоҳазаси амалиётчи томонидан молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдириш учун асос сифатида олинган ишончлилик даражасидан қатъи назар бир хил бўлади.

Муҳимликни қайта кўриб чиқиш (44-бандга қаранг)

A72. Амалиётчи томонидан молиявий ҳисоботлар учун яхлит олганда муҳимликни аниқлаш топшириқ давомида қуйидагилар натижасида қайта кўриб чиқилиши керак бўлиши мумкин:

- Кўриб чиқиш давомида юз берган шарт-шароитлардаги ўзгариш (масалан, ташкилот бизнесининг асосий қисмини тасарруф этиш тўғрисидаги қарор).
- Ушбу КТХСга мувофиқ кўриб чиқиш бўйича тартиб-таомилларни бажариш натижасида янги ахборот ёки амалиётчининг ташкилот ва унинг муҳитини тушунишидаги ўзгариш (масалан, агар кўриб чиқиш давомида амалдаги молиявий натижалар молиявий ҳисоботлар учун яхлит олганда муҳимликни аниқлаш учун дастлаб фойдаланилган давр охиридаги кутилаётган молиявий натижалардан анча фарқ қилиши эҳтимоли борлиги аён бўлса).

Амалиётчининг тушуниши (45–46-бандларга қаранг)

A73. Амалиётчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини ушбу КТХСга мувофиқ кўриб чиқишни бажариш учун зарур бўлган ташкилот ва унинг муҳитини тушуниш кўламини аниқлаш учун профессионал мулоҳазадан фойдаланади. Амалиётчининг бирламчи мулоҳазаси олинган тушуниш амалиётчининг топшириқ бўйича мақсадларига эришиш учун етарли ёки етарли эмаслигидадир. Амалиётчи оладиган умумий тушунишнинг кенглиги ва чуқурлиги раҳбарият эга бўлган тушунишдан камроқдир.

A74. Ташкилот ва унинг муҳитини тушунишга эришиш — бу кўриб чиқиш топшириғи давомида ахборотни тўплаш, янгилаш ва таҳлил қилишнинг узлуксиз динамик жараёнидир. Амалиётчининг тушуниши топшириқни бажариш давомида итератив асосда олинади ва қўлланилади ҳамда шарт-шароитлар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар юз берган сари янгиланади. Кўриб чиқиш топшириғи бошланиши вақтида топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш учун дастлабки тартиб-таомиллар амалиётчининг ташкилотни ва топшириқ шарт-шароитларини дастлабки тушунишига асосланади. Узлуксиз давом этадиган мижоз билан муносабатларда амалиётчининг тушуниши амалиётчи томонидан ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа молиявий ахборотига нисбатан бажарилган олдинги топшириқлардан олинган билимларни ўз ичига олади.

A75. Тушуниш амалиётчи кўриб чиқиш топшириғини режалаштирадиган ва бажарадиган, шунингдек топшириқ давомида профессионал мулоҳазани қўллайдиган мўлжал асосини белгилайди. Хусусан, тушуниш амалиётчи учун молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар юзага келиши эҳтимоли бор соҳаларни аниқлай олиши, шу соҳаларга қаратилган тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажариш борасида амалиётчининг ёндашувини шакллантириши учун етарли бўлиши керак.

A76. Ташкилот ва унинг муҳитини, шунингдек қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини тушунишга эришишда амалиётчи қуйидагиларни ҳам ҳисобга олиши мумкин:

- Ташкилот ташкилотлар гуруҳининг таркибий қисми ёки бошқа ташкилотнинг ассоцияланган ташкилоти эканлиги.
- Молиявий ҳисобот концептуал асосларининг мураккаблиги.
- Ташкилотнинг молиявий ҳисобот бўйича мажбуриятлари ёки талаблари, шунингдек шу мажбуриятлар ёки талаблар қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар асосида ёхуд расмийлаштирилган бошқарув ёки ҳисобдорлик келишувлари доирасида, масалан, учинчи шахслар билан шартномавий келишувлар асосида ўрнатилган ихтиёрий молиявий ҳисобот келишувлари контекстида мавжудлиги.
- Молиявий ҳисоботлардаги муҳим суммалар ва маълумотларни ёритиб беришларни аниқлашга бевосита таъсир кўрсатиши умумий тарзда эътироф этилган қонун ва норматив ҳужжатларнинг тегишли қоидалари, масалан, солиқ ҳамда пенсия қонунлари ва норматив ҳужжатлари.
- Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асосида ётадиган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ва молиявий ҳисобот тизимларини бошқариш ҳамда назорат қилишга нисбатан ташкилотнинг раҳбарияти ва бошқарув тузилмасининг ривожланиш даражаси. Кичикроқ ташкилотларда кўпинча ходимлар камроқ бўлади, бу эса раҳбарият назоратни қандай амалга оширишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, вазифаларни тақсимлаш амалда мумкин бўлмаслиги мумкин. Бироқ, эгаси томонидан бошқариладиган кичик ташкилотда эга-раҳбар йирикроқ ташкилотга қараганда самаралироқ назоратни амалга ошириши мумкин. Бундай назорат вазифаларни тақсимлаш учун одатда чекланганроқ имкониятларни қоплаши мумкин.
- «Юқоридаги оҳанг» ва ташкилот молиявий ҳисоботга ҳамда ташкилотнинг молиявий ҳисобот бўйича мажбуриятларига риоя қилишга оид хатарларни бартараф этадиган ташкилотнинг назорат муҳити.
- Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ва тегишли ахбороти юритиладиган ташкилотнинг молиявий бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисобот тизимлари ва тегишли назорат воситаларининг ривожланиш даражаси ва мураккаблиги.
- Ташкилотнинг операцияларни ёзиш, таснифлаш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботлар ҳамда тегишли маълумотларни ёритиб беришларга киритиш учун ахборотни жамлаш бўйича тартиб-таомиллари.
- Олдинги даврларда ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида бухгалтерия ҳисобидаги тузатишларни талаб қилган масалаларнинг турлари.

Тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажариш (47, 55-бандларга қаранг)

A77. Амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича яхлит олганда хулоса учун асос сифатида етарли ва муносиб далилларни олиш учун зарур деб ҳисоблайдиган тартиб-таомилларнинг режалаштирилган табиати, муддати ва кўламига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

(a) Ушбу КТХСнинг талаблари; ва

(b) Қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар асосида ўрнатилган талаблар, шу жумладан қўлланиладиган қонунлар ёки норматив ҳужжатларда мавжуд қўшимча ҳисобот бериш талаблари.

A78. Амалиётчи ташкилотлар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш учун жалб қилинганда, кўриб чиқиш бўйича тартиб-таомилларнинг режалаштирилган табиати, муддати ва кўлами ушбу КТХСда баён қилинган амалиётчининг кўриб чиқиш топшириғи бўйича мақсадларига эришишга, аммо гуруҳ молиявий ҳисоботлари контекстида қаратилади.

A79. Ушбу КТХСнинг сўров ва таҳлилий тартиб-таомилларни, шунингдек муайян шарт-шароитларга қаратилган тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришга оид талаблари амалиётчига ушбу КТХСда кўрсатилган мақсадларга эришиш имконини бериш учун мўлжалланган. Кўриб чиқиш топшириқларининг шарт-шароитлари кенг доирада фарқ қилади ва шунга мувофиқ, амалиётчи бошқа тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришни самарали ёки тежамли деб ҳисоблаши мумкин бўлган шарт-шароитлар бўлиши мумкин. Масалан, агар ташкилотни тушунишга эришиш жараёнида амалиётчи муҳим шартнома тўғрисида хабардор бўлиб қолса, амалиётчи шартномани ўқишни танлаши мумкин.

A80. Амалиётчи бошқа тартиб-таомилларни бажаришни зарур деб ҳисоблаши мумкинлиги факти амалиётчининг молиявий ҳисоботларга яхлит олганда нисбатан чекланган ишончни олиш мақсадини ўзгартирмайди.

Муҳим ёки одатий бўлмаган операциялар

A81. Амалиётчи кўриб чиқишда алоҳида эътиборни талаб қилиши мумкин бўлган муҳим ёки одатий бўлмаган операцияларни аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ёзувларини кўриб чиқишни ҳисобга олиши мумкин.

Сўров (46–48-бандларга қаранг)

A82. Кўриб чиқишда сўров амалиётчи топшириқ шарт-шароитларида муносиб деб ҳисоблаганидек, раҳбариятдан ва ташкилот ичидаги бошқа шахслардан ахборот сўрашни ўз ичига олади. Амалиётчи муносиб бўлса, молиявий бўлмаган маълумотларни олиш учун сўровларни ҳам кенгайтириши мумкин. Раҳбарият томонидан тақдим этилган жавобларни баҳолаш сўров жараёнининг ажралмас қисмидир.

A83. Топшириқ шарт-шароитларига боғлиқ равишда сўровлар қуйидагилар тўғрисидаги сўровларни ҳам ўз ичига олиши мумкин:

- Эгалар, бошқарув учун масъул шахслар ва уларнинг қўмиталари мажлисларида кўрилган чора-тадбирлар ҳамда, агар мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботлардаги ахборот ва маълумотларни ёритиб беришларга таъсир кўрсатадиган бошқа мажлислардаги муҳокамалар.
- Ташкилот тартибга солувчи органлардан олган ёки олишни кутаётган ёхуд олишни мўлжаллаётган алоқалар.
- Бошқа тартиб-таомилларни қўллаш жараёнида юзага келадиган масалалар. Аниқланган номувофиқликларга нисбатан қўшимча сўровлар бажарилаётганда, амалиётчи бошқа тартиб-таомиллардан олинган натижаларни, шунингдек амалиётчининг ташкилот ва у фаолият юритадиган соҳа тўғрисидаги билими ва тушунишини ҳисобга олган ҳолда раҳбарият жавобларининг оқилоналиги ва изчиллигини ҳисобга олади.

A84. Сўров орқали олинган далиллар кўпинча раҳбариятнинг ниятлари тўғрисидаги далилларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бироқ, раҳбариятнинг ниятини тасдиқлаш учун мавжуд ахборот чекланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, раҳбариятнинг ўз баён қилган ниятларини бажариш бўйича ўтмишдаги тарихини, раҳбариятнинг муайян ҳаракат йўлини танлаш учун баён қилган сабабларини ва раҳбариятнинг муайян ҳаракат йўлини амалга ошириш қобилиятини тушуниш сўров орқали олинган далилларни тасдиқлаш учун тегишли ахборотни тақдим этиши мумкин. Раҳбарият томонидан тақдим этилган жавобларни баҳолашда профессионал скептицизмни қўллаш амалиётчига молиявий ҳисоботлар муҳим тарзда бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ҳисоблашига сабаб бўладиган қандайдир масала(лар) мавжудлигини баҳолаш имконини бериш учун муҳимдир.

A85. Сўров тартиб-таомилларини бажариш амалиётчига молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар юзага келиши эҳтимоли бор соҳаларни аниқлай олиш учун ташкилот ва унинг муҳитини тушунишни олиш ёки янгилашда ҳам ёрдам беради.

A86. Амалиётчи қонун, норматив ҳужжатлар ёки тегишли ахлоқий талаблар асосида ташкилотнинг қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслигига, шу жумладан фирибгарликка оид қўшимча мажбуриятларга эга бўлиши мумкин, булар ушбу КТХСдан фарқ қилиши ёки ундан четга чиқиши мумкин, масалан:

(a) Қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликнинг аниқланган ёки гумон қилинган ҳолатларига муносабат билдириш, шу жумладан раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан муайян алоқаларга оид талаблар ҳамда кейинги ҳаракат зарурлигини ҳисобга олиш;

(b) Қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликнинг аниқланган ёки гумон қилинган ҳолатлари тўғрисида аудиторга, масалан, гуруҳ топшириғи партнёри[17]га хабар бериш; ва

(c) Қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликнинг аниқланган ёки гумон қилинган ҳолатларига оид ҳужжатлаштириш талаблари.

Қандайдир қўшимча мажбуриятларга риоя қилиш амалиётчининг ушбу КТХСга мувофиқ ишига тегишли бўлган қўшимча ахборотни тақдим этиши мумкин (масалан, раҳбариятнинг ёки, муносиб бўлса, бошқарув учун масъул шахсларнинг ҳалоллигига оид).

Ташкилотнинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилияти тўғрисидаги сўров (48(f)-бандга қаранг)

A87. Кичикроқ ташкилотларда кўпинча раҳбарият ташкилотнинг фаолият узлуксизлигини давом эттириш қобилияти тўғрисидаги баҳони тайёрламаган бўлиши, балки бунинг ўрнига бизнес тўғрисидаги билимга ва кутилаётган келгуси истиқболларга таяниши мумкин. Бундай шарт-шароитларда раҳбарият билан ташкилотнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари ҳамда молиялаштирилишини, шу жумладан раҳбариятнинг даъволари амалиётчининг ташкилотни тушунишига зид эмаслигини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилиш муносиб бўлиши мумкин.

Таҳлилий тартиб-таомиллар (46–47, 49-бандларга қаранг)

A88. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишда таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш амалиётчига қуйидагиларда ёрдам беради:

- Ташкилот ва унинг муҳитини тушунишни олиш ёки янгилаш, шу жумладан молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар юзага келиши эҳтимоли бор соҳаларни аниқлай олиш.
- Молиявий ҳисоботларда кутилган тамойиллар, қийматлар ёки меъёрлардан номувофиқликлар ёхуд фарқларни аниқлаш, масалан, молиявий ҳисоботларнинг асосий маълумотлар, шу жумладан асосий фаолият кўрсаткичлари билан мувофиқлик даражаси.
- Аллақачон бажарилган бошқа сўров ёки таҳлилий тартиб-таомилларга нисбатан тасдиқловчи далилларни тақдим этиш.
- Амалиётчига молиявий ҳисоботлар муҳим тарзда бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ҳисоблашига сабаб бўладиган масала(лар) тўғрисида амалиётчи хабардор бўлиб қолганда қўшимча тартиб-таомиллар сифатида хизмат қилиш. Бундай қўшимча тартиб-таомилнинг мисоли — молиявий ҳисоботлардаги қаторларда ёки маълумотларни ёритиб беришларда мавжуд молиявий ахборот тўғрисида далил тақдим этиш учун фойда марказлари, филиаллар ёки ташкилотнинг бошқа таркибий қисмлари бўйича ойлик даромад ва харажат кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилидир.

A89. Таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш учун турли усуллардан фойдаланилиши мумкин. Ушбу усуллар оддий таққослашларни амалга оширишдан тортиб, статистик методлардан фойдаланган ҳолда мураккаб таҳлил ўтказишгача бўлган доирани қамраб олади. Амалиётчи, масалан, ҳам молиявий, ҳам номолиявий маълумотлар ўртасидаги ишонарли муносабатларни таҳлил қилиш ҳамда натижаларнинг кутилаётган қийматларга мувофиқлигини баҳолаш орқали молиявий ҳисоботлар асосида ётган молиявий ахборотни баҳолаш учун таҳлилий тартиб-таомилларни қўллаши мумкин, бундан мақсад ғайриоддий кўринадиган ёки кутилаётган тенденциялар ёхуд қийматлардан фарқ қиладиган муносабатлар ва алоҳида моддаларни аниқлашдир. Амалиётчи қайд этилган суммаларни ёки қайд этилган суммалар асосида ҳисоблаб чиқилган нисбатларни амалиётчи томонидан тегишли манбалардан олинган ахборот асосида шакллантирилган кутилмалар билан таққослаган бўлар эди. Топшириқ ҳолатларига боғлиқ ҳолда амалиётчи кутилмаларни шакллантириш учун кўпинча фойдаланадиган ахборот манбаларига қуйидагилар мисол бўла олади:

- Маълум бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қиёсий олдинги давр(лар)га оид молиявий ахборот.
- Кутилаётган операцион ва молиявий натижалар тўғрисидаги ахборот, масалан, оралиқ ёки йиллик маълумотларга асосланган экстраполяцияларни ўз ичига олган бюджетлар ёки прогнозлар.
- Давр ичидаги молиявий ахборот элементлари ўртасидаги муносабатлар.
- Ташкилот фаолият юритаётган соҳага оид ахборот, масалан, ялпи фойда маржаси тўғрисидаги ахборот ёки ташкилотнинг сотувлар ва дебиторлик қарзлари нисбатини соҳа ўртача кўрсаткичлари билан ёхуд айни соҳадаги қиёсий ҳажмдаги бошқа ташкилотлар билан таққослаш.
- Молиявий ахборотнинг тегишли номолиявий ахборот билан муносабатлари, масалан, иш ҳақи харажатларининг ходимлар сонига нисбати.

A90. Амалиётчининг таҳлилий тартиб-таомиллар учун фойдаланиладиган маълумотлар ушбу тартиб-таомилларнинг кўзланган мақсад(лар)и учун қониқарли ёки йўқлигини кўриб чиқиши амалиётчининг ташкилот ва унинг муҳити тўғрисидаги тушунчасига асосланади ҳамда маълумотларнинг хусусияти ва манбаси, шунингдек маълумотлар олинган ҳолатлар таъсири остида бўлади. Қуйидаги мулоҳазалар тегишли бўлиши мумкин:

- Мавжуд ахборот манбаси. Масалан, ахборот ташкилотдан ташқаридаги мустақил манбалардан олинганда ишончлироқ бўлиши мумкин;

[17]Қаранг, масалан, БХАСК Кодексининг R360.31–360.35 A1-бандлари.

- Мавжуд ахборотнинг қиёсланувчанлиги. Масалан, кенг соҳа маълумотлари махсус маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ташкилотнинг маълумотлари билан қиёсланувчан бўлиши учун тўлдирилиши ёки тузатилиши лозим бўлиши мумкин;
- Мавжуд ахборотнинг хусусияти ва тегишлилиги; масалан, ташкилотнинг бюджетлари эришилиши лозим бўлган мақсадлар сифатида эмас, балки кутилиши лозим бўлган натижалар сифатида белгиланган-белгиланмаганлиги; ва
- Ахборотни тайёрлашда жалб қилинган билим ва тажриба, шунингдек унинг тўлиқлиги, аниқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш учун мўлжалланган тегишли назорат воситалари. Бундай назорат воситалари, масалан, бюджет ахборотини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва юритиш устидан назоратни ўз ичига олиши мумкин.

Муайян ҳолатларни бартараф этиш бўйича тартиб-таомиллар

Фирибгарлик ҳамда қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик (52(a) ва (d)-бандларга қаранг)

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар билан ўзаро алоқа

A91. Айрим юрисдикцияларда қонун ёки норматив ҳужжатлар амалиётчининг айрим масалалар бўйича раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар билан ўзаро алоқасини чеклаши мумкин. Қонун ёки норматив ҳужжатлар ваколатли орган томонидан содир этилган ёки гумон қилинаётган ноқонуний ҳаракат юзасидан ўтказилаётган текширувга зарар етказиши мумкин бўлган ўзаро алоқани ёки бошқа ҳаракатни, жумладан ташкилотни огоҳлантиришни махсус равишда тақиқлаши мумкин, масалан, амалиётчидан жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қонунчиликка мувофиқ аниқланган ёки гумон қилинаётган қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликни ваколатли органга хабар қилиш талаб этилганда. Бундай ҳолатларда амалиётчи томонидан кўриб чиқилаётган масалалар мураккаб бўлиши мумкин ва амалиётчи юридик маслаҳат олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

Аниқланган ёки гумон қилинаётган қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликни ташкилотдан ташқаридаги ваколатли органга хабар қилиш

A92. Аниқланган ёки гумон қилинаётган қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликни ташкилотдан ташқаридаги ваколатли органга хабар қилиш ушбу ҳолатларда қуйидаги сабабларга кўра талаб этилиши ёки мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

(a) Қонун, норматив ҳужжатлар ёки тегишли ахлоқий талаблар амалиётчидан хабар қилишни талаб этади;

(b) Амалиётчи тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ аниқланган ёки гумон қилинаётган риоя қилмасликка муносабат билдириш учун хабар қилиш мақсадга мувофиқ ҳаракат эканлигини аниқлаган (A93-бандга қаранг); ёки

(c) Қонун, норматив ҳужжатлар ёки тегишли ахлоқий талаблар амалиётчига бундай қилиш ҳуқуқини беради (A94-бандга қаранг).

A93. Айрим ҳолларда тегишли ахлоқий талаблар амалиётчидан аниқланган ёки гумон қилинаётган фирибгарлик ёхуд қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликни ташкилотдан ташқаридаги ваколатли органга хабар қилиш ушбу ҳолатларда мақсадга мувофиқ ҳаракат эканлигини хабар қилишни ёки кўриб чиқишни талаб этиши мумкин. Масалан, БХАСК Кодекси амалиётчидан аниқланган ёки гумон қилинаётган қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликка муносабат билдириш учун чоралар кўришни ва ташкилотдан ташқаридаги ваколатли органга хабар қилишни ўз ичига олиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракат зарурлигини кўриб чиқишни талаб этади. БХАСК Кодекси бундай хабар қилиш БХАСК Кодекси бўйича махфийликни сақлаш мажбуриятининг бузилиши деб ҳисобланмаслигини тушунтиради.[18][19]

A94. Ҳатто қонун, норматив ҳужжатлар ёки тегишли ахлоқий талаблар аниқланган ёки гумон қилинаётган риоя қилмасликни хабар қилишга оид талабларни ўз ичига олмаса ҳам, улар амалиётчига аниқланган ёки гумон қилинаётган фирибгарлик ёхуд қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликни ташкилотдан ташқаридаги ваколатли органга хабар қилиш ҳуқуқини бериши мумкин.

A95. Бошқа ҳолатларда аниқланган ёки гумон қилинаётган қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилмасликни ташкилотдан ташқаридаги ваколатли органга хабар қилиш қонун, норматив ҳужжатлар ёки тегишли ахлоқий талаблар бўйича амалиётчининг махфийликни сақлаш мажбурияти туфайли тақиқланиши мумкин.

A96. 52(d)-банд талаб қиладиган аниқлаш мураккаб мулоҳазалар ва профессионал мулоҳазаларни ўз ичига олиши мумкин. Шунга кўра, амалиётчи ички (масалан, фирма ёки тармоқ фирмаси ичида) ёки маслаҳатлашиш қонун ёки норматив ҳужжатлар билан тақиқланмаган ёхуд махфийликни сақлаш мажбуриятини бузмайдиган бўлса, тартибга солувчи орган ёки касбий ташкилот билан махфий асосда маслаҳатлашишни кўриб чиқиши мумкин. Амалиётчи, шунингдек, амалиётчининг имкониятларини ҳамда ҳар қандай муайян ҳаракат йўлини танлашнинг касбий ёки ҳуқуқий оқибатларини тушуниш учун юридик маслаҳат олишни кўриб чиқиши мумкин.

[18] Масалан, БХАСК Кодексининг R360.36–360.36 A3-бандларига қаранг.
[19] Масалан, БХАСК Кодексининг R114.1–114.3 A3 ва R360.37-бандларига қаранг.

Молиявий ҳисоботларда фаолият узлуксизлиги тахминидан фойдаланиш юзасидан шубҳа уйғотиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитлар (54-бандга қаранг)

A97. Қуйидаги омиллар рўйхати алоҳида ёки биргаликда фаолият узлуксизлиги тахмини юзасидан жиддий шубҳа уйғотиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитларга мисоллар келтиради. Ушбу рўйхат барчасини қамраб олмайди ва моддалардан бир ёки бир нечтасининг мавжудлиги ташкилот фаолият узлуксизлиги асосида фаолиятини давом эттира олиш-олмаслиги юзасидан ноаниқлик мавжудлигини доимо англатавермайди.

- Молиявий
- Соф мажбурият ёки соф жорий мажбурият ҳолати
- Янгилаш ёки қайтариш борасида реал истиқболларсиз муддати яқинлашиб келаётган белгиланган муддатли қарзлар ёки узоқ муддатли активларни молиялаштириш учун қисқа муддатли қарзларга ҳаддан ташқари таяниш
- Кредиторлар томонидан молиявий ёрдамни тортиб олиш белгилари
- Тарихий ёки истиқболли молиявий ҳисоботларда кўрсатилган манфий операцион пул оқимлари
- Ноқулай асосий молиявий нисбатлар
- Жиддий операцион зарарлар ёки пул оқимларини ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган активлар қийматининг сезиларли даражада ёмонлашуви
- Дивидендлар бўйича қарздорлик ёки дивидендларни тўлашни тўхтатиш
- Кредиторларга белгиланган муддатларда тўлов қилишнинг иложи йўқлиги
- Қарз шартномалари шартларига риоя қилишнинг иложи йўқлиги
- Етказиб берувчилар билан кредит асосидаги операциялардан етказиб бериш чоғида нақд тўлов асосидаги операцияларга ўтиш
- Зарур бўлган янги маҳсулот ишлаб чиқишни ёки бошқа муҳим инвестицияларни молиялаштиришни таъминлашнинг иложи йўқлиги
- Операцион
- Раҳбариятнинг ташкилотни тугатиш ёки фаолиятни тўхтатиш ниятлари
- Асосий раҳбар ходимни ўрнини алмаштирмасдан йўқотиш
- Йирик бозорни, асосий мижоз(лар)ни, франшизани, лицензияни ёки асосий етказиб берувчи(лар)ни йўқотиш
- Меҳнатга оид қийинчиликлар
- Муҳим етказиб бериладиган ресурслар тақчиллиги
- Ниҳоятда муваффақиятли рақобатчининг пайдо бўлиши
- Бошқа
- Капитал ёки бошқа қонуний талабларга риоя қилмаслик
- Ташкилотга қарши кўриб чиқилаётган суд ёки норматив таомиллар, улар муваффақиятли якунланган тақдирда, ташкилот қондира олмаслиги эҳтимоли бўлган даъволарга олиб келиши мумкин
- Ташкилотга салбий таъсир кўрсатиши кутилаётган қонун ёки норматив ҳужжатлардаги ёхуд давлат сиёсатидаги ўзгаришлар
- Юз берган тақдирда суғурталанмаган ёки етарли даражада суғурталанмаган фалокатлар

Бундай ҳодисалар ёки шарт-шароитларнинг аҳамияти кўпинча бошқа омиллар билан юмшатилиши мумкин. Масалан, ташкилотнинг ўзининг одатдаги қарз тўловларини амалга оширишга қодир эмаслигининг таъсири раҳбариятнинг муқобил воситалар орқали, масалан, активларни тасарруф этиш, қарз тўловлари муддатларини қайта режалаштириш ёки қўшимча капитал жалб қилиш орқали етарли пул оқимларини сақлаб қолиш режалари билан мувозанатлаштирилиши мумкин. Шунга ўхшаш тарзда, асосий етказиб берувчини йўқотиш мос келадиган муқобил етказиб бериш манбаси мавжудлиги билан юмшатилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботларни асосда ётган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари билан солиштириш (56-бандга қаранг)

A98. Амалиётчи одатда молиявий ҳисобот суммалари ва қолдиқларини бош дафтар каби тегишли бухгалтерия ҳисоби ёзувларига ёхуд молиявий ҳисобот суммаларининг асосда ётган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари билан мувофиқлигини ёки солиштирилишини акс эттирувчи умумлаштирилган ёзувга ёхуд жадвалга (масалан, синов баланси) солиштириб бориш орқали молиявий ҳисоботлар асосда ётган бухгалтерия ҳисоби ёзувларига мувофиқ ёки улар билан солиштирилишини тасдиқловчи далилларни олади.

Қўшимча тартиб-таомилларни бажариш (57-бандга қаранг)

A99. Агар амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкинлигига ишонишига сабаб бўладиган масаладан хабардор бўлса, ушбу КТХС бўйича қўшимча тартиб-таомиллар талаб қилинади.

A100. Амалиётчи молиявий ҳисоботларда муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ишонишга асоси бўлган модда юзасидан қўшимча тартиб-таомилларни бажаришда амалиётчининг муносабати ҳолатларга боғлиқ ҳолда турлича бўлади ҳамда амалиётчининг профессионал мулоҳазасига оид масаладир.

A101. Муҳим даражада бузиб кўрсатиш эҳтимоли йўқлиги хусусида хулоса чиқариш ёхуд муҳим даражада бузиб кўрсатиш мавжудлигини аниқлаш учун далиллар олишга зарур бўлган қўшимча тартиб-таомилларнинг хусусияти, муддатлари ва кўлами тўғрисидаги амалиётчининг мулоҳазаси қуйидагилар билан йўналтирилади:

- Амалиётчининг аллақачон бажарилган тартиб-таомиллар натижаларини баҳолашидан олинган ахборот;
- Амалиётчининг топшириқ давомида олган ташкилот ва унинг муҳити тўғрисидаги янгиланган тушунчаси; ва
- Молиявий ҳисоботлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкинлигига амалиётчини ишонтирадиган масалани бартараф этиш учун зарур бўлган далилларнинг ишонтирувчанлиги юзасидан амалиётчининг қараши.

A102. Қўшимча тартиб-таомиллар амалиётчига молиявий ҳисоботлар муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблайдиган масалалар юзасидан хулоса шакллантириш имконини бериш учун етарли ва муносиб далилларни олишга қаратилади. Тартиб-таомиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Қўшимча сўров ёки таҳлилий тартиб-таомиллар, масалан, янада батафсилроқ бажариладиган ёки таъсирланган моддаларга (яъни молиявий ҳисоботларда акс эттирилган таъсирланган ҳисобварақлар ёки операцияларга оид суммалар ёки маълумотларни ёритиб беришларга) қаратилган; ёки
- Бошқа турдаги тартиб-таомиллар, масалан, моддалар бўйича ишончлиликни таъминловчи синов ёки ташқи тасдиқлашлар.

A103. Қуйидаги мисол амалиётчининг қўшимча тартиб-таомилларни бажариш зарурлигини баҳолашини ҳамда амалиётчи қўшимча тартиб-таомиллар зарур деб ҳисоблаганда амалиётчининг муносабатини тасвирлайди.

- Кўриб чиқиш учун сўров ва таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш жараёнида амалиётчининг дебиторлик қарзларини таҳлили муддати ўтган дебиторлик қарзларининг муҳим суммасини кўрсатади, бунда умидсиз ёки шубҳали қарзлар учун заҳира мавжуд эмас.
- Бу амалиётчини молиявий ҳисоботлардаги дебиторлик қарзлари қолдиғи муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ишонишига сабаб бўлади. Шундан сўнг амалиётчи раҳбариятдан қадрсизланган деб кўрсатилиши лозим бўладиган ундирилмайдиган дебиторлик қарзлари мавжуд-йўқлиги ҳақида сўрайди.
- Раҳбариятнинг жавобига боғлиқ ҳолда, амалиётчининг жавобни баҳолаши:

(a) Амалиётчига дебиторлик қарзлари қолдиғи муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши эҳтимоли йўқлиги хусусида хулоса чиқариш имконини бериши мумкин. Бу ҳолда қўшимча тартиб-таомиллар талаб қилинмайди.

(b) Амалиётчига ушбу масала молиявий ҳисоботларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келишини аниқлаш имконини бериши мумкин. Қўшимча тартиб-таомиллар талаб қилинмайди ва амалиётчи молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилган деган хулосани шакллантирган бўлар эди.

(c) Амалиётчини дебиторлик қарзлари қолдиғи муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши эҳтимоли мавжуд деб ишонишда давом этишга олиб келиши, бироқ амалиётчига уларнинг ҳақиқатда бузиб кўрсатилганлигини аниқлаш учун етарли ва муносиб далилларни тақдим этмаслиги мумкин.

Бу ҳолда амалиётчидан қўшимча тартиб-таомилларни бажариш талаб қилинади, масалан, раҳбариятдан ундирилмайдиган дебиторлик қарзларини аниқлаш учун ушбу ҳисобварақлар бўйича баланс санасидан кейин олинган суммаларнинг таҳлилини сўраш. Қўшимча тартиб-таомиллар натижаларини баҳолаш амалиётчига юқоридаги (a) ёки (b)га етиб боришига имкон бериши мумкин. Акс ҳолда амалиётчидан қуйидагилар талаб қилинади:

(i) Амалиётчи юқоридаги (a) ёки (b)га етиб бормагунча қўшимча тартиб-таомилларни бажаришда давом этиши; ёки

(ii) Агар амалиётчи ушбу масала молиявий ҳисоботларни яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келиши эҳтимоли йўқлиги хусусида хулоса чиқара олмаса ёхуд ушбу масала молиявий ҳисоботларни яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келишини аниқлай олмаса, у ҳолда қўлланиш доирасининг чекланиши мавжуд бўлади ва амалиётчи молиявий ҳисоботлар юзасидан модификацияланмаган хулосани шакллантира олмайди.

Ёзма тасдиқлашлар (61–63-бандларга қаранг)

A104. Ёзма тасдиқлашлар кўриб чиқиш топшириғида далилларнинг муҳим манбаси ҳисобланади. Агар раҳбарият сўралган ёзма тасдиқлашларни модификация қилса ёки тақдим этмаса, бу амалиётчини бир ёки бир нечта муҳим масала мавжуд бўлиши эҳтимолидан огоҳ қилиши мумкин. Бундан ташқари, оғзаки эмас, балки ёзма тасдиқлашларни сўраш кўп ҳолларда раҳбариятни бундай масалаларни янада қатъийроқ кўриб чиқишга ундаши мумкин, бу эса тасдиқлашлар сифатини оширади.

A105. Ушбу КТХС бўйича талаб қилинадиган ёзма тасдиқлашлардан ташқари, амалиётчи молиявий ҳисоботлар тўғрисида бошқа ёзма тасдиқлашларни сўраш зарур деб ҳисоблаши мумкин. Булар, масалан, амалиётчи бундай тасдиқлашларни молиявий ҳисоботлар юзасидан модификация қилинган ёки модификацияланмаган асосда хулоса шакллантиришда муҳим деб ҳисоблайдиган ҳолларда молиявий ҳисоботларда акс эттирилган айрим моддалар ёки маълумотларни ёритиб беришлар юзасидан амалиётчининг далилларини тўлдириш учун зарур бўлиши мумкин.

A106. Айрим ҳолларда раҳбарият ёзма тасдиқлашларга тасдиқлашлар раҳбариятнинг билими ва ишончи доирасида берилаётганлигини англатувчи шартловчи иборани киритиши мумкин. Агар амалиётчи тасдиқлашлар тегишли мажбуриятларга ва тасдиқлашларга киритилган масалалар тўғрисидаги билимга эга шахслар томонидан берилаётганлигига ишонч ҳосил қилса, амалиётчининг бундай иборани қабул қилиши ўринлидир.

Бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далилларни баҳолаш (66–68-бандларга қаранг)

A107. Айрим ҳолатларда амалиётчи асосан сўров ва таҳлилий тартиб-таомиллар ҳамда муайян ҳолатларни бартараф этиш бўйича тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш орқали олишни кутган далилларни олмаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда амалиётчи бажарилган тартиб-таомиллардан олинган далиллар молиявий ҳисоботлар юзасидан хулоса шакллантириш учун етарли ва муносиб эмас деб ҳисоблайди. Амалиётчи:

- Бажарилган ишни кенгайтириши; ёки
- Амалиётчи томонидан ушбу ҳолатларда зарур деб ҳисобланган бошқа тартиб-таомилларни бажариши мумкин.

Бу ҳолатларда уларнинг ҳеч бири амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳолда, амалиётчи хулоса шакллантириш учун етарли ва муносиб далилларни ола олмайди ҳамда ушбу КТХС бўйича амалиётчининг ҳисоботига ёки амалиётчининг топшириқни якунлаш қобилиятига таъсирини аниқлаши талаб қилинади, масалан, агар раҳбарият аъзоси муҳим масалалар бўйича амалиётчининг сўровларига жавоб бериш учун кўриб чиқиш вақтида мавжуд бўлмаса. Бу вазият, 57-бандда кўрсатилганидек, амалиётчи молиявий ҳисоботлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкинлигига ишонишига сабаб бўладиган масала(лар)дан хабардор бўлмаган тақдирда ҳам юзага келиши мумкин.

Қўллаш доирасининг чекловлари

A108. Агар амалиётчи бошқа тартиб-таомилларни бажариш орқали етарли ва муносиб далилларни ола олса, муайян тартиб-таомилни бажаришнинг иложи йўқлиги кўриб чиқиш қўлланиш доирасининг чекланишини ташкил этмайди.

A109. Раҳбарият томонидан жорий этилган кўриб чиқиш қўлланиш доирасининг чекланишлари кўриб чиқиш учун бошқа оқибатларга эга бўлиши мумкин, масалан, амалиётчининг молиявий ҳисоботлар муҳим даражада бузиб кўрсатилиши эҳтимоли мавжуд бўлган соҳаларни кўриб чиқиши ва топшириқни давом эттириш учун.

Амалиётчининг молиявий ҳисоботлар юзасидан хулосасини шакллантириш

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи (69(a)-бандга қаранг)

A110. Молиявий ҳисоботлардаги қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи муҳимдир, чунки у молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар асосланган концептуал асослар тўғрисида хабардор қилади. Агар молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар бўлса, улар фақат топшириқ берувчи тарафга ва амалиётчига очиқ бўлган махсус мақсадли молиявий ҳисобот концептуал асослари бўйича тайёрланган бўлиши мумкин. Фойдаланилган махсус мақсадли молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи муҳимдир, чунки махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар улар учун аниқланган кўзланган фойдаланишдан бошқа ҳар қандай фойдаланиш учун мос бўлмаслиги мумкин.

A111. Ноаниқ шарт қўювчи ёки чекловчи иборани ўз ичига олган қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи (масалан, «молиявий ҳисоботлар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан мувофиқлаштирилган») ушбу концептуал асосларнинг етарли тавсифи ҳисобланмайди, чунки у молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин.

Муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг молиявий ҳисоботларда етказилаётган маълумотга таъсирини ёритиб бериш (69(b)(vi), 71-бандларга қаранг)

A112. Ушбу КТХСга мувофиқ амалиётчидан мўлжалланган фойдаланувчиларга муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг ташкилотнинг молиявий аҳволига, молиявий натижаларига ва пул маблағлари ҳаракатига таъсирини тушуниш имконини бериш учун молиявий ҳисоботлар етарли маълумотларни ёритиб беришни таъминлаганлигини баҳолаш талаб қилинади.

A113. Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари талабларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар бўлган тақдирда, раҳбарият молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришиш мақсадида молиявий ҳисоботларга қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари томонидан махсус талаб қилинганлардан ташқари қўшимча маълумотларни ёритиб беришларни киритиши ёки ўта камдан-кам ҳолатларда концептуал асослардаги талабдан четга чиқиши лозим бўлиши мумкин.

Мувофиқлик концептуал асослари қўлланилганда эътиборга олинадиган жиҳатлар

A114. Агар амалиётчи ушбу КТХСга мувофиқ топшириқни қабул қилиш вақтида концептуал асослар мақбул эканлигини аниқлаган бўлса, амалиётчининг мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларни чалғитувчи деб ҳисоблаши ўта камдан-кам учрайди.

Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётининг сифат жиҳатлари (70(b)-бандга қаранг)

A115. Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётининг сифат жиҳатларини кўриб чиқишда амалиётчи раҳбариятнинг мулоҳазаларидаги мумкин бўлган бирёқламаликдан хабардор бўлиши мумкин. Амалиётчи холисликнинг йўқлиги жамланган таъсирининг кўриниб турган тузатилмаган бузиб кўрсатишлар таъсири билан биргаликда молиявий ҳисоботларни яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади деган хулосага келиши мумкин. Молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мумкинлигини амалиётчи томонидан баҳолашга таъсир қилиши мумкин бўлган холисликнинг йўқлиги кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Кўриб чиқиш давомида раҳбарият эътиборига ҳавола қилинган кўриниб турган бузиб кўрсатишларни танлаб тузатиш (масалан, ҳисобот қилинган даромадни оширувчи таъсирга эга бузиб кўрсатишларни тузатиш, лекин ҳисобот қилинган даромадни камайтирувчи таъсирга эга бузиб кўрсатишларни тузатмаслик).
- Бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳоларини тузишда раҳбариятнинг мумкин бўлган бирёқламалиги.

A116. Раҳбариятнинг мумкин бўлган бирёқламалиги кўрсаткичлари алоҳида бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб баҳоларининг оқилоналиги юзасидан хулоса чиқариш мақсадида бузиб кўрсатишлар мавжуд эканлигини албатта англатмайди. Бироқ улар молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мумкинлигини амалиётчи томонидан кўриб чиқилишига таъсир қилиши мумкин.

Хулосанинг шакли (74-бандга қаранг)

Молиявий ҳисоботлар тақдим этадиган маълумотнинг тавсифи

A117. Ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар бўлган тақдирда, амалиётчининг хулосасида амалиётчининг молиявий ҳисоботлар [қўлланиладиган ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари]га мувофиқ … барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаяпти (ёки … тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермаяпти) деб ҳисоблашига сабаб бўладиган ҳеч нарса амалиётчининг эътиборига тушмаганлиги айтилади. Кўпгина умумий мақсадли концептуал асослар бўлган тақдирда, масалан, молиявий ҳисоботлар ташкилотнинг давр охиридаги молиявий аҳволини ҳамда ташкилотнинг ушбу давр учун молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракатини ҳаққоний тақдим этиши (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур бериши) талаб қилинади.

«Барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади» ёки «тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради»

A118. Ҳар қандай муайян юрисдикцияда «барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади» иборасими ёки «тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради» иборасими қўлланилиши ушбу юрисдикцияда молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қонун ёки норматив ҳужжатлар билан ёки ушбу юрисдикциядаги умум-эътироф этилган амалиёт билан белгиланади. Қонун ёки норматив ҳужжатлар турли таҳрирдан фойдаланишни талаб қилган ҳолларда, бу амалиётчи учун ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тақдим этилишини баҳолаш бўйича ушбу КТХСдаги талабга таъсир қилмайди.

Топшириқ қабул қилингандан кейин раҳбарият томонидан кўриб чиқишнинг қўлланиш доирасига чеклов қўйилиши сабабли хулоса шакллантира олмаслик (15, 82-бандларга қаранг)

A119. Топшириқдан воз кечишнинг амалга оширилиш имконияти раҳбарият томонидан қўлланиш доирасининг чекланиши қўйилган вақтда топшириқнинг бажарилиш босқичига боғлиқ бўлиши мумкин. Агар амалиётчи кўриб чиқишни деярли тугатган бўлса, амалиётчи кўриб чиқишни имкон қадар тугатиш, хулоса билдиришдан бош тортиш ва ҳисоботнинг хулоса билдиришдан бош тортиш учун асосни тавсифловчи бандида қўлланиш доирасининг чекланишини тушунтиришга қарор қилиши мумкин.

A120. Айрим ҳолатларда, агар амалиётчидан қонун ёки норматив ҳужжатлар бўйича топшириқни давом эттириш талаб қилинса, топшириқдан воз кечиш мумкин бўлмаслиги мумкин. Масалан, бу давлат сектори ташкилотининг молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш учун тайинланган амалиётчи учун шундай бўлиши мумкин. Бу шунингдек амалиётчи муайян даврни қамраб олувчи молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш учун тайинланган ёки муайян давр учун тайинланган ва тегишли равишда ушбу молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишни тугатишдан олдин ёки ушбу давр тугашидан олдин воз кечиши тақиқланган юрисдикцияларда шундай бўлиши мумкин. Амалиётчи шунингдек амалиётчи учун топшириқдан воз кечиш нима учун мумкин эмаслигини тушунтириш мақсадида амалиётчининг ҳисоботига Бошқа масалалар бандини киритишни зарур деб ҳисоблаши мумкин.

Тартибга солувчи органлар ёки ташкилот эгалари билан алоқа

A121. Амалиётчи қўлланиш доирасининг чекланиши сабабли топшириқдан воз кечиш зарур деган хулосага келганда, амалиётчи учун топшириқдан воз кечишга оид масалаларни тартибга солувчи органларга ёки ташкилот эгаларига етказиш бўйича касбий, ҳуқуқий ёки норматив талаб мавжуд бўлиши мумкин.

Амалиётчининг ҳисоботи (86–92-бандларга қаранг)

A122. Ёзма ҳисобот қоғоз шаклида чиқарилган ҳисоботларни ҳамда электрон воситадан фойдаланувчи ҳисоботларни қамраб олади.

Амалиётчининг ҳисоботи унсурлари (86-бандга қаранг)

A123. Ҳисобот мустақил амалиётчининг ҳисоботи эканлигини кўрсатувчи сарлавҳа, масалан, «Мустақил амалиётчининг кўриб чиқиш ҳисоботи», амалиётчи мустақилликка оид барча тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганлигини тасдиқлайди ва шу сабабли мустақил амалиётчининг ҳисоботини бошқалар томонидан чиқарилган ҳисоботлардан ажратиб туради.

A124. Қонун ёки норматив ҳужжатлар ушбу муайян юрисдикцияда амалиётчининг ҳисоботи кимга мўлжалланиши лозимлигини белгилаши мумкин. Амалиётчининг ҳисоботи одатда ҳисобот тайёрланган шахсларга, кўпинча акциядорларга ёки молиявий ҳисоботлари кўриб чиқилаётган ташкилотнинг бошқарув учун масъул шахсларига мўлжалланади.

A125. Амалиётчи кўриб чиқилган молиявий ҳисоботлар бошқа маълумотни ўз ичига олган ҳужжатга, масалан, молиявий ҳисоботга киритилишини билган тақдирда, амалиётчи, агар тақдим этиш шакли имкон берса, кўриб чиқилган молиявий ҳисоботлар тақдим этилган саҳифа рақамларини кўрсатишни кўриб чиқиши мумкин. Бу фойдаланувчиларга амалиётчининг ҳисоботи тааллуқли бўлган молиявий ҳисоботларни аниқлашга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботлар учун раҳбариятнинг масъулияти (86(d)-бандга қаранг)

A126. Амалиётчи раҳбариятнинг ҳам молиявий ҳисоботларни тайёрлашга, ҳам кўриб чиқиш топшириғига оид ўз масъулиятларини тан олиши ва тушунишига рози бўлиши лозимлиги ҳақидаги ушбу КТХСнинг талаби кўриб чиқишни бажариш ва топшириқ бўйича ҳисобот бериш учун асосий ҳисобланади. Амалиётчининг ҳисоботидаги раҳбарият масъулиятларининг тавсифи амалиётчининг ҳисоботи ўқувчилари учун раҳбарият масъулиятлари ҳақида, улар бажарилган кўриб чиқиш топшириғига тааллуқли бўлгани каби, контекст беради.

A127. Амалиётчининг ҳисоботи «раҳбарият»га махсус ишора қилиши шарт эмас, балки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий концептуал асослар контекстида мос келадиган атамадан фойдаланиши мумкин. Айрим юрисдикцияларда мос келадиган ишора ташкилотнинг бошқарув учун масъул шахсларига қаратилади.

A128. Амалиётчи учун муайян юрисдикция контекстида ёки ташкилот тури сабабли молиявий ҳисоботларни тайёрлашга тааллуқли бўлган қўшимча масъулиятларни акс эттириш мақсадида ушбу КТХСда тавсифланган раҳбарият масъулиятларининг тавсифига қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлган ҳолатлар бўлиши мумкин.

A129. Айрим юрисдикцияларда раҳбарият масъулиятларини белгилаб берувчи қонун ёки норматив ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби китоблари ва ёзувлари ёки бухгалтерия ҳисоби тизимининг етарлилиги учун масъулиятга махсус ишора қилиши мумкин. Китоблар, ёзувлар ва тизимлар ички назорат тизимининг ажралмас қисми бўлгани сабабли, ушбу КТХС ушбу тавсифлардан фойдаланмайди ёки уларга ҳеч қандай махсус ишора қилмайди.

Амалиётчининг масъулияти (86(f)-бандга қаранг)

A130. Амалиётчининг ҳисоботида амалиётчининг масъулиятини раҳбариятнинг молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун масъулияти билан таққослаш мақсадида амалиётчининг масъулияти бажарилган кўриб чиқишга асосан молиявий ҳисоботлар юзасидан хулоса билдиришдан иборат эканлиги айтилади.

Стандартларга ишора (86(f)-бандга қаранг)

A131. Амалиётчи томонидан кўриб чиқиш учун қўлланилган стандартларга ҳавола амалиётчи ҳисоботи фойдаланувчиларига кўриб чиқиш белгиланган стандартларга мувофиқ ўтказилганлигини билдиради.

Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишнинг табиати ҳақида хабар бериш (86(g)-бандга қаранг)

A132. Амалиётчи ҳисоботидаги кўриб чиқиш топшириғи табиатининг тавсифи ҳисобот ўқувчилари манфаати учун амалга оширилган топшириқнинг қўлланиш доираси ва чекловларини тушунтиради. Ушбу тушунтириш шубҳаларга йўл қўймаслик мақсадида кўриб чиқиш аудит эмаслигини ва шунга кўра амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмаслигини аниқлаштиради.

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг тавсифи ва унинг амалиётчи хулосасига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги (86(h)(ii)-бандга қаранг)

A133. Амалиётчи хулосасида қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларининг аниқланиши амалиётчи ҳисоботи фойдаланувчиларини ушбу хулоса билдирилган контекст ҳақида хабардор қилишга қаратилган. У 30(a)-бандда талаб қилинадиган баҳолашни чеклашга қаратилмаган. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари қуйидаги тарзда аниқланади:

"… Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ;" ёки

"… Х юрисдикциясида умумий қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ …"

A134. Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари молиявий ҳисобот стандартларини ҳамда қонуний ёки норматив талабларни қамраб олган тақдирда, концептуал асослар қуйидаги тарзда аниқланади: "… Молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартларига ва Х юрисдикциясининг Корпорациялар тўғрисидаги қонуни талабларига мувофиқ."

Хулоса модификация қилинган тақдирда модификация учун асос банди (86(i)(ii)-бандга қаранг)

A135. Модификация учун асос бандида тавсифланган муайян масалага оид салбий хулоса ёки хулоса билдиришдан бош тортиш акс ҳолда амалиётчи хулосасини модификация қилишни талаб этган бошқа аниқланган масалаларнинг тавсифини тушириб қолдиришни оқламайди. Бундай ҳолларда амалиётчига маълум бўлган бундай бошқа масалаларни ёритиб бериш молиявий ҳисоботлар фойдаланувчилари учун аҳамиятли бўлиши мумкин.

Амалиётчининг имзоси (86(l)-бандга қаранг)

A136. Амалиётчининг имзоси муайян юрисдикция учун мақбул бўлганидек, ё амалиётчи фирмасининг номидан, ё якка амалиётчининг шахсий номидан, ёхуд ҳар иккаласидан иборат бўлади. Амалиётчининг имзосидан ташқари, айрим юрисдикцияларда амалиётчидан ўз ҳисоботида касбий унвонлар ёки ушбу юрисдикциядаги тегишли лицензиялаш органи томонидан тан олиниши ҳақида декларация қилиши талаб этилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида ўқувчиларни огоҳлантириш (88-бандга қаранг)

A137. Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар улар мўлжалланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Масалан, тартибга солувчи орган айрим ташкилотлардан махсус мақсадли молиявий ҳисоботларни оммавий рўйхатга жойлаштиришни талаб қилиши мумкин. Англашилмовчиликка йўл қўймаслик учун амалиётчи ўз ҳисоботи фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли концептуал асосларга мувофиқ тайёрланганлиги ва шу сабабли бошқа мақсад учун мос келмаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши муҳим аҳамиятга эга.

Тарқатиш ёки фойдаланишни чеклаш

A138. Молиявий ҳисоботлар махсус мақсадли концептуал асослардан фойдаланган ҳолда тайёрланганда ушбу КТХС томонидан талаб қилинадиган амалиётчи ҳисоботи ўқувчисига огоҳлантиришдан ташқари, амалиётчи ўз ҳисоботи фақат муайян фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини кўрсатишни мақбул деб ҳисоблаши мумкин. Муайян юрисдикциянинг қонуни ёки норматив ҳужжатларига боғлиқ равишда, бунга амалиётчи ҳисоботини тарқатиш ёки фойдаланишни чеклаш орқали эришилиши мумкин. Бундай ҳолатларда махсус мақсадли концептуал асослардан фойдаланиш ҳақидаги огоҳлантиришни ўз ичига олган банд ушбу бошқа масалаларни қамраб олиш учун кенгайтирилиши ва сарлавҳа шунга мувофиқ модификация қилиниши мумкин.

Бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари (91-бандга қаранг)

A139. Айрим юрисдикцияларда амалиётчи ушбу КТХСга кўра ўз масъулиятига қўшимча бўлган бошқа масалалар бўйича ҳисобот бериш борасида қўшимча масъулиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, амалиётчидан молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш жараёнида унинг эътиборига тушган айрим масалалар бўйича ҳисобот бериш сўралиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, амалиётчидан қўшимча белгиланган тартиб-таомилларни бажариш ва улар бўйича ҳисобот бериш, ёки бухгалтерия ҳисоби дафтарлари ва ёзувларининг етарлилиги каби муайян масалалар бўйича хулоса билдириш сўралиши мумкин. Муайян юрисдикцияда молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари бўйича стандартлар ушбу юрисдикциядаги муайян қўшимча ҳисобот бериш мажбуриятларига оид амалиётчи масъулияти юзасидан йўриқнома бериши мумкин.

A140. Айрим ҳолларда тегишли қонун ёки норматив ҳужжатлар амалиётчидан ушбу бошқа мажбуриятлар бўйича молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги ҳисоботи доирасида ҳисобот беришни талаб қилиши ёки рухсат бериши мумкин. Бошқа ҳолларда амалиётчидан улар бўйича алоҳида ҳисоботда ҳисобот бериш талаб қилиниши ёки рухсат берилиши мумкин.

A141. Ушбу бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари амалиётчи ҳисоботининг алоҳида бўлимида кўриб чиқилади, бу уларни ушбу КТХСга кўра молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот бериш борасидаги амалиётчи масъулиятидан яққол ажратиш учун хизмат қилади. Тегишли ҳолларда ушбу бўлим бошқа ҳисобот бериш мажбурияти бандлари(нинг) мазмунини тавсифловчи кичик сарлавҳа(лар)ни ўз ичига олиши мумкин. Айрим юрисдикцияларда қўшимча ҳисобот бериш мажбуриятлари молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш учун тақдим этилган амалиётчи ҳисоботидан алоҳида бўлган ҳисоботда кўриб чиқилиши мумкин.

Амалиётчи ҳисоботининг санаси (86(k), 92-бандларга қаранг)

A142. Амалиётчи ҳисоботининг санаси амалиётчи ҳисоботи фойдаланувчисига амалиётчи ўзига маълум бўлган ва ушбу санагача содир бўлган ҳодисалар ҳамда операцияларнинг таъсирини ҳисобга олганлигини билдиради.

A143. Амалиётчининг хулосаси молиявий ҳисоботлар бўйича тақдим этилади ва молиявий ҳисоботлар учун раҳбарият масъулдир. Амалиётчи молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар, шу жумладан тегишли изоҳлар тайёрланганлигига ва раҳбарият улар учун масъулиятни ўз зиммасига олганлигига ишонч ҳосил қилмагунча, етарли ва муносиб далиллар олинганлиги ҳақида хулоса чиқариш ҳолатида бўлмайди.

A144. Айрим юрисдикцияларда қонун ёки норматив ҳужжатлар молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар, шу жумладан тегишли изоҳлар тайёрланганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун масъул бўлган

шахслар ёки органларни (масалан, директорларни) аниқлайди ва зарур тасдиқлаш жараёнини белгилайди. Бундай ҳолларда молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги ҳисоботга сана қўйишдан олдин ушбу тасдиқлаш ҳақида далиллар олинади. Бошқа юрисдикцияларда эса тасдиқлаш жараёни қонун ёки норматив ҳужжатларда белгиланмаган. Бундай ҳолларда молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар, шу жумладан тегишли изоҳлар тайёрланганлиги ҳақида хулоса чиқариш ваколатига эга бўлган шахслар ёки органни аниқлаш мақсадида ташкилот ўз раҳбарияти ва бошқарув тузилмаларини ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва якунлашда амал қиладиган тартиб-таомиллар кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда қонун ёки норматив ҳужжатлар молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнидаги кўриб чиқиш якунланиши кутилаётган нуқтани аниқлаши мумкин.

A145. Айрим юрисдикцияларда молиявий ҳисоботлар оммавий равишда чиқарилишидан олдин уларнинг акциядорлар томонидан якуний тасдиқланиши талаб этилади. Ушбу юрисдикцияларда амалиётчи молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса чиқариши учун акциядорлар томонидан якуний тасдиқлаш зарур эмас. Ушбу КТХС мақсадлари учун молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш санаси тан олинган ваколатга эга шахслар молиявий ҳисоботларни ташкил этувчи барча ҳисоботлар, шу жумладан тегишли изоҳлар тайёрланганлигини аниқлайдиган ва тан олинган ваколатга эга шахслар улар учун масъулиятни ўз зиммасига олганликларини тасдиқлайдиган эртароқ санадир.

Қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган амалиётчи ҳисоботи (34–35, 86-бандларга қаранг)

A146. Кўриб чиқиш ушбу КТХСга мувофиқ ўтказилганда амалиётчи ҳисоботидаги изчиллик глобал миқёсда тан олинган стандартларга мувофиқ ўтказилган молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишларни осонроқ аниқлаш имконини бериш орқали глобал бозорда ишончлиликни оширади. Қонуний ёки норматив талаблар билан ушбу КТХС ўртасидаги фарқлар фақат амалиётчи ҳисоботининг тузилиши ёки таърифига тегишли бўлганда ва ҳисобот, камида, ушбу КТХСнинг 86-банди талабларига мувофиқ келганда, амалиётчи ҳисоботи ушбу КТХСга ҳавола қилиши мумкин. Шунга кўра, бундай ҳолатларда амалиётчи ҳисоботида қўлланилган тузилиш ва таъриф қонуний ёки норматив ҳисобот бериш талаблари томонидан белгиланган тақдирда ҳам, амалиётчи ушбу КТХС талабларига риоя қилган деб ҳисобланади. Муайян юрисдикциядаги махсус талаблар ушбу КТХСга зид келмаган тақдирда, ушбу КТХСда қўлланилган тузилиш ва таърифни қабул қилиш амалиётчи ҳисоботи фойдаланувчиларига амалиётчи ҳисоботини ушбу КТХСга мувофиқ ўтказилган молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш бўйича ҳисобот сифатида осонроқ тан олишга ёрдам беради. Қонун ёки норматив ҳужжатлар амалиётчи ҳисоботининг тузилиши ёки таърифини ушбу КТХС талабларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган тарзда белгилайдиган ҳолатлар ушбу КТХСнинг кўриб чиқиш топшириқларини қабул қилиш ва мижозлар билан муносабатларни давом эттиришга оид талабларида кўриб чиқилади.

Муайян юрисдикциянинг тегишли стандартларига ҳамда ушбу КТХСга мувофиқ ўтказилган кўриб чиқишлар учун амалиётчи ҳисоботи (86(f)-бандга қаранг)

A147. Амалиётчи ушбу КТХС талабларига риоя қилишдан ташқари тегишли миллий стандартларга ҳам риоя қилганда, ҳисобот кўриб чиқиш ҳам ушбу КТХСга, ҳам молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари бўйича тегишли миллий стандартларга мувофиқ амалга оширилганлигига ҳавола қилиши мумкин. Бироқ, агар ушбу КТХС талаблари билан тегишли миллий стандартлардаги талаблар ўртасида амалиётчини бошқача хулосага келтирадиган ёки муайян ҳолатларда ушбу КТХС томонидан талаб этиладиган Алоҳида масалалар бандини киритмасликка олиб келадиган зиддият мавжуд бўлса, ҳам ушбу КТХСга, ҳам тегишли миллий стандартларга ҳавола қилиш мақбул эмас. Бундай ҳолда амалиётчи ҳисоботи фақат ўзи тайёрланган тегишли стандартларга (ё ушбу КТХСга, ё тегишли миллий стандартларга) ҳавола қилади.

Намунавий кўриб чиқиш ҳисоботлари (86-бандга қаранг)

A148. Ушбу КТХСнинг 2-иловасида ушбу КТХСнинг ҳисобот бериш талабларини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш бўйича амалиётчилар ҳисоботларининг намуналари келтирилган.

Ҳужжатлаштириш

Топшириқни ҳужжатлаштиришнинг ўз вақтидалиги (93-бандга қаранг)

A149. 1-сон СБХС фирмадан топшириқ ҳисоботи санасидан сўнг ўз вақтида топшириқ ҳужжатлари тўпланиши тўғрисида сифат мақсадини белгилашни талаб қилади.

1-илова

(А54-бандга қаранг)

Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғи учун топшириқ хатининг намунаси

Қуйида (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ тайёрланган) умумий мақсадли молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш учун топшириқ хатининг намунаси келтирилган бўлиб, у ушбу КТХСда келтирилган тегишли талаблар ва кўрсатмаларни намойиш этади. Ушбу хат меъёрий ҳужжат бўлмай, фақат ушбу КТХСда баён этилган мулоҳазалар билан биргаликда фойдаланилиши мумкин бўлган қўлланма сифатида мўлжалланган. Уни алоҳида талаблар ва ҳолатларга мувофиқ ўзгартириш зарур бўлади. У молиявий ҳисоботларни битта ҳисобот даври учун кўриб чиқишга ишора қилиш мақсадида тузилган бўлиб, агар такрорий кўриб чиқишларга қўлланиши мўлжалланган ёки кутилаётган бўлса, мослаштиришни талаб қилади. Таклиф этилаётган ҳар қандай хатнинг мувофиқлигини текшириш мақсадида ҳуқуқий маслаҳат олиш ўринли бўлиши мумкин.

* * *

АВС Компаниясининг раҳбариятининг ёки бошқарув учун масъул шахсларининг тегишли вакилига:[1]

[*Кўриб чиқишнинг мақсади ва қўлланиш доираси*]

Сиз[2] биздан АВС Компаниясининг умумий мақсадли молиявий ҳисоботларини кўриб чиқишимизни сўрадингиз, ушбу ҳисоботлар 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий аҳвол тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек ўша санада тугаган йил учун ялпи фойда тўғрисидаги ҳисобот, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек ҳисоб сиёсати тўғрисидаги муҳим маълумотларни ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга изоҳлардан иборат. Биз ушбу хат орқали мазкур кўриб чиқиш топшириғини қабул қилганимизни ва уни тушунганимизни тасдиқлашдан мамнунмиз.

Бизнинг кўриб чиқишимиз молиявий ҳисоботлар юзасидан хулосамизни билдириш мақсадида амалга оширилади. Бизнинг хулосамиз, агар модификацияланмаган бўлса, қуйидаги шаклда бўлади: «Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, мазкур молиявий ҳисоботлар компаниянинг [сана] ҳолатига молиявий аҳволини ҳамда ўша санада тугаган йил учун унинг молиявий натижалари ва пул оқимларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаяпти (*ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермаяпти*) деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушмади.»

[*Амалиётчининг масъулияти*]

Биз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича халқаро стандарт (КТХС) 2400-сон (Қайта таҳрирланган), *«Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари»*га мувофиқ амалга оширамиз. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) биздан молиявий ҳисоботлар яхлит олганда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган-тушмаганлиги ҳақида хулоса чиқаришимизни талаб қилади. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган), шунингдек, биздан тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишимизни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш чекланган ишончни таъминлаш топшириғи ҳисобланади. Биз асосан раҳбариятга ва, тегишли ҳолатларда, ташкилот ичидаги бошқа шахсларга сўровлар билан мурожаат қилишдан ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллашдан иборат бўлган тартиб-таомилларни бажарамиз ҳамда олинган далилларни баҳолаймиз. Биз, шунингдек, молиявий ҳисоботлар яхлит олганда муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган масалаларни аниқласак, қўшимча тартиб-таомилларни бажарамиз. Ушбу тартиб-таомиллар бизга молиявий ҳисоботлар юзасидан хулосамизни 2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ билдириш имконини бериш учун бажарилади. Танланган тартиб-таомиллар бизнинг АВС Компанияси ва унинг муҳитини тушунишимизга, шунингдек МҲХСни ва уни соҳа контекстида қўллашни тушунишимизга асосланган профессионал мулоҳазамизни қўллаган ҳолда зарур деб ҳисоблаганимизга боғлиқ бўлади.

Кўриб чиқиш молиявий ҳисоботларнинг аудити эмас, шунинг учун:

(a) Гарчи кўриб чиқиш 2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ тегишли тарзда амалга оширилган бўлса-да, кўриб чиқилган молиявий ҳисоботларда мавжуд бўлган ҳар қандай муҳим бузиб кўрсатишлар кўриб чиқиш орқали аниқланмаслиги мумкинлигининг аудитдагига нисбатан мутаносиб равишда юқорироқ хатари мавжуд.

(b) Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш бўйича хулосамизни билдиришда, молиявий ҳисоботлар юзасидан ҳисоботимизда молиявий ҳисоботлар юзасидан ҳар қандай аудиторлик фикридан очиқ-ойдин бош тортилади.

---

[1] Хатдаги манзил эгалари ва ишоралар топшириқ ҳолатларида, шу жумладан тегишли юрисдикцияда ўринли бўлганлари бўлади. Тегишли шахсларга мурожаат қилиш муҳим аҳамиятга эга — ушбу КТХСнинг 36-бандига қаранг.

[2] Ушбу хат давомида «Сиз», «биз», «бизга», «раҳбарият», «бошқарув учун масъул шахслар» ва «амалиётчи»га ишоралар ҳолатларга мувофиқ қўлланилади ёки ўзгартирилади.

[*Раҳбариятнинг масъулияти ва қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларини аниқлаш (ушбу мисол мақсадлари учун амалиётчи қонун ёки норматив ҳужжатлар ушбу масъулиятларни тегишли атамаларда белгилаб берганини аниқламаган деб тахмин қилинади; шунинг учун ушбу КТХСнинг 30(b)-бандидаги таърифлар қўлланилади).*]

Бизнинг кўриб чиқишимиз [раҳбарият ва, тегишли ҳолатларда, бошқарув учун масъул шахслар][3] қуйидаги масъулиятга эга эканликларини тан олиши ва тушуниши асосида амалга оширилади:

(a) Молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун;[4]

(b) Фирибгарлик ёки хатолик туфайли муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини бериш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун; ва

(c) Бизга қуйидагиларни тақдим этиш учун:

  (i) Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этишга алоқадор, раҳбарият хабардор бўлган барча маълумотларга, масалан, ёзувлар, ҳужжатлар ва бошқа масалаларга кириш ҳуқуқини;

  (ii) Кўриб чиқиш мақсадида раҳбариятдан сўрашимиз мумкин бўлган қўшимча маълумотни; ва

  (iii) АВС Компанияси ичидаги, улардан далил олишни зарур деб ҳисоблайдиган шахсларга чекланмаган кириш ҳуқуқини.

Кўриб чиқишимизнинг бир қисми сифатида, биз [раҳбарият ва, тегишли ҳолатларда, бошқарув учун масъул шахслар]дан кўриб чиқиш муносабати билан бизга билдирилган тасдиқлашлар юзасидан ёзма тасдиқлашни сўраймиз.

Биз кўриб чиқишимиз давомида ходимларингиз томонидан тўлиқ ҳамкорликка умид қиламиз.

[*Бошқа тегишли маълумот*]

[*Тегишли ҳолатларда ҳақ тўлаш шартлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа муайян шартлар каби бошқа маълумотларни киритинг.*]

[*Ҳисобот бериш*]

[*Амалиётчи ҳисоботининг кутилаётган шакли ва мазмунига тегишли ишорани киритинг.*]

Бизнинг ҳисоботимизнинг шакли ва мазмуни кўриб чиқишдан олинган натижаларимиздан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши зарур бўлиши мумкин.

Илтимос, бизнинг молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишимиз бўйича тузилмалар, шу жумладан тегишли масъулиятларимизни тан олганингизни ва уларга розилигингизни билдириш учун ушбу хатнинг илова қилинган нусхасини имзолаб қайтаринг.

XYZ & Co.

АВС Компанияси номидан тан олинди ва келишилди

(имзоланган)

.....

Исм ва лавозим

Сана

[3] Ҳолатларга мувофиқ атамалардан фойдаланинг.

[4] Ёки, тегишли ҳолатларда, «МҲХСга мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун»

2-илова

(А148-бандга қаранг)

Амалиётчиларнинг кўриб чиқиш ҳисоботлари намуналари

Умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар бўйича кўриб чиқиш ҳисоботлари

Модификацияланмаган хулосали кўриб чиқиш ҳисоботлари намуналари

- 1-намуна: Кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг ҳисоботи (масалан, Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти).

Модификация қилинган хулосали кўриб чиқиш ҳисоботлари намуналари

- 2-намуна: Молиявий ҳисоботларнинг аниқ муҳим бузиб кўрсатилиши сабабли шартли хулоса ўз ичига олган амалиётчининг ҳисоботи. Кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган мувофиқлик концептуал асосларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар. (Мувофиқлик концептуал асосларидан фойдаланиб тузилган молиявий ҳисоботлар)
- 3-намуна: Амалиётчининг етарли ва муносиб далилларни ола олмаганлиги сабабли шартли хулоса ўз ичига олган амалиётчининг ҳисоботи. (Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (ХБСК) томонидан чиқарилган МҲХСдан бошқа ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидан фойдаланиб тузилган молиявий ҳисоботлар)
- 4-намуна: Молиявий ҳисоботларнинг муҳим бузиб кўрсатилиши сабабли салбий хулоса ўз ичига олган амалиётчининг ҳисоботи. (ХБСК томонидан чиқарилган МҲХС бўлган ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидан фойдаланиб тузилган молиявий ҳисоботлар)
- 5-намуна: Амалиётчининг молиявий ҳисоботларнинг кўплаб элементлари юзасидан етарли ва муносиб далилларни ола олмаганлиги натижасида кўриб чиқишни якунлай олмаслиги сабабли хулоса билдиришдан бош тортишни ўз ичига олган амалиётчининг ҳисоботи. (ХБСК томонидан чиқарилган МҲХС бўлган ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидан фойдаланиб тузилган молиявий ҳисоботлар)

Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар бўйича кўриб чиқиш ҳисоботлари

- 6-намуна: Шартноманинг молиявий ҳисобот бўйича қоидаларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар бўйича амалиётчининг ҳисоботи (ушбу намуна мақсадларида — мувофиқлик концептуал асослари).
- 7-намуна: Пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши тамойилига асосланган бухгалтерия ҳисобига мувофиқ тузилган якка молиявий ҳисобот бўйича амалиётчининг ҳисоботи (ушбу намуна мақсадларида — ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари).

1-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини кўриб чиқиш.**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ умумий мақсадда тузилган.**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги тавсифини ушбу КТХСнинг 30(b)-бандига мувофиқ акс эттиради.**
- **Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишдан ташқари, амалиётчи маҳаллий қонунчиликка биноан бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот[1]

Биз ABC Компаниясининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини кўриб чиқдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек шу санада тугаган йил учун ялпи фойда тўғрисидаги ҳисоботни, ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсатининг қисқача баёни ва бошқа тушунтириш маълумотларини ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг[2] *молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги*

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботларни Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ тузиш ва ҳаққоний тақдим этиш учун,[3] шунингдек фирибгарлик ёки хатолик туфайли муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тузиш имконини бериш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан иборат. Биз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича халқаро стандарт (КТХС) 2400-сон (Қайта таҳрирланган), *"Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари"*га мувофиқ ўтказдик. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) бизга молиявий ҳисоботлар, яхлит олганда, барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тузилмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаришни талаб қилади. Ушбу Стандарт, шунингдек, бизга тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир. Амалиётчи асосан раҳбарият ва ташкилот ичидаги бошқа шахслардан, ўрни келганда, сўров ўтказиш ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллашдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ва олинган далилларни баҳолайди.

Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиган тартиб-таомиллардан анча кам ҳажмдадир. Шу сабабли, биз ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, ушбу молиявий ҳисоботлар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига ABC Компаниясининг молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун унинг молиявий натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракатини Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаяпти (ёки *тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермаяпти*) деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушмади.

---

1 Иккинчи "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот" кичик сарлавҳаси қўлланилмайдиган ҳолатларда "Молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот" кичик сарлавҳаси шарт эмас.

2 Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

3 Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тузишдан иборат бўлган ҳолларда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: "Раҳбарият Кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тузиш учун, шунингдек ... учун жавобгардир".

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот

[Амалиётчининг ҳисоботидаги ушбу бўлимнинг шакли ва мазмуни амалиётчининг бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари табиатига боғлиқ ҳолда фарқ қилади.]

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

2-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Қонун ёки норматив ҳужжатлар талаб қиладиган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини кўриб чиқиш.**
- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан Х юрисдикциясининг Молиявий ҳисобот концептуал асосларига (XYZ Қонуни) мувофиқ умумий мақсадда тузилган (яъни, қонун ёки норматив ҳужжатларни қамраб олган, кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган, лекин ҳаққоний тақдим этиш концептуал асослари бўлмаган молиявий ҳисобот концептуал асослари).**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги тавсифини ушбу КТХСнинг 30(b)-бандига мувофиқ акс эттиради.**
- **Кўриб чиқишга асосан, захиралар бузиб кўрсатилган. Бузиб кўрсатиш муҳим, лекин молиявий ҳисоботлар учун кенг қамровли эмас.**
- **Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишдан ташқари, амалиётчи маҳаллий қонунчиликка биноан бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига эга.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот[4]

Биз ABC Компаниясининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини кўриб чиқдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек шу санада тугаган йил учун ялпи фойда тўғрисидаги ҳисоботни, ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсатининг қисқача баёни ва бошқа тушунтириш маълумотларини ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг[5] молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботларни Х юрисдикциясининг XYZ Қонунига мувофиқ тузиш учун, шунингдек фирибгарлик ёки хатолик туфайли муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тузиш имконини бериш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан иборат. Биз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича халқаро стандарт (КТХС) 2400-сон (Қайта таҳрирланган), *"Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари"*га мувофиқ ўтказдик. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) бизга молиявий ҳисоботлар, яхлит олганда, барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тузилмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаришни талаб қилади. Ушбу Стандарт, шунингдек, бизга тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир. Амалиётчи асосан раҳбарият ва ташкилот ичидаги бошқа шахслардан, ўрни келганда, сўров ўтказиш ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллашдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ва олинган далилларни баҳолайди.

Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиган тартиб-таомиллардан анча кам ҳажмдадир. Шу сабабли, биз ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Шартли хулоса учун асос

Компаниянинг захиралари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх миқдорида акс эттирилган. Раҳбарият захираларни таннарх ва соф сотиш қийматидан энг пастида эмас, балки фақат таннархда баҳолаган, бу эса Х юрисдикциясининг Молиявий ҳисобот концептуал асослари (XYZ Қонуни) талабларидан четга чиқишни ташкил этади. Компаниянинг ёзувлари шуни кўрсатадики, агар раҳбарият захираларни таннарх ва соф сотиш қийматидан энг пастида баҳолаганида, захираларни уларнинг соф сотиш қийматигача камайтириш учун ххх миқдор талаб қилинган бўлар эди. Шу сабабли, сотувлар таннархи ххх миқдорига оширилган, фойда солиғи, соф фойда ва акциядорлар капитали эса тегишли равишда ххх, ххх ва ххх миқдорига камайтирилган бўлар эди.

[4] Иккинчи "Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот" кичик сарлавҳаси қўлланилмайдиган ҳолатларда "Молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот" кичик сарлавҳаси шарт эмас.

[5] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

Шартли хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Шартли хулоса учун асос бандида тавсифланган масаланинг таъсиридан ташқари, АВС Компаниясининг молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Х юрисдикциясининг Молиявий ҳисобот концептуал асослари (XYZ Қонуни)га мувофиқ тузилмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушмади.

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот

[Амалиётчининг ҳисоботидаги ушбу бўлимнинг шакли ва мазмуни амалиётчининг бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари табиатига боғлиқ ҳолда фарқ қилади.]

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

3-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Ташкилот раҳбарияти томонидан [ХБСК томонидан чиқарилган МҲХСдан бошқа ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот концептуал асослари]га мувофиқ тузилган умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини кўриб чиқиш.**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги тавсифини ушбу КТХСнинг 30(b)-бандига мувофиқ акс эттиради.**
- **Амалиётчи хорижий шуъба корхонага қилинган инвестиция юзасидан етарли ва муносиб далилларни ола олмади. Етарли ва муносиб далилларни ола олмаслигининг мумкин бўлган таъсирлари молиявий ҳисоботлар учун муҳим, лекин кенг қамровли эмас деб ҳисобланади.**
- **Амалиётчи консолидацияланган молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишдан ташқари маҳаллий қонунчиликка биноан бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига эга эмас.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Биз АВС Компаниясининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини кўриб чиқдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек шу санада тугаган йил учун ялпи фойда тўғрисидаги ҳисоботни, ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсатининг қисқача баёни ва бошқа тушунтириш маълумотларини ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг[6] молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари номи, бунда фойдаланилган молиявий ҳисобот концептуал асослари Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (ХБСК) томонидан чиқарилган МҲХС бўлмаган ҳолда молиявий ҳисобот концептуал асосларининг юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола киритилади][7]га мувофиқ тузиш ва ҳаққоний тақдим этиш учун, шунингдек фирибгарлик ёки хатолик туфайли муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тузиш имконини бериш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан иборат. Биз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича халқаро стандарт (КТХС) 2400-сон (Қайта таҳрирланган), *"Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари"*га мувофиқ ўтказдик. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) бизга молиявий ҳисоботлар, яхлит олганда, барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тузилмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаришни талаб қилади. Ушбу Стандарт, шунингдек, бизга тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир. Амалиётчи асосан раҳбарият ва ташкилот ичидаги бошқа шахслардан, ўрни келганда, сўров ўтказиш ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллашдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ва олинган далилларни баҳолайди.

Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиган тартиб-таомиллардан анча кам ҳажмдадир. Шу сабабли, биз ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Шартли хулоса учун асос

АВС Компаниясининг йил давомида сотиб олинган ва улушли иштирок методи бўйича ҳисобга олинган хорижий шериги бўлган XYZ Компаниясига қилган инвестицияси 20X1 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх миқдорида акс эттирилган, ҳамда XYZнинг ххх миқдоридаги соф фойдасидан АВСнинг улуши шу санада тугаган йил учун АВСнинг фойдасига киритилган. Биз АВСнинг XYZга қилган инвестициясининг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига балансдаги қиймати ва XYZнинг йил учун соф фойдасидан АВСнинг улушига оид XYZнинг тегишли молиявий ахборотига кириш имкониятини ола олмадик. Натижада, биз зарур деб ҳисоблаган тартиб-таомилларни бажара олмадик.

Шартли хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Шартли хулоса учун асос бандида тавсифланган масаланинг мумкин бўлган таъсиридан ташқари, илова қилинган молиявий ҳисоботлар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига АВС Компаниясининг

---

[6] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

[7] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тузишдан иборат бўлган ҳолларда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: "Раҳбарият [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари номи, бунда фойдаланилган молиявий ҳисобот концептуал асослари ХБСК томонидан чиқарилган МҲХС бўлмаган ҳолда молиявий ҳисобот концептуал асосларининг юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола киритилади]га мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тузиш учун, шунингдек ... учун жавобгардир".

молиявий ҳолатини ва шу санада тугаган йил учун унинг молиявий натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракатини [қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари номи, бунда фойдаланилган молиявий ҳисобот концептуал асослари ХБСК томонидан чиқарилган МҲХС бўлмаган ҳолда молиявий ҳисобот концептуал асосларининг юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола киритилади]га мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаяпти (ёки *тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермаяпти*) деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушмади.

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

4-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Бош ташкилот раҳбарияти томонидан ХБСК томонидан чиқарилган МҲХСга мувофиқ тузилган консолидацияланган умумий мақсадли молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш.**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги тавсифини ушбу КТХСнинг 30(b)-бандига мувофиқ акс эттиради.**
- **Молиявий ҳисоботлар шуъба корхонанинг консолидация қилинмаганлиги сабабли муҳим даражада бузиб кўрсатилган. Муҳим бузиб кўрсатиш молиявий ҳисоботлар учун кенг қамровли деб ҳисобланади. Бузиб кўрсатишнинг молиявий ҳисоботларга таъсири аниқланмаган, чунки буни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмаган.**
- **Амалиётчи консолидацияланган молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишдан ташқари маҳаллий қонунчиликка биноан бошқа ҳисобот бериш мажбуриятларига эга эмас.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот[8]

Биз ABC Компаниясининг илова қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларини кўриб чиқдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига консолидацияланган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда шу санада тугаган йил учун консолидацияланган умумий даромад тўғрисидаги ҳисоботни, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга оид изоҳларни ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг[9] молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Раҳбарият ушбу консолидацияланган молиявий ҳисоботларни Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (ХБСК) томонидан чиқарилган МҲХСга мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун,[10] шунингдек, фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келишидан қатъи назар, муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини берадиган, раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан иборат. Биз ўз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича 2400-сон халқаро стандарт (КТХС) (Қайта таҳрирланган), *«Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари»*га мувофиқ амалга оширдик. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) биздан консолидацияланган молиявий ҳисоботлар яхлит олганда барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган-тушмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаришимизни талаб қилади. Ушбу стандарт, шунингдек, биздан тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш — бу чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир. Амалиётчи асосан раҳбариятдан ва, тегишли ҳолларда, ташкилот ичидаги бошқа шахслардан сўров ўтказишдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллайди ва олинган далилларни баҳолайди.

Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудит бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиганлардан анча кам. Шунга кўра, биз ушбу консолидацияланган молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Салбий хулоса учун асос

Х-изоҳда тушунтирилганидек, компания 20X1 йил давомида сотиб олган XYZ Компанияси шўъба корхонасининг молиявий ҳисоботларини консолидация қилмаган, чунки у ҳозирча шўъба корхонасининг айрим муҳим активлари ва мажбуриятларининг сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматларини аниқлай олмаган. Шунинг учун ушбу инвестиция таннарх асосида ҳисобга олинган. ХБСК томонидан чиқарилган МҲХСга мувофиқ, шўъба корхонаси компания

---

[8] «Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот» деган иккинчи кичик сарлавҳа қўлланилмайдиган ҳолатларда «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар юзасидан ҳисобот» деган кичик сарлавҳа кераксиз бўлади.

[9] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

[10] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тузишдан иборат бўлган ҳолларда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: «Раҳбарият Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ аниқ ва холис тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳамда шундай …» учун жавобгардир.

томонидан назорат қилинганлиги сабабли консолидация қилиниши лозим эди. Агар XYZ консолидация қилинганида эди, илова қилинган молиявий ҳисоботлардаги кўплаб элементларга муҳим таъсир кўрсатилган бўлар эди.

Салбий хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, Салбий хулоса учун асос бандида муҳокама қилинган масаланинг аҳамиятлилиги туфайли, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ABC Компанияси ва унинг шуъба корхоналарининг 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолатини ҳамда шу санада тугаган йил учун уларнинг молиявий натижалари ва пул оқимларини ХБСК томонидан чиқарилган МҲХСга мувофиқ ҳаққоний тақдим этмайди (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермайди).

Бошқа ҳуқуқий ва норматив талаблар бўйича ҳисобот

[Амалиётчининг ҳисоботидаги ушбу бўлимнинг шакли ва мазмуни амалиётчининг бошқа ҳисобот бериш мажбуриятлари табиатига қараб ўзгаради.]

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

5-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Ташкилот раҳбарияти томонидан ХБСК томонидан чиқарилган МҲХСга мувофиқ тайёрланган умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини кўриб чиқиш.**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлигининг ушбу КТХСнинг 30(b)-бандидаги тавсифини акс эттиради.**
- **Амалиётчи молиявий ҳисоботларнинг бир неча элементлари тўғрисида етарли ва муносиб далилларни ола олмаганлиги туфайли молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса шакллантира олмади ва амалиётчи бу таъсир молиявий ҳисоботлар учун муҳим ва кенг қамровли деб ҳисоблайди. Хусусан, амалиётчи ташкилотнинг ашёвий захиралари ва дебиторлик қарзлари тўғрисида далил ола олмади.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Биз ABC Компаниясининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш учун жалб қилиндик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда шу санада тугаган йил учун умумий даромад тўғрисидаги ҳисоботни, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган молиявий ҳисоботларга оид изоҳларни ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг[11] молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботларни Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши (ХБСК) томонидан чиқарилган МҲХСга мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун,[12] шунингдек, фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келишидан қатъи назар, муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини берадиган, раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан иборат. Бироқ, Хулоса билдиришдан бош тортиш учун асос бандида тавсифланган масала(лар) туфайли биз молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдириш учун асос сифатида етарли ва муносиб далилларни ола олмадик.

Хулоса билдиришдан бош тортиш учун асос

Раҳбарият йил охирида мавжуд ашёвий захираларни санаб чиқишни ўтказмади. Биз 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига сақланаётган, 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ххх миқдорида кўрсатилган захиралар миқдорига оид зарур деб ҳисоблаган тартиб-таомилларни бажара олмадик.

Бундан ташқари, 20X1 йил сентябрь ойида дебиторлик қарзлари бўйича янги компютерлаштирилган тизимнинг жорий қилиниши дебиторлик қарзлари ва захираларда кўплаб хатоликларга олиб келди. Бизнинг ҳисоботимиз санасига кўра, раҳбарият ҳали ҳам тизим камчиликларини бартараф этиш ва хатоликларни тузатиш жараёнида эди. Ушбу масалалар натижасида биз ҳисобга олинган ёки ҳисобга олинмаган захиралар ва дебиторлик қарзлари, шунингдек, умумий даромад тўғрисидаги ҳисоботни, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ташкил этувчи элементлар бўйича бирор тузатиш зарур деб топилиши мумкин-мумкин эмаслигини аниқлай олмадик.

Хулоса билдиришдан бош тортиш

Хулоса билдиришдан бош тортиш учун асос бандида тавсифланган масалаларнинг аҳамиятлилиги туфайли биз илова қилинган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса шакллантириш учун етарли ва муносиб далилларни ола олмадик. Шунга кўра, биз ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдирмаймиз.

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

---

[11] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

[12] Раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғри ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тузишдан иборат бўлган ҳолларда, бу қуйидагича ўқилиши мумкин: «Раҳбарият Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ аниқ ва холис тасаввур берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳамда шундай …» учун жавобгардир.

6-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Молиявий ҳисоботлар ташкилот раҳбарияти томонидан шартнома қоидаларига риоя қилиш мақсадида шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига (яъни, махсус мақсадли концептуал асосга) мувофиқ тайёрланган. Раҳбариятда молиявий ҳисобот концептуал асосларини танлаш имконияти йўқ.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари — мувофиқлик концептуал асосларидир.**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлигининг ушбу КТХСнинг 30(b)-бандидаги тавсифини акс эттиради.**
- **Амалиётчининг ҳисоботини тарқатиш ёки фойдаланиш чекланган.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Биз ABC Компаниясининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини кўриб чиқдик, улар 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига баланс ҳисоботини ҳамда шу санада тугаган йил учун фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботни, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсатининг қисқача баёнини ва бошқа изоҳловчи маълумотларни ўз ичига олади. Молиявий ҳисоботлар ABC Компанияси раҳбарияти томонидан ABC Компанияси ва DEF Компанияси ўртасидаги 20X1 йил 1 январдаги шартноманинг («шартнома») Z бўлимининг молиявий ҳисобот қоидаларига асосан тайёрланган.

Раҳбариятнинг[13] молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботларни шартноманинг Z бўлимининг молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрлаш учун, шунингдек, фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келишидан қатъи назар, муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини берадиган, раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса билдиришдан иборат. Биз ўз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича 2400-сон халқаро стандарт (КТХС) (Қайта таҳрирланган), «Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари»га мувофиқ амалга оширдик. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) биздан молиявий ҳисоботлар яхлит олганда барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган-тушмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаришимизни талаб қилади. Ушбу стандарт, шунингдек, биздан тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш — бу чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир. Амалиётчи асосан раҳбариятдан ва, тегишли ҳолларда, ташкилот ичидаги бошқа шахслардан сўров ўтказишдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллайди ва олинган далилларни баҳолайди.

Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудит бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиганлардан анча кам. Шунга кўра, биз ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, ушбу молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда шартноманинг Z бўлимининг молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушмади.

Бухгалтерия ҳисоби асоси ҳамда тарқатиш ва фойдаланишга оид чеклов

Хулосамизни модификация қилмаган ҳолда, биз бухгалтерия ҳисоби асосини тавсифловчи молиявий ҳисоботларга оид Х-изоҳга эътиборингизни қаратамиз. Молиявий ҳисоботлар ABC Компаниясига юқорида тилга олинган шартноманинг молиявий ҳисобот қоидаларига риоя қилишда ёрдам бериш учун тайёрланган. Натижада, молиявий ҳисоботлар бошқа мақсад учун мос келмаслиги мумкин. Бизнинг ҳисоботимиз фақат ABC Компанияси ва DEF Компанияси учун мўлжалланган бўлиб, ABC Компанияси ёки DEF Компаниясидан бошқа тарафларга тарқатилмаслиги ёки улар томонидан фойдаланилмаслиги лозим.

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

[13] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

7-намуна

Ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Пул маблағлари тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш**
- **Молиявий ҳисобот ташкилот раҳбарияти томонидан кредитордан олинган пул оқими ҳақидаги маълумотга оид сўровга жавоб бериш учун пул маблағлари тушумлари ва тўловлари бўйича бухгалтерия ҳисоби асосига мувофиқ тайёрланган. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланилган бухгалтерия ҳисоби асоси ташкилот ва кредитор ўртасида келишиб олинган.**
- **Қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асослари — муайян фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ҳаққоний тақдим этиш концептуал асосларидир.**
- **Амалиётчи ўз хулосасида «барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этади» иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқ деб аниқлади.**
- **Кўриб чиқиш топшириғи шартлари раҳбариятнинг молиявий ҳисобот учун жавобгарлигининг ушбу КТХСнинг 30(b)-бандидаги тавсифини акс эттиради.**
- **Амалиётчининг ҳисоботини тарқатиш ёки фойдаланиш чекланмаган.**

МУСТАҚИЛ АМАЛИЁТЧИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲИСОБОТИ

[Тегишли манзил эгаси]

Биз АВС Компаниясининг 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун илова қилинган пул маблағлари тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, муҳим ҳисоб сиёсатининг қисқача баёни ва бошқа изоҳловчи маълумотларни (биргаликда «молиявий ҳисобот») кўриб чиқдик. Молиявий ҳисобот АВС Компанияси раҳбарияти томонидан X-изоҳда тавсифланган пул маблағлари тушумлари ва тўловлари бўйича бухгалтерия ҳисоби асосидан фойдаланган ҳолда тайёрланган.

Раҳбариятнинг[14] молиявий ҳисобот учун жавобгарлиги

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботни X-изоҳда тавсифланган пул маблағлари тушумлари ва тўловлари бўйича бухгалтерия ҳисоби асосига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун, шунингдек, фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келишидан қатъи назар, муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган молиявий ҳисоботни тайёрлаш имконини берадиган, раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Амалиётчининг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз илова қилинган молиявий ҳисобот бўйича хулоса билдиришдан иборат. Биз ўз кўриб чиқишимизни Кўриб чиқиш топшириқлари бўйича 2400-сон халқаро стандарт (КТХС) (Қайта таҳрирланган), *«Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириқлари»*га мувофиқ амалга оширдик. 2400-сон КТХС (Қайта таҳрирланган) биздан молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушган-тушмаганлиги тўғрисида хулоса чиқаришимизни талаб қилади. Ушбу стандарт, шунингдек, биздан тегишли ахлоқий талабларга риоя қилишни талаб қилади.

2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган) мувофиқ молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш — бу чекланган ишончни таъминлаш топшириғидир. Амалиётчи асосан раҳбариятдан ва, тегишли ҳолларда, ташкилот ичидаги бошқа шахслардан сўров ўтказишдан иборат тартиб-таомилларни бажаради ҳамда таҳлилий тартиб-таомилларни қўллайди ва олинган далилларни баҳолайди.

Кўриб чиқишда бажариладиган тартиб-таомиллар Аудит бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиладиган аудитда бажариладиганлардан анча кам. Шунга кўра, биз ушбу молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосан, молиявий ҳисобот АВС Компаниясининг 20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун пул маблағлари тушумлари ва тўловларини X-изоҳда тавсифланган пул маблағлари тушумлари ва тўловлари бўйича бухгалтерия ҳисоби асосига мувофиқ барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайди (ёки *тўғри ва ҳаққоний тасаввур бермайди*) деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор нарса эътиборимизга тушмади.

[14] Ёки муайян юрисдикциядаги ҳуқуқий асослар нуқтаи назаридан мос келадиган бошқа атама.

Бухгалтерия ҳисоби асоси

Хулосамизни модификация қилмаган ҳолда, биз бухгалтерия ҳисоби асосини тавсифловчи молиявий ҳисоботга оид Х-изоҳга эътиборингизни қаратамиз. Молиявий ҳисобот XYZ Кредиторига маълумот тақдим этиш учун тайёрланган. Натижада, молиявий ҳисобот бошқа мақсад учун мос келмаслиги мумкин.

[Амалиётчининг имзоси]

[Амалиётчининг ҳисоботи санаси]

[Амалиётчи манзили]

2410-СОН КЎРИБ ЧИҚИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ

ТАШКИЛОТНИНГ МУСТАҚИЛ АУДИТОРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ОРАЛИҚ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

(2006 йил 15 декабрь ва ундан кейин бошланадиган даврлар учун оралиқ молиявий маълумотни кўриб чиқиш учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш 1–3

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишнинг умумий тамойиллари 4–6

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича топшириқнинг мақсади 7–9

Топшириқ шартларини келишиш 10–11

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари 12–29

Бузиб кўрсатишларни баҳолаш 30–33

Раҳбарият баёнотлари 34–35

Аудиторнинг илова қилинган маълумотлар бўйича жавобгарлиги 36–37

Мулоқот 38–42

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишнинг характери, кўлами ва натижалари ҳақида хулоса бериш 43–63

Ҳужжатлаштириш 64

Кучга кириш санаси 65

1-илова: Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш учун топшириқ хати намунаси

2-илова: Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажаришда аудитор томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлган таҳлилий тартиб-таомиллар

3-илова: Раҳбарият баёнот хати намунаси

4-илова: Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш хулосалари намуналари

5-илова: Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосидан четланиш туфайли шартли хулоса билан текшириш хулосаси намуналари

6-илова: Раҳбарият томонидан белгиланмаган кўламдаги чеклов туфайли шартли хулоса билан кўриб чиқиш хулосаларининг намуналари

7-илова: Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосидан четланиш туфайли салбий хулосанинг кўриб чиқиш хулосалари намуналари

2410-сон Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандарти (КТХС), *“Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан бажариладиган оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш”*, “*Сифат бошқаруви, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончни таъминлайдиган топшириқлар ва турдош хизматлар бўйича халқаро стандартлар тўпламига муқаддима”* ҳужжати билан биргаликда ўқилиши лозим

Кириш

1. Ушбу Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандарти (КТХС)нинг мақсади аудитор аудит мижозининг оралиқ молиявий маълумотларини кўриб чиқиш топшириғини бажарганда аудиторнинг касбий мажбуриятларига, ҳамда ҳисоботнинг шакли ва мазмунига тегишли стандартларни белгилаш ва кўрсатмалар беришдан иборат. "Аудитор" атамаси ушбу КТХС бўйлаб қўлланилади, бу аудитор аудит функциясини бажараётгани учун эмас, балки ушбу КТХСнинг қўллаш доираси ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг мустақил аудитори томонидан бажариладиган оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш билан чекланганлиги учундир.

2. Ушбу КТХС мақсадлари учун, оралиқ молиявий маълумотлар – бу қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига[1] мувофиқ тайёрланган ва тақдим этилган, ҳамда ташкилотнинг молиявий йилидан қисқароқ давр учун тўлиқ ёки қисқартирилган молиявий ҳисоботлар тўпламидан иборат бўлган молиявий маълумотлардир.

3. **Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажаришга жалб қилинган аудитор кўриб чиқишни ушбу КТХСга мувофиқ бажариши керак.** Йиллик молиявий ҳисоботларнинг аудитини бажариш орқали, аудитор ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан унинг ички назоратини тушуниб олади. Аудитор оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишга жалб қилинганда, бу тушуниш кўриб чиқиш давомида қилинган сўровлар орқали янгиланади ва аудиторга қилиниши керак бўлган сўровларни ва қўлланилиши керак бўлган таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини мақсадли йўналтиришда ёрдам беради. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажаришга жалб қилинган, ва ташкилотнинг аудитори бўлмаган амалиётчи кўриб чиқишни 2400-сон КТХСга (Қайта таҳрирланган), *"Тарихий молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш бўйича топшириқлар"* га мувофиқ бажаради. Амалиётчи одатда ташкилотнинг аудитори каби ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан унинг ички назоратини бир хил даражада тушунмаслиги туфайли, амалиётчи кўриб чиқиш мақсадига эришиш учун турли сўровлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириши керак.

3а. Ушбу КТХС ташкилотнинг аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишга йўналтирилган. Бироқ, у ташкилотнинг аудитори аудит мижозининг оралиқ молиявий маълумотларидан бошқа тарихий молиявий маълумотларни кўриб чиқиш топшириғини бажарганда, шароитларда зарур бўлганидек мослаштирилган ҳолда қўлланилиши лозим.[*]

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишнинг умумий тамойиллари

4. **Аудитор ташкилотнинг йиллик молиявий ҳисоботларининг аудитига тегишли ахлоқий талабларга риоя қилиши керак.** Бу ахлоқий талаблар аудиторнинг қуйидаги соҳалардаги профессионал мажбуриятларини бошқаради: мустақиллик, ҳалоллик, холислик, касбий малака ва тегишли эътибор, махфийлик, профессионал хулқ-атвор ва техник стандартлар.

5. **Аудитор алоҳида топшириққа тегишли бўлган сифат назорати тартиб-таомилларини амалга ошириши керак.** Алоҳида топшириққа тегишли бўлган сифат назорати элементларига топшириқда сифат учун раҳбарлик мажбуриятлари, ахлоқий талаблар, мижоз муносабатлари ва аниқ топшириқларни қабул қилиш ва давом эттириш, топшириқ гуруҳларини тайинлаш, топшириқни бажариш ва мониторинг киради.

6. **Аудитор кўриб чиқишни профессионал скептицизм нуқтаи назаридан режалаштириши ва бажариши керак, бунда оралиқ молиявий маълумотларнинг барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланиши учун муҳим ўзгартириш киритилишини талаб қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олиши лозим.** Профессионал скептицизм нуқтаи назари дегани аудитор танқидий фикрлаш билан олинган далилларнинг ҳаққонийлигини танқидий баҳолайди ва ташкилот раҳбариятининг ҳужжатлари ёки баёнотларининг ишончлилигига зид бўлган ёки шубҳа туғдирадиган далилларга сезгир бўлади.

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича топшириқнинг мақсади

7. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича топшириқнинг мақсади аудиторга кўриб чиқиш асосида оралиқ молиявий маълумотларнинг барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга сабаб бўладиган бирор жиҳат аудиторнинг эътиборига тушган-тушмаганлиги бўйича хулоса билдириш имконини беришдир. Аудитор оралиқ молиявий маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилганда номуносиб хулоса билдириш рискини ўртача даражагача камайтириш учун сўровлар ўтказади, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини бажаради

8. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишнинг мақсади Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ ўтказиладиган аудитнинг мақсадидан сезиларли даражада фарқ қилади. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш молиявий маълумотлар тўғри ва ҳаққоний кўриниш бериш-бермаслиги ёки барча муҳим жиҳатларда

[1] Масалан, Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

[*] 3а-банд ва 4-изоҳ ушбу КТХСнинг қўлланилишини аниқлаштириш учун 2007 йил декабрида ушбу КТХСга киритилган.

қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ ҳаққоний тақдим этилган-этилмаганлиги ҳақида фикр билдириш учун асос тақдим этмайди.

9. Кўриб чиқиш, аудитдан фарқли ўлароқ, оралиқ молиявий маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишончни олиш учун мўлжалланмаган. Кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан сўровлар ўтказиш ва таҳлилий ҳамда бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш оралиқ молиявий маълумотларга таъсир қилувчи муҳим масалаларни аудиторнинг эътиборига олиб келиши мумкин, аммо у аудитда талаб қилинадиган барча далилларни тақдим этмайди.

Топшириқ шартларини келишиш

10. **Аудитор ва мижоз топшириқ шартларини келишиб олишлари лозим.**

11. Келишилган топшириқ шартлари одатда топшириқ хатида қайд этилади. Бундай мулоқот топшириқнинг характерига, ва айниқса, кўриб чиқишнинг мақсади ва кўламига, раҳбариятнинг жавобгарликларига, аудиторнинг жавобгарликлари кўламига, олинган ишончга, ҳамда ҳисоботнинг характери ва шаклига доир нотўғри тушунишларнинг олдини олишга ёрдам беради. Мулоқот одатда қуйидаги масалаларни қамраб олади:

- Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишнинг мақсади.
- Кўриб чиқишнинг кўлами.
- Оралиқ молиявий маълумотлар учун раҳбариятнинг жавобгарлиги.
- Оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлашга тегишли самарали ички назоратни ўрнатиш ва сақлаб туриш учун раҳбариятнинг жавобгарлиги.
- Барча молиявий ёзувлар ва тегишли маълумотларни аудиторга тақдим этиш учун раҳбариятнинг жавобгарлиги.
- Кўриб чиқиш давомида оғзаки равишда қилинган баёнотларни, шунингдек ташкилот ёзувларида назарда тутилган баёнотларни тасдиқлаш учун аудиторга ёзма баёнотларни тақдим этишга раҳбариятнинг розилиги.
- Хулосанинг манзили кўрсатилган ҳолда, чиқариладиган хулосанинг кутилаётган шакли ва мазмуни.
- Оралиқ молиявий маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай ҳужжатда оралиқ молиявий маълумотлар ташкилотнинг аудитори томонидан кўриб чиқилганлиги кўрсатилган бўлса, кўриб чиқиш хулосаси ҳам ҳужжатга киритилишига раҳбариятнинг розилиги.

Намунавий топшириқ хати ушбу КТХСнинг 1-иловасида келтирилган. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича топшириқ шартлари йиллик молиявий ҳисоботларни аудит қилиш бўйича топшириқ шартлари билан бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари

Ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан унинг ички назоратини тушуниш

12. **Аудитор ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан ҳам йиллик, ҳам оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлашга тегишли унинг ички назоратини топшириқни режалаштириш ва бажариш учун етарли даражада тушуниши керак, бу унга қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:**

(a) **Потенциал муҳим бузиб кўрсатиш турларини аниқлаш ва уларнинг юзага келиш эҳтимолини кўриб чиқиш; ва**

(b) **Аудиторга оралиқ молиявий маълумотларнинг барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга сабаб бўладиган бирор жиҳат аудиторнинг эътиборига тушган-тушмаганлиги ҳақида хулоса бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган сўровлар, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини танлаш.**

13. 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган), *"Муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва уларни баҳолаш"* талаб қилганидек, ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини бир ёки бир нечта йиллик даврлар учун аудит қилган аудитор, аудитни ўтказиш учун етарли бўлган йиллик молиявий маълумотларни тайёрлашга тегишли ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан унинг ички назоратини тушуниб олган. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни режалаштиришда, аудитор бу тушунишни янгилайди. Аудитор шунингдек, оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлашга тегишли ички назоратни етарли даражада тушуниб олади, чунки у йиллик молиявий маълумотларга тегишли ички назоратдан фарқ қилиши мумкин.

14. Аудитор ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан унинг ички назоратини тушунишда қилиниши керак бўлган

сўровларни ва қўлланилиши керак бўлган таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини аниқлаш, ҳамда сўровлар йўналтирилиши ёки таҳлилий ёки бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомиллари қўлланилиши мумкин бўлган аниқ ҳодисалар, операциялар ёки баёнотларни аниқлаш учун фойдаланади.

15. Аудитор томонидан ташкилот ва унинг муҳити, шу жумладан унинг ички назорати ҳақидаги тушунишни янгилаш учун бажариладиган тартиб-таомиллар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Аудиторга жорий давр оралиқ молиявий маълумотларига таъсир қилиши мумкин бўлган масалаларни аниқлашга имкон бериш учун, зарур даражада ўтган йилнинг аудити ва жорий йилнинг аввалги оралиқ давр(лар)и ҳамда ўтган йилнинг мос келувчи оралиқ давр(лар)и кўриб чиқиш ҳужжатларини ўқиш.
- Ўтган йилнинг молиявий ҳисоботлари аудитида аниқланган назорат воситаларини раҳбарият томонидан четлаб ўтиш риски ҳам киритилган ҳар қандай аҳамиятли рискларни кўриб чиқиш.
- Энг сўнгги йиллик ва таққосланадиган аввалги давр оралиқ молиявий маълумотларини ўқиш.
- Бажариладиган тартиб-таомилларнинг характери ва кўламини аниқлашда ва бузиб кўрсатишлар таъсирини баҳолашда ёрдам бериш учун оралиқ молиявий маълумотларга тегишли қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига ҳавола қилган ҳолда муҳимликни кўриб чиқиш.
- Ўтган йилнинг молиявий ҳисоботларидаги ҳар қандай тузатилган муҳим бузиб кўрсатишлар ва аниқланган ҳар қандай тузатилмаган муҳим бўлмаган бузиб кўрсатишларнинг характерини кўриб чиқиш.
- Ички назоратдаги аҳамиятли камчиликлар каби аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган аҳамиятли молиявий ҳисоб-китоб ва ҳисобот масалаларини кўриб чиқиш.
- Жорий йилнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан бажарилган ҳар қандай аудит тартиб-таомиллари натижаларини кўриб чиқиш.
- Бажарилган ҳар қандай ички аудит ва раҳбарият томонидан кейинчалик кўрилган чоралар натижаларини кўриб чиқиш.
- Фирибгарлик натижасида оралиқ молиявий маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мумкинлиги риски бўйича раҳбарият баҳолашининг натижалари ҳақида раҳбариятдан сўраш.
- Ташкилотнинг бизнес фаолиятидаги ўзгаришларнинг таъсири ҳақида раҳбариятдан сўраш.
- Ички назоратдаги ҳар қандай аҳамиятли ўзгаришлар ва бундай ўзгаришларнинг оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлашга потенциал таъсири ҳақида раҳбариятдан сўраш.
- Оралиқ молиявий маълумотлар келишилган ёки мослаштирилган асосий бухгалтерия ёзувларининг ишончлилиги ва оралиқ молиявий маълумотлар тайёрланган жараён ҳақида раҳбариятдан сўраш.

16. Аудитор компонентлар учун бажариладиган, агар мавжуд бўлса, кўриб чиқиш тартиб-таомилларининг характерини аниқлайди ва, қўлланиладиган бўлса, бу масалаларни кўриб чиқишда иштирок этувчи бошқа аудиторларга етказади. Кўриб чиқиладиган омилларга компонентларнинг оралиқ молиявий маълумотларидаги муҳимлик ва бузиб кўрсатиш риски, ҳамда аудиторнинг бундай маълумотларни тайёрлаш бўйича ички назоратнинг марказлаштирилган ёки марказлаштирилмаганлик даражаси ҳақидаги тушуниши киради.

17. **Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни режалаштириш ва бажариш учун, ҳали АХСларга мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботларнинг аудитини бажармаган яқинда тайинланган аудитор, ҳам йиллик, ҳам оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлашга тегишли ташкилот ва унинг муҳити, шу жумладан унинг ички назоратини тушуниб олиши лозим.**

18. Бу тушуниш аудиторга ушбу КТХСга мувофиқ оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишда қилинадиган сўровларни ва қўлланиладиган таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини мақсадли йўналтириш имконини беради. Бу тушуниб олишнинг бир қисми сифатида, аудитор одатда аввалги аудитордан сўровлар қилади ва, амалий имкони бўлса, аввалги йиллик аудит учун ва жорий йилда аввалги аудитор томонидан кўриб чиқилган ҳар қандай аввалги оралиқ даврлар учун аввалги аудиторнинг ҳужжатларини кўриб чиқади. Бундай ҳолда, аудитор ҳар қандай тузатилган бузиб кўрсатишларнинг ва аввалги аудитор томонидан жамланган ҳар қандай тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг характерини, назорат воситаларини раҳбарият томонидан четлаб ўтиш риски ҳам киритилган ҳар қандай аҳамиятли рискларни, ҳамда ички назоратдаги аҳамиятли камчиликлар каби аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган аҳамиятли бухгалтерия ва ҳар қандай ҳисобот масалаларини кўриб чиқади.

Сўровлар, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомиллари

19. Аудитор сўровларни асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан талаб қилиши ва аудиторга бажарилган тартиб-таомиллар асосида оралиқ молиявий маълумотларнинг барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга

сабаб бўладиган бирор жиҳат аудиторнинг эътиборига тушган-тушмаганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берадиган таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини бажариши лозим.

20. Кўриб чиқиш одатда текшириш, кузатиш ёки тасдиқлаш орқали бухгалтерия ёзувларининг тестларини талаб қилмайди. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажариш учун тартиб-таомиллар одатда оралиқ молиявий маълумотларга тегишли аҳамиятли бухгалтерия масалалари бўйича олинган маълумотларни тасдиқлаш ўрнига, асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан сўровлар қилиш ва таҳлилий ҳамда бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллаш билан чекланади. Ташкилот ва унинг муҳити, шу жумладан унинг ички назорати ҳақидаги аудиторнинг тушуниши, аввалги аудитга тегишли риск баҳолашларининг натижалари ва оралиқ молиявий маълумотларга тегишли муҳимлик ҳақидаги аудиторнинг мулоҳазаси қилинган сўровларнинг, ҳамда қўлланилган таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларининг характери ва кўламига таъсир қилади.

21. Аудитор одатда қуйидаги тартиб-таомилларни бажаради:

- Оралиқ молиявий маълумотларга таъсир қилиши мумкин бўлган масалаларни аниқлаш учун акциядорлар, бошқарув учун масъул шахслар ва бошқа тегишли қўмиталар йиғилишларининг баённомаларини ўқиш, ҳамда оралиқ молиявий маълумотларга таъсир қилиши мумкин бўлган баённомалари мавжуд бўлмаган йиғилишларда кўриб чиқилган масалалар ҳақида сўраш.
- Аввалги аудит ёки кўриб чиқишлар пайтида аудит ёки кўриб чиқиш хулосасини ўзгартиришга, бухгалтерия тузатишларига ёки тузатилмаган бузиб кўрсатишларга сабаб бўлган масалаларнинг таъсирини, агар мавжуд бўлса, кўриб чиқиш.
- Тегишли жойларда, ҳисобот берувчи ташкилотнинг муҳим компонентларининг оралиқ молиявий маълумотларини кўриб чиқишни бажараётган бошқа аудиторлар билан мулоқот қилиш.
- Қуйидагилар ҳақида молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган раҳбарият аъзоларидан ва бошқа тегишли шахслардан сўраш:
    - Оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланган ва тақдим этилганлиги.
    - Бухгалтерия тамойилларида ёки уларни қўллаш усулларида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлган ёки бўлмаганлиги.
    - Ҳар қандай янги операциялар янги бухгалтерия тамойилини қўллашни талаб қилган-қилмаганлиги.
    - Оралиқ молиявий маълумотларда ҳар қандай маълум бўлган тузатилмаган бузиб кўрсатишлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.
    - Бизнесни бирлаштириш ёки бизнес сегментини сотиш каби оралиқ молиявий маълумотларга таъсир қилган бўлиши мумкин бўлган ғайриоддий ёки мураккаб ҳолатлар.
    - Ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш ёки маълумотларни ёритиб бериш учун тегишли бўлган аҳамиятли фаразлар ва ташкилот номидан маълум ҳаракат йўналишларини амалга ошириш бўйича раҳбариятнинг нияти ва қобилияти.
    - Боғлиқ томонлар билан операциялар оралиқ молиявий маълумотларда тегишли равишда ҳисобга олинган ва ёритиб берилганлиги.
    - Мажбуриятлар ва шартномавий мажбуриятлардаги аҳамиятли ўзгаришлар.
    - Суд жараёнлари ёки даъволарни ўз ичига олган шартли мажбуриятлардаги аҳамиятли ўзгаришлар.
    - Қарз шартномалари шартларига риоя қилиш.
    - Кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллаш жараёнида юзага келган саволлар бўйича масалалар.
    - Оралиқ даврнинг охирги бир неча кунларида ёки кейинги оралиқ даврнинг биринчи бир неча кунларида содир бўлган аҳамиятли операциялар.
    - Қуйидагиларни ўз ичига олган ташкилотга таъсир қилувчи ҳар қандай фирибгарлик ёки шубҳали фирибгарлик ҳақидаги маълумот:
        - Раҳбарият;
        - Ички назоратда аҳамиятли роль бажарувчи ходимлар; ёки
        - Фирибгарлик оралиқ молиявий маълумотларга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шахслар.
    - Ходимлар, собиқ ходимлар, таҳлилчилар, тартибга солувчи органлар ёки бошқалар томонидан хабар қилинган ташкилотнинг оралиқ молиявий маълумотларига таъсир қилувчи ҳар қандай фирибгарлик ёки шубҳали фирибгарлик бўйича даъволар ҳақида маълумот.

- Оралиқ молиявий маълумотларга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонун ва қоидаларга ҳар қандай ҳақиқий ёки мумкин бўлган риоя қилмаслик ҳақида маълумот.

- Оралиқ молиявий маълумотларда ғайриоддий кўринадиган ва оралиқ молиявий маълумотларда муҳим бузиб кўрсатишни акс эттириши мумкин бўлган муносабатлар ва алоҳида моддаларни аниқлаш учун мўлжалланган таҳлилий тартиб-таомилларни оралиқ молиявий маълумотларга қўллаш. Таҳлилий тартиб-таомиллар нисбат таҳлили ва тенденция таҳлили ёки регрессив таҳлил каби статистик техникаларни ўз ичига олиши ва қўлда ёки компьютер ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ушбу КТХСнинг 2-иловаси аудитор оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажаришда кўриб чиқишида қўллаш мумкин бўлган таҳлилий тартиб-таомиллар намуналарини ўз ичига олади.

- Оралиқ молиявий маълумотларни ўқиш ва оралиқ молиявий маълумотларнинг барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланмаганлигига ишонишга сабаб бўладиган бирор жиҳат аудиторнинг эътиборига тушган-тушмаганлигини кўриб чиқиш.

22. Аудитор кўпгина кўриб чиқиш тартиб-таомилларини ташкилотнинг оралиқ молиявий маълумотларини тайёрлашидан олдин ёки бир вақтда бажариши мумкин. Масалан, ташкилот ва унинг муҳити, шу жумладан унинг ички назоратини тушунишни янгилаш ва тегишли баённомаларни ўқиб чиқишни оралиқ давр тугашидан олдин бошлаш амалий бўлиши мумкин. Баъзи кўриб чиқиш тартиб-таомилларини оралиқ даврнинг аввалроқ вақтида бажариш оралиқ молиявий маълумотларга таъсир қилувчи муҳим бухгалтерия масалаларини эрта аниқлаш ва кўриб чиқиш имконини беради.

23. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажараётган аудитор шунингдек ташкилотнинг йиллик молиявий ҳисоботларининг аудитини бажаришга ҳам жалб қилинган. Қулайлик ва самарадорлик учун, аудитор баъзи аудит тартиб-таомилларини оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш билан бир вақтда бажаришга қарор қилиши мумкин. Масалан, оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолда директорлар кенгаши йиғилишларининг баённомаларини ўқишдан олинган маълумотлар йиллик аудит учун ҳам ишлатилиши мумкин. Аудитор шунингдек оралиқ кўриб чиқиш пайтида бизнес бирлашмалари, қайта ташкил этишлар ёки аҳамиятли тушум операциялари каби давр давомида содир бўлган аҳамиятли ёки ғайриоддий операциялар бўйича аудит тартиб-таомилларини бажариш каби йиллик молиявий ҳисоботлар аудити мақсадида бажарилиши керак бўлган аудит тартиб-таомилларини бажаришга қарор қилиши мумкин.

24. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш одатда суд жараёнлари ёки даъволар ҳақидаги сўровларни тасдиқлашни талаб қилмайди. Шу сабабли, одатда ташкилотнинг юристига сўров хатини юбориш зарур эмас. Бироқ, агар аудиторнинг эътиборига оралиқ молиявий маълумотларнинг барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланмаганлигига шубҳа уйғотадиган масала тушса ва аудитор ташкилотнинг юристи тегишли маълумотга эга бўлиши мумкин деб ҳисобласа, суд жараёнлари ёки даъволар бўйича ташкилотнинг юристи билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш ўринли бўлиши мумкин.

25. Аудитор оралиқ молиявий маълумотлар асосий бухгалтерия ёзувлари билан мос келиши ёки мослаштирилганлиги ҳақида далил олиши лозим. Аудитор оралиқ молиявий маълумотларни қуйидагиларга мувофиқлигини текшириш орқали оралиқ молиявий маълумотлар асосий бухгалтерия ёзувлари билан мос келиши ёки мослаштирилганлиги ҳақида далил олиши мумкин:

(a) Бош китоб каби бухгалтерия ёзувлари ёки бухгалтерия ёзувлари билан мос келувчи ёки мослаштирилган консолидацияланган жадвал; ва
(b) Зарур бўлганда ташкилот ёзувларидаги бошқа қўллаб-қувватловчи маълумотлар.

26. **Аудитор раҳбариятдан, кўриб чиқиш хулосасисанасигача бўлган барча ҳодисалар, оралиқ молиявий маълумотларда тузатиш ёки маълумотларни ёритиб беришни талаб қиладиган ҳодисалар аниқланганлигини сўраши лозим.** Аудитор учун кўриб чиқиш хулосаси санасидан кейин содир бўлган ҳодисаларни аниқлаш учун бошқа тартиб-таомилларни бажариш зарур эмас.

27. **Аудитор раҳбариятдан, ташкилотнинг фаолият узлуксизлигини баҳолашда ўзгаришлар киритганлигини сўраши лозим. Агар бу сўров ёки бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомиллари натижасида аудитор ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитлардан хабардор бўлса, аудитор:**

a) **Раҳбариятдан фаолият узлуксизлигини баҳолашига асосланган келажакдаги ҳаракатлар режаси, бу режаларнинг амалга ошириш имконияти ва раҳбарият бу режаларнинг натижаси вазиятни яхшилайди деб ҳисоблаши юзасидан сўраши лозим; ва**

(b) **Оралиқ молиявий маълумотларда бундай масалалар ҳақидаги маълумотларни ёритиб беришнинг етарлилигини кўриб чиқиш лозим.**

28. Ташкилотнинг фаолият узлуксизлиги асосида давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳа туғдирадиган ҳодисалар ёки шароитлар йиллик молиявий ҳисоботлар санасида мавжуд бўлган бўлиши ёки раҳбариятдан сўров

ўтказиш ёки бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини бажариш жараёнида аниқланиши мумкин. Бундай ҳодисалар ёки шароитлар аудиторнинг эътиборига келганда, аудитор раҳбариятдан келажакдаги ҳаракатлар режаси, масалан, активларни сотиш, пул қарз олиш ёки қарзни қайта тузиш, харажатларни камайтириш ёки кечиктириш, ёки капитални кўпайтириш режалари ҳақида сўрайди. Аудитор шунингдек раҳбарият режаларининг амалга ошириш имконияти ва раҳбарият бу режаларнинг натижаси вазиятни яхшилайди деб ҳисоблашини сўрайди. Бироқ, одатда аудитор учун раҳбарият режаларининг амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш ва бу режаларнинг натижаси вазиятни яхшилашини текшириш зарур эмас.

29. **Агар аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ, барча муҳим жиҳатларга кўра, тайёрланиши учун муҳим тузатиш киритилиши керакми деган саволга олиб келса, аудитор кўриб чиқиш хулосасида фикр билдириш имконини берадиган қўшимча сўровлар ўтказиши ёки бошқа тартиб-таомилларни бажариши лозим.** Масалан, агар аудиторнинг кўриб чиқиш тартиб-таомиллари аудиторни муҳим сотиш операцияси қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ қайд этилганми деган саволга олиб келса, аудитор ўз саволларини ҳал қилиш учун етарли бўлган қўшимча тартиб-таомилларни, масалан, операция шартларини юқори даражадаги маркетинг ва бухгалтерия ходимлари билан муҳокама қилиш ёки сотиш шартномасини ўқиб чиқиш каби тартиб-таомилларни бажаради.

Бузиб кўрсатишларни баҳолаш

30. **Аудитор аудиторнинг эътиборига келган тузатилмаган бузиб кўрсатишлар алоҳида ва жамланган ҳолда оралиқ молиявий маълумотлар учун муҳим эканлигини баҳолаши лозим.**

31. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш, аудит топшириғидан фарқли ўлароқ, оралиқ молиявий маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида оқилона ишончни олиш учун мўлжалланмаган. Бироқ, аудиторнинг эътиборига келган бузиб кўрсатишлар, шу жумладан етарли бўлмаган маълумотларни ёритиб беришлар, оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ, барча муҳим жиҳатларга кўра, тайёрланиши учун муҳим тузатиш киритилиши зарурлигини аниқлаш учун алоҳида ва жамланган ҳолда баҳоланади.

32. Аудитор ташкилот тузатмаган ҳар қандай бузиб кўрсатишларнинг муҳимлигини баҳолашда профессионал мулоҳаза юритади. Аудитор бузиб кўрсатишларнинг тури, сабаби ва миқдори, бузиб кўрсатишлар олдинги йилда ёки жорий йилнинг оралиқ даврида келиб чиққанлиги, ва бузиб кўрсатишларнинг келажакдаги оралиқ ёки йиллик даврларга потенциал таъсири каби масалаларни кўриб чиқади.

33. Аудитор бузиб кўрсатишлар жамланишига ҳожат бўлмаган миқдорни белгилаши мумкин, чунки аудитор бундай миқдорларнинг жамланиши оралиқ молиявий маълумотларга муҳим таъсир кўрсатмаслигини кутади. Шундай қилиб, аудитор муҳимликни аниқлаш миқдорий ва сифат жиҳатларини ўз ичига олишини ва нисбатан кичик миқдордаги бузиб кўрсатишлар шунга қарамай оралиқ молиявий маълумотларга муҳим таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олади.

Раҳбарият баёнотлари

34. **Аудитор раҳбариятдан қуйидагилар бўйича ёзма баёнотлар олиши лозим:**

    (a) **У фирибгарлик ва хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш учун ички назоратни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги жавобгарлигини тан олади;**

    (b) **Оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланган ва тақдим этилган;**

    (c) **У кўриб чиқиш давомида аудитор томонидан жамланган тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг, умуман олганда оралиқ молиявий маълумотларга нисбатан алоҳида ҳам, жамланган ҳолда ҳам таъсири муҳим эмас деб ҳисоблайди. Бундай бузиб кўрсатишларнинг қисқача баёни ёзма баёнотларга киритилган ёки илова қилинган;**

    (d) **У аудиторга ташкилотга таъсир қилиши мумкин бўлган раҳбариятга маълум бўлган ҳар қандай фирибгарликлар ёки гумон қилинаётган фирибгарликлар билан боғлиқ барча муҳим фактларни ошкор қилган;**

    (e) **У аудиторга оралиқ молиявий маълумотлар фирибгарлик туфайли муҳим даражада бузиб кўрсатилиши мумкинлиги рискини баҳолаш натижаларини ошкор қилган;**[2]

[2] 240-сон АХС, *"Молиявий ҳисоботлар аудитида фирибгарликни кўриб чиқиш бўйича аудиторнинг жавобгарлиги"*, 36-бандида тушунтирилганидек, бундай баҳолашнинг характери, ҳажми ва частотаси ташкилотдан ташкилотга ўзгаради ва раҳбарият батафсил баҳолашни йиллик асосда ёки узлуксиз мониторинг доирасида амалга ошириши мумкин. Шунга кўра, ушбу баёнот, оралиқ молиявий маълумотларга

(f) **У аудиторга оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлашда ҳисобга олиниши керак бўлган қонун ва норматив ҳужжатларга мувофиқ келмасликнинг барча маълум ҳақиқий ёки мумкин бўлган ҳолатларини ошкор қилган; ва**

(g) **У аудиторга баланс ҳисоботи санасидан кейин ва кўриб чиқиш хулосаси санасигача бўлган даврда содир бўлган, оралиқ молиявий маълумотларда тузатиш ёки маълумотларни ёритиб беришни талаб қиладиган барча муҳим ҳодисаларни ошкор қилган.**

35. Аудитор ташкилотнинг бизнеси ёки соҳасига хос масалаларга тегишли қўшимча баёнотларни тегишли равишда олади. Раҳбариятнинг намунавий баёнот хати ушбу КТХСга 3-иловада келтирилган.

Аудиторнинг илова қилинган маълумотлар бўйича жавобгарлиги

36. **Аудитор оралиқ молиявий маълумотларга илова қилинган бошқа маълумотларни ўқиб чиқиши ва бундай маълумотлар оралиқ молиявий маълумотларга муҳим номувофиқ эканлигини кўриб чиқиши лозим.** Агар аудитор муҳим номувофиқликни аниқласа, аудитор оралиқ молиявий маълумотлар ёки бошқа маълумотларга тузатиш киритиш зарурлигини кўриб чиқади. Агар оралиқ молиявий маълумотларга тузатиш киритиш зарур бўлса ва раҳбарият тузатиш киритишдан бош тортса, аудитор бу ҳолатнинг кўриб чиқиш хулосасига таъсирини кўриб чиқади. Агар бошқа маълумотларга тузатиш киритиш зарур бўлса ва раҳбарият тузатиш киритишдан бош тортса, аудитор кўриб чиқиш хулосасига муҳим номувофиқликни тавсифловчи қўшимча банд киритиш ёки кўриб чиқиш хулосасини чиқаришни кечиктириш ёки топшириқдан четлашиш каби бошқа чораларни кўришни кўриб чиқади. Масалан, раҳбарият фойданинг муқобил ўлчовларини тақдим этиши мумкин, бу ўлчовлар молиявий кўрсаткичларни оралиқ молиявий маълумотларга нисбатан ижобийроқ тасвирлайди, ва бундай муқобил ўлчовларга ҳаддан ташқари эътибор қаратилади, улар аниқ таърифланмаган ёки оралиқ молиявий маълумотларга аниқ солиштирилмаган холда, улар чалкаш ва потенциал чалғитувчи бўлиши мумкин.

37. **Агар аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни бошқа маълумотлар фактнинг муҳим бузиб кўрсатилишини ўз ичига олади деб ҳисоблашга олиб келса, аудитор бу масалани ташкилотнинг раҳбарияти билан муҳокама қилиши лозим.** Муҳим номувофиқликларни аниқлаш мақсадида бошқа маълумотларни ўқиб чиқиш жараёнида, аудиторнинг эътиборига фактнинг аниқ муҳим бузиб кўрсатилиши келиши мумкин (яъни, оралиқ молиявий маълумотларда кўринадиган масалаларга тегишли бўлмаган, лекин бузиб тақдим этилган ёки тақдим этилган маълумотлар). Ташкилотнинг раҳбарияти билан масалани муҳокама қилишда, аудитор бошқа маълумотларнинг ишончлилигини ва аудиторнинг сўровларига раҳбариятнинг жавобларини, фикр ёки мулоҳазалардаги асосли фарқлар мавжудлигини ва фактнинг аниқ бузиб кўрсатилишини ҳал қилиш учун раҳбариятдан малакали учинчи томон билан маслаҳатлашишни сўраш зарурлигини кўриб чиқади. Агар фактнинг муҳим бузиб кўрсатилишини тузатиш учун тузатиш киритиш зарур бўлса ва раҳбарият тузатиш киритишдан бош тортса, аудитор бошқарув учун масъул шахсларга хабар бериш ва ҳуқуқий маслаҳат олиш каби тегишли қўшимча чораларни кўришни кўриб чиқади.

Мулоқот

38. **Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш натижасида, аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ, барча муҳим жиҳатларга кўра, тайёрланиши учун муҳим тузатиш киритиш зарур деб ҳисоблашга олиб келса, аудитор бу масалани имкон қадар тезроқ раҳбариятнинг тегишли даражасига етказиши лозим.**

39. **Агар аудиторнинг мулоҳазасига кўра, раҳбарият оқилона вақт ичида тегишли равишда жавоб бермаса, аудитор бошқарув учун масъул шахсларга хабар бериши лозим.** Хабар бериш имкон қадар тезроқ, оғзаки ёки ёзма равишда амалга оширилади. Аудиторнинг оғзаки ёки ёзма хабар бериш ҳақидаги қарорига хабар берилаётган масаланинг характери, сезгирлиги ва аҳамияти ҳамда хабар бериш вақти каби омиллар таъсир қилади. Агар маълумотлар оғзаки етказилса, аудитор хабар беришни ҳужжатлаштиради.

40. **Агар аудиторнинг мулоҳазасига кўра, бошқарув учун масъул шахслар оқилона вақт ичида тегишли равишда жавоб бермаса, аудитор қуйидагиларни кўриб чиқиш лозим:**

(a) **Ҳисоботга ўзгартириш киритиш зарурлиги; ёки**

(b) **Топшириқдан воз кечиш имконияти; ва**

(c) **Йиллик молиявий ҳисоботларни аудит қилиш бўйича тайинловдан истеъфо бериш имконияти.**

41. **Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш натижасида, аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни ташкилот томонидан фирибгарлик ёки қонун ва норматив ҳужжатларга мувофиқ**

тааллуқли бўлган даражада, ташкилотнинг ўзига хос ҳолатларига мослаштирилган.

келмаслик мавжудлигига ишонишга олиб келса, аудитор бу масалани имкон қадар тезроқ раҳбариятнинг тегишли даражасига етказиши лозим. Раҳбариятнинг қайси даражаси тегишли эканлигини аниқлашга тил бириктириш эҳтимоли ёки раҳбарият аъзосининг иштироки таъсир қилади. Аудитор шунингдек бундай масалалар ҳақида бошқарув учун масъул шахсларга хабар бериш зарурлигини кўриб чиқади ва буни кўриб чиқиш учун оқибатларини кўриб чиқади.

42. **Аудитор оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишдан келиб чиқадиган бошқарувга оид тегишли масалаларни бошқарув учун масъул шахсларга етказиши лозим.** Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш натижасида, аудитор шундай масалалардан хабардор бўлиши мумкинки, аудиторнинг фикрича, бу масалалар бошқарув учун масъул шахслар учун молиявий ҳисобот бериш ва маълумотларни ёритиб бериш жараёнини назорат қилишда ҳам муҳим, ҳам ўринли бўлиши мумкин. Аудитор бундай масалаларни бошқарув учун масъул шахсларга етказади.

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишнинг характери, кўлами ва натижалари ҳақида хулоса бериш

43. **Аудитор қуйидагиларни ўз ичига олган ёзма хулоса чиқариши лозим:**

(a) **Тегишли сарлавҳа**

(b) **Топшириқ ҳолатлари талаб қилганидек, манзил эгаси.**

(c) **Таҳлил қилинган оралиқ молиявий маълумотларни аниқлаш, шу жумладан молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ ёки қисқартирилган тўпламида мавжуд бўлган ҳар бир ҳисоботнинг номини аниқлаш ва оралиқ молиявий маълумотлар қамраб олган сана ва даврни кўрсатиш.**

(d) **Агар оралиқ молиявий маълумотлар ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланган умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини ўз ичига олса, раҳбарият қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун жавобгар эканлиги ҳақида баёнот.**

(e) **Бошқа ҳолатларда, раҳбарият қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ оралиқ молиявий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгар эканлиги ҳақида баёнот.**

(f) **Аудитор кўриб чиқишга асосланган оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдириш учун жавобгар эканлиги ҳақида баёнот.**

(g) **Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш 2410-сон Кўриб чиқишларнинг Халқаро Стандарти (КТХС), "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан бажариладиган оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш"га мувофиқ ўтказилганлиги ҳақида баёнот, ва бундай кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан сўровлар ўтказиш, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат эканлиги ҳақида баёнот.**

(h) **Кўриб чиқиш Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудитга нисбатан кўлами жиҳатидан анча камроқ эканлиги ва шунинг учун аудиторга аудит даврида аниқланиши мумкин бўлган барча аҳамиятли масалалардан хабардор бўлиш имконини бермаслиги ҳамда шунга кўра ҳеч қандай аудиторлик фикри билдирилмаслиги ҳақида баёнот.**

(i) **Агар оралиқ молиявий маълумотлар ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланган умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини ўз ичига олса, аудиторнинг эътиборига шундай нарса келганми, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларга кўра, қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний кўриниш бермайди, ёки ҳаққоний тақдим этилмаган деб ҳисоблашга олиб келади (қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўлмаганда, молиявий ҳисобот асосининг юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола қилиш).**

(j) **Бошқа ҳолатларда, аудиторнинг эътиборига шундай жиҳат келганлиги бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларга кўра, қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашга олиб келади (қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўлмаганда, молиявий ҳисобот асосининг**

юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола қилиш).

(k) **Ҳисобот санаси.**

(l) **Аудитор амалиёт олиб борадиган мамлакат ёки юрисдикциядаги жойлашув.**

(m) **Аудиторнинг имзоси.**

Намунавий кўриб чиқиш хулосалари ушбу КТХС 4-иловасида келтирилган.

44. Баъзи юрисдикцияларда оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қонун ёки норматив ҳужжатлар 43(i) ёки (j) бандларида тавсифланган сўз бирикмасидан фарқ қиладиган сўз бирикмасини аудиторнинг хулосаси учун белгилаши мумкин. Гарчи аудитор белгиланган сўз бирикмасидан фойдаланишга мажбур бўлса ҳам, хулосага келиш учун ушбу КТХСда тавсифланган аудиторнинг жавобгарликлари ўзгаришсиз қолади.

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосидан четга чиқиш

45. **Аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ, барча муҳим жиҳатларга кўра, тайёрланиши учун муҳим тузатиш киритилиши зарур деб ҳисоблашга олиб келса, аудитор шартли ёки салбий хулоса билдириши лозим.**

46. Агар аудиторнинг эътиборига шундай масалалар келса, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосидан четга чиқиш туфайли муҳим даражада таъсирланган ёки таъсирланиши мумкин деб ҳисоблашга олиб келса, ва раҳбарият оралиқ молиявий маълумотларни тузатмаса, аудитор кўриб чиқиш хулосасини ўзгартиради. Ўзгартириш четга чиқиш характерини тавсифлайди ва, амалий бўлса, оралиқ молиявий маълумотларга таъсирини кўрсатади. Агар аудитор етарли маълумотларни ёритиб бериш учун зарур деб ҳисоблаган ахборот оралиқ молиявий маълумотларга киритилмаган бўлса, аудитор кўриб чиқиш хулосасини ўзгартиради ва, амалий бўлса, зарур маълумотларни кўриб чиқиш хулосасига киритади. Кўриб чиқиш хулосасини ўзгартириш одатда кўриб чиқиш хулосасига тушунтирувчи банд қўшиш ва хулосага шарт қўйиш орқали амалга оширилади. Шартли хулосанинг намунавий кўриб чиқиш хулосалари ушбу КТХС 5-иловасида келтирилган

47. Четга чиқишнинг таъсири оралиқ молиявий маълумотлар учун шунчалик муҳим ва кенг тарқалган бўлиб, аудитор шартли хулоса оралиқ молиявий маълумотларнинг чалғитувчи ёки тўлиқ бўлмаган характерини ёритиб бериш учун етарли эмас деган хулосага келса, аудитор салбий хулоса билдиради. Салбий хулосанинг намунавий кўриб чиқиш хулосалари ушбу КТХС 7-иловасида келтирилган.

Кўламнинг чекланиши

48. Кўламнинг чекланиши одатда аудиторга кўриб чиқишни тугаллашга имкон бермайди.

49. **Агар аудитор кўриб чиқишни тугаллай олмаса, аудитор кўриб чиқишни нима учун тугаллаб бўлмаслигининг сабабини раҳбариятнинг тегишли даражасига ва бошқарув учун масъул шахсларга ёзма равишда етказиши ва хулоса бериш мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқиш лозим.**

Раҳбарият томонидан юклатилган кўлам чекловлари

50. Агар аудиторнинг топшириқ ҳолатлари ҳақидаги дастлабки билимлари аудиторнинг кўриб чиқишининг кўламида ташкилот раҳбарияти томонидан юклатилган чеклов бўлиши сабабли аудитор кўриб чиқишни тугаллай олмаслигини кўрсатса, аудитор оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш топшириғини қабул қилмайди.

51. Агар топшириқни қабул қилгандан сўнг, раҳбарият кўриб чиқиш кўламига чеклов юклатса, аудитор бу чекловни олиб ташлашни сўрайди. Агар раҳбарият буни рад этса, аудитор кўриб чиқишни тугаллай олмайди ва хулоса билдира олмайди. Бундай ҳолларда, аудитор кўриб чиқишни нима учун тугаллаб бўлмаслигининг сабабини раҳбариятнинг тегишли даражасига ва бошқарув учун масъул шахсларга ёзма равишда етказади. Шунга қарамай, агар аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ, барча муҳим жиҳатларга кўра, тайёрланиши учун муҳим тузатиш киритилиши керак деб ҳисоблашга олиб келса, аудитор бундай масалаларни 38-40-бандлардаги кўрсатмаларга мувофиқ хабар қилади.

52. Аудитор шунингдек аудитор хулоса бериш талаб қилиниши, шу жумладан ҳуқуқий ва норматив жавобгарликни кўриб чиқади. Агар шундай талаб бўлса, аудитор хулоса беришдан воз кечади ва кўриб чиқиш хулосасида кўриб чиқишни нима учун тугаллаб бўлмаслигининг сабабини келтиради. Бироқ, агар аудиторнинг эътиборига шундай масала келса, бу аудиторни оралиқ молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ, барча муҳим жиҳатларга кўра, тайёрланиши учун муҳим тузатиш киритилиши керак деб ҳисоблашга олиб келса,

аудитор бундай масалани хулосада ҳам хабар қилади.

Кўламнинг бошқа чекловлари

53. Кўламнинг чекланиши раҳбарият томонидан юклатилган кўлам чекловидан бошқа ҳолатлар туфайли юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда, аудитор одатда кўриб чиқишни тугаллай олмайди ва хулоса билдира олмайди ҳамда 51-52-бандлар билан йўналтирилади. Бироқ, баъзи камдан-кам ҳолатларда аудиторнинг иш кўлами чекланиши аниқ равишда битта ёки бир нечта махсус масалалар билан чекланган бўлиши мумкин, бу масалалар муҳим бўлса-да, аудиторнинг мулоҳазасига кўра оралиқ молиявий маълумотлар учун кенг тарқалган эмас. Бундай ҳолатларда, аудитор кўриб чиқиш хулосасини кўриб чиқиш хулосасининг тушунтирувчи бандида тавсифланган масала бундан мустасно, кўриб чиқиш ушбу КТХСга мувофиқ ўтказилганлигини кўрсатиш ва хулосага шарт қўйиш орқали ўзгартиради. Шартли хулосанинг намунавий кўриб чиқиш хулосалари ушбу КТХС 6-иловасида келтирилган.

54. Аудитор охирги йиллик молиявий ҳисоботлар аудитида ўша аудитнинг кўлами чекланганлиги сабабли шартли фикр билдирган бўлиши мумкин. Аудитор ўша кўламнинг чекланиши ҳали ҳам мавжудлиги ва, агар шундай бўлса, кўриб чиқиш хулосаси учун оқибатларини кўриб чиқади.

Фаолият узлуксизлиги ва аҳамиятли ноаниқликлар

55. Маълум ҳолатларда, аудиторнинг хулосасига таъсир қилмасдан, кўриб чиқиш хулосасига алоҳида масалалар банди қўшилиши мумкин, бу масала оралиқ молиявий маълумотлардаги изоҳда батафсилроқ муҳокама қилинган. Банд афзал равишда хулоса бандидан кейин киритилади ва одатда бу борада хулоса шартли қилиб ўзгартирилмаганлигини таъкидлайди.

56. **Агар оралиқ молиявий маълумотларда тегишли маълумотлар ёритиб берилган бўлса, аудитор ташкилотнинг фаолият кўрсатаётган ташкилот сифатида давом этиш қобилиятига нисбатан аҳамиятли шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодиса ёки шароитга боғлиқ аҳамиятли ноаниқликни таъкидлаш учун кўриб чиқиш хулосасига алоҳида масалалар бандини қўшиши лозим.**

57. Аудитор олдинги аудит ёки кўриб чиқиш хулосасини ташкилотнинг фаолият кўрсатаётган ташкилот сифатида давом этиш қобилиятига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодиса ёки шароитга боғлиқ аҳамиятли ноаниқликни таъкидлаш учун муҳим масалага эътиборни қаратиш бандини қўшиш орқали ўзгартирган бўлиши мумкин. Агар аҳамиятли ноаниқлик ҳали ҳам мавжуд бўлса ва оралиқ молиявий маълумотларда тегишли маълумотлар ёритиб берилган бўлса, аудитор жорий оралиқ молиявий маълумотлар бўйича кўриб чиқиш хулосасини давом этаётган аҳамиятли ноаниқликни таъкидлаш учун банд қўшиш орқали ўзгартиради.

58. Агар, сўровлар ёки бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомиллари натижасида, аудитор эътиборига ташкилотнинг фаолият кўрсатаётган корхона сифатида давом этиш қобилиятига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодиса ёки шароитга боғлиқ аҳамиятли ноаниқлик келиб тушса, ва оралиқ молиявий маълумотларда тегишли маълумотлар ёритиб берилган бўлса, аудитор алоҳида масалалар бандини қўшиш орқали кўриб чиқиш хулосасини ўзгартиради.

59. **Агар ташкилотнинг фаолият кўрсатаётган ташкилот сифатида давом этиш қобилиятига нисбатан жиддий шубҳа туғдирадиган аҳамиятли ноаниқлик оралиқ молиявий маълумотларда тегишли равишда ёритиб берилмаган бўлса, аудитор шартли ёки салбий хулоса бериши лозим. Хулоса бундай аҳамиятли ноаниқлик мавжудлиги ҳақидаги фактга аниқ ҳаволани ўз ичига олиши лозим.**

60. **Аудитор аудиторнинг эътиборига келиб тушган, ечими келажакдаги ҳодисаларга боғлиқ бўлган ва оралиқ молиявий маълумотларга таъсир қилиши мумкин бўлган аҳамиятли ноаниқликни (фаолият узлуксизилиги муаммосидан ташқари) таъкидлаш учун кўриб чиқиш хулосасини банд қўшиш орқали ўзгартиришни кўриб чиқиш лозим.**

Бошқа мулоҳазалар

61. Топшириқ шартлари раҳбариятнинг келишувини ўз ичига олади, яъни оралиқ молиявий маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай ҳужжатда бундай маълумотлар ташкилот аудитори томонидан таҳлилий текширилганлиги кўрсатилган бўлса, кўриб чиқиш хулосаси ҳам ҳужжатга киритилиши керак. Агар раҳбарият кўриб чиқиш хулосасини оралиқ молиявий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатга киритмаган бўлса, аудитор шароитларда тегишли ҳаракат йўналишини аниқлашда ёрдам бериш учун ҳуқуқий маслаҳат олишни кўриб чиқади.

62. Агар аудитор ўзгартирилган кўриб чиқиш хулосасини чиқарган бўлса ва раҳбарият оралиқ молиявий маълумотларни оралиқ молиявий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатга ўзгартирилган кўриб чиқиш хулосасини киритмасдан чиқарса, аудитор шароитларда тегишли ҳаракат йўналишини аниқлашда ёрдам бериш

учун ҳуқуқий маслаҳат олишни ва йиллик молиявий ҳисоботларнинг аудитини ўтказиш топшириғидан воз кечиш имкониятини кўриб чиқади

63. Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар тўпламидан иборат оралиқ молиявий маълумотлар тўлиқ молиявий ҳисоботлар тўпламига киритиладиган барча маълумотларни ўз ичига олмаслиги мумкин, лекин бунинг ўрнига ташкилотнинг молиявий ҳолати ва фаолияти ўзгаришларини йиллик ҳисобот санасидан буён тушуниш учун муҳим бўлган ҳодисалар ва ўзгаришларнинг тушунтиришини тақдим этиши мумкин. Бунинг сабаби, оралиқ молиявий маълумотлардан фойдаланувчилар, масалан листинг қилинган ташкилотлар ҳолатида бўлгани каби, охирги аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботларга кириш имкониятига эга бўлади деб тахмин қилинади. Бошқа ҳолатларда, аудитор бундай оралиқ молиявий маълумотлар охирги аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар билан биргаликда ўқилиши кераклиги ҳақидаги баёнотни ўз ичига олиш зарурлиги ҳақида раҳбарият билан муҳокама қилади. Бундай баёнот мавжуд бўлмаганда, аудитор охирги аудитдан ўтказилган молиявий ҳисоботларга ҳавола қилмасдан, оралиқ молиявий маълумотлар шароитларда чалғитувчи бўлиш-бўлмаслигини ва кўриб чиқиш хулосаси учун оқибатларни кўриб чиқади.

Ҳужжатлаштириш

64. **Аудитор аудиторнинг хулосаси учун асос бўлиб хизмат қиладиган ва кўриб чиқиш ушбу КТХС ва қўлланиладиган қонуний ҳамда норматив талабларга мувофиқ бажарилганлигининг далили бўлиб хизмат қиладиган етарли ва тегишли кўриб чиқиш ҳужжатларини тайёрлаши лозим.** Бу ҳужжатлар топшириқ билан олдинги боғлиқлиги бўлмаган тажрибали аудиторга қилинган сўровларнинг характери, муддати ва кўламини, ҳамда қўлланилган таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини, олинган маълумотларни ва кўриб чиқишни бажариш давомида кўриб чиқилган ҳар қандай аҳамиятли масалаларни, шу жумладан бундай масалаларни ҳал қилинишини тушуниш имконини беради.

Кучга кириш санаси

65. Ушбу КТХС 2006 йил 15 декабрь ва ундан кейин бошланадиган даврлар учун оралиқ молиявий маълумотларнинг кўриб чиқиши учун амал қилади. КТХСни олдинроқ қўллаш мумкин.

Давлат сектори томонидан қўллаш

1. 10-банд аудитор ва мижоз топшириқ шартларини келишиб олишини талаб қилади. 11-банд тушунтиришича, топшириқ хати топшириқнинг характери, хусусан кўриб чиқиш мақсади ва кўлами, раҳбариятнинг жавобгарликлари, аудиторнинг жавобгарликлари доираси, олинган ишонч ва хулосанинг характери ва шакли билан боғлиқ нотўғри тушунишларнинг олдини олишга ёрдам беради. Давлат секторида кўриб чиқиш топшириқларини тартибга солувчи қонун ёки қоида одатда аудиторнинг тайинланишини белгилайди. Натижада, топшириқ хатлари давлат секторида кенг тарқалган амалиёт бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамай, 11-бандда кўрсатилган масалаларни баён қилувчи топшириқ хати ҳам давлат сектори аудитори, ҳам мижоз учун фойдали бўлиши мумкин. Шунинг учун давлат сектори аудиторлари мижоз билан топшириқ хати орқали кўриб чиқиш топшириғи шартларини келишиб олишни кўриб чиқадилар.

2. Давлат секторида аудиторнинг қонуний аудит мажбурияти оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш каби бошқа ишларга ҳам тарқалиши мумкин. Бундай ҳолларда, давлат сектори аудитори бундай мажбуриятдан қоча олмайди ва, натижада, кўриб чиқиш топшириғини қабул қилмаслик (50-бандга қаранг) ёки ундан четлашиш (36 ва 40(b)-бандларга қаранг) имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Давлат сектори аудитори ҳам йиллик молиявий ҳисоботларни аудит қилиш тайинловидан истеъфо бериш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин (40(c) ва 62-бандларга қаранг).

3. 41-банд аудиторнинг эътиборига келиб тушган ва аудиторда фирибгарлик ёки ташкилотнинг қонун ва қоидаларга риоя қилмаслиги мавжудлигига ишонч уйғотадиган масаланинг аудиторнинг жавобгарлигини муҳокама қилади. Давлат секторида аудитор бундай масалани тартибга солувчи ёки бошқа давлат органларига хабар бериш бўйича қонуний ёки бошқа тартибга солувчи талабларга бўйсуниши мумкин.

1-илова

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш учун топшириқ хати намунаси

Қуйидаги хат ушбу КТХСнинг 10-бандида келтирилган мулоҳазалар билан биргаликда қўлланма сифатида фойдаланилиши керак ва алоҳида талаблар ва шароитларга мослаштирилиши керак.

Директорлар кенгашига (ёки юқори раҳбариятнинг тегишли вакилига)

Бизнинг ташкилотнинг 20X1 йил 30 июндаги оралиқ баланс ҳисоботи ва шу санада тугаган олти ойлик давр учун тегишли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш топшириғимизнинг шартлари ва мақсадларини тушунишимизни тасдиқлаш учун ушбу хатни тақдим этамиз.

Бизнинг кўриб чиқишимиз Халқаро аудит ва ишончни таъминлаш стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган *2410-сон Кўриб чиқишнинг халқаро стандарти, "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан бажариладиган оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиши"* га мувофиқ ўтказилади, мақсади эса оралиқ молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларда [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатиш, шу жумладан молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола қилиш] га мувофиқ тайёрланмаган деб ишонишимизга сабаб бўладиган бирор жиҳат бизнинг эътиборимизга келиб тушганлиги тўғрисида хабар бериш учун бизга асос тақдим этишдан иборат. Бундай кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан сўраш, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат ва одатда олинган маълумотларни тасдиқлашни талаб қилмайди. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўламига нисбатан анча кам, унинг мақсади эса молиявий ҳисоботлар ҳақида фикр ифодалаш ҳисобланади ва, шунга кўра, биз бундай фикрни ифодаламаймиз.

Оралиқ молиявий маълумотлар ҳақида қуйидагича хабар беришни кутамиз:

[Хулоса намунаси матнини киритинг.]

Оралиқ молиявий маълумотлар учун жавобгарлик, шу жумладан тегишли маълумотларни ёритиб бериш, ташкилот раҳбариятининг зиммасидадир. Бу оралиқ молиявий маълумотларни фирибгарлик ёки хато туфайли аҳамиятли бузиб кўрсатишдан холи тайёрлаш ва тақдим этишга тегишли ички назоратни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва сақлашни; тегишли бухгалтерия сиёсатларини танлаш ва қўллашни; ва шароитларда оқилона бўлган бухгалтерия баҳоларини амалга оширишни ўз ичига олади. Бизнинг кўриб чиқишимизнинг бир қисми сифатида, биз раҳбариятдан кўриб чиқиш билан боғлиқ баённотлар бўйича ёзма баёнотларни сўраймиз. Биз шунингдек оралиқ молиявий маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай ҳужжатда оралиқ молиявий маълумотлар таҳлилий текширилганлиги кўрсатилган бўлса, бизнинг ҳисоботимиз ҳам ҳужжатга киритилишини сўраймиз.

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиши аудитида аниқланиши мумкин бўлган барча аҳамиятли масалалар ҳақида хабардор бўлишимизни таъминламайди. Бундан ташқари, бизнинг топшириғимиз фирибгарлик ёки хатолар, ёки қонунга хилоф ҳаракатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ошкор қилиш учун ишонарли бўлиб хизмат қила олмайди. Бироқ, сизни бизнинг эътиборимизга келиб тушадиган ҳар қандай аҳамиятли масалалар ҳақида хабардор қиламиз.

Биз сизнинг ходимларингиз билан тўлиқ ҳамкорликни кутамиз ва уларнинг кўриб чиқишимиз билан боғлиқ сўраладиган ҳар қандай ёзувлар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этишларига ишонамиз.

[Бу ерга тегишли равишда ҳақ тартиблари ва тўловлар ҳақида қўшимча маълумотларни киритинг.]

Ушбу хат келажак йиллар учун, у тугатилмагунча, ўзгартирилмагунча ёки алмаштирилмагунча (агар қўлланиладиган бўлса) амал қилади.

Илтимос, бу хатни молиявий ҳисоботларни кўриб чиқишимиз бўйича келишувимизнинг сизнинг тушунишингизга мос эканлигини кўрсатиш учун илова қилинган нусхасини имзолаб, қайтаринг.

АВС Ташкилоти номидан тасдиқланди (имзоланган)

Исми ва лавозими Сана

2-илова

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажаришда аудитор томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлган таҳлилий тартиб-таомиллар

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқишни бажаришда аудитор томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлган таҳлилий тартиб-таомилларга қуйидагилар киради:

- Оралиқ молиявий маълумотларни бевосита олдинги оралиқ даврнинг оралиқ молиявий маълумотлари билан, олдинги молиявий йилнинг мос келувчи оралиқ давринининг оралиқ молиявий маълумотлари билан, жорий давр учун раҳбарият томонидан кутилган оралиқ молиявий маълумотлар билан ва энг сўнгги аудит қилинган йиллик молиявий ҳисоботлар билан таққослаш.
- Жорий оралиқ молиявий маълумотларни кутилган натижалар, масалан бюджетлар ёки прогнозлар билан таққослаш (масалан, жорий оралиқ молиявий маълумотлардаги солиқ қолдиқларини ва даромад солиғи бўйича захиранинг солиққача бўлган даромадга нисбатини (а) кутилган ставкаларни қўллаган ҳолда бюджетлардаги ва (б) олдинги даврлар учун молиявий маълумотлардаги мос келувчи маълумотлар билан таққослаш).
- Жорий оралиқ молиявий маълумотларни тегишли номолиявий маълумотлар билан таққослаш.
- Қайд этилган миқдорларни ёки қайд этилган миқдорлардан ишлаб чиқилган коэффициентларни аудитор томонидан ишлаб чиқилган кутишлар билан таққослаш. Аудитор бундай кутишларни ташкилот ва ташкилот фаолият юритаётган соҳа ҳақидаги тушунишига асосланиб оқилона равишда мавжуд бўлиши кутиладиган муносабатларни аниқлаш ва қўллаш орқали ишлаб чиқади.
- Жорий оралиқ давр учун коэффициентлар ва кўрсаткичларни айни соҳадаги ташкилотларнинг кўрсаткичлари билан таққослаш.
- Жорий оралиқ молиявий маълумотлардаги элементлар ўртасидаги муносабатларни олдинги даврларнинг оралиқ молиявий маълумотларидаги мос келувчи муносабатлар билан таққослаш, масалан, тур бўйича харажатларнинг сотувлар фоизи сифатида, тур бўйича активларнинг жами активлар фоизи сифатида ва сотувлардаги ўзгариш фоизининг дебиторлик қарзларидаги ўзгариш фоизига нисбати.
- Бўлинган маълумотларни таққослаш. Қуйидагилар маълумотларни қандай бўлиш мумкинлиги мисолларидир:
    - Давр бўйича, масалан, даромад ёки харажат моддаларининг чораклик, ойлик ёки ҳафталик миқдорларга бўлиниши.
    - Маҳсулот линияси ёки даромад манбаи бўйича.
    - Жойлашув бўйича, масалан, компонент бўйича.
    - Операция атрибутлари бўйича, масалан, дизайнерлар, архитекторлар ёки усталар томонидан яратилган даромад.
    - Операциянинг бир нечта атрибутлари бўйича, масалан, маҳсулот ва ой бўйича сотувлар.

3-илова

Раҳбарият баёнот хати намунаси

Қуйидаги хат стандарт хат бўлиши мўлжалланмаган. Раҳбарият томонидан баёнотлар ташкилотдан ташкилотга ва бир оралиқ даврдан кейингисига фарқ қилади.

(Ташкилот бланки)

(Аудиторга)

(Сана)

Оралиқ молиявий маълумотлар қисқартирилган молиявий ҳисоботларни ўз ичига олса, кириш хатбошилари:

Ушбу баёнот хати АВС Ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги қисқартирилган баланс ҳисоботи ва шу санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли қисқартирилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқишингиз билан боғлиқ равишда тақдим этилмоқда. Бу кўриб чиқиш оралиқ молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларда [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг, шу жумладан молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот юрисдикцияси ёки келиб чиқиш мамлакатига ҳавола қилиш] га мувофиқ тайёрланмаган деб ишонишингизга сабаб бўладиган бирор жиҳат сизнинг эътиборингизга келиб тушганлигини ифодалаш мақсадида амалга оширилади.

Биз оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] га мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгарлигимизни тан оламиз.

Оралиқ молиявий маълумотлар ҳаққоний тақдимотга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланган умумий мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини ўз ичига олса, кириш хатбошилари:
Ушбу вакиллик хати Сиз томонингиздан АБС Ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги баланс ҳисоботи ва шу кунда тугаган уч ойлик давр учун тегишли молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари ҳамда муҳим ҳисоб сиёсатлари ва бошқа изоҳловчи қайдларнинг қисқача баёни бўйича ўтказилган кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолда тақдим этилмоқда. Бу кўриб чиқиш натижасида, АБС Ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг, шу жумладан қўлланилаётган молиявий ҳисобот асоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўлмаганда, молиявий ҳисобот асосининг келиб чиққан юрисдикцияси ёки мамлакати ҳақида маълумотни ўз ичига олган ҳолда] мувофиқ пул оқимларини ҳаққоний акс эттирмайдиган *(ёки "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайдиган")* оралиқ молиявий маълумотлар мавжудлигига сабаб бўлувчи ҳеч бир жиҳат эътиборингизга тушмагани тўғрисида хулоса беришингиз мақсадида тақдим этилади.

Биз [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ оралиқ молиявий маълумотларни ҳаққоний тақдим этиш учун жавобгарлигимизни тан оламиз.

Биз ўз билимимиз ва ишончимиз доирасида қуйидаги баёнотларни тасдиқлаймиз:

- Юқорида кўрсатилган оралиқ молиявий маълумотлар [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрланган ва тақдим этилган.
- Биз Сизга барча бухгалтерия китоблари ва қўллаб-қувватловчи ҳужжатларни, ҳамда акциядорлар ва директорлар кенгашининг барча йиғилиш баённомаларини (яъни [тегишли саналарни киритинг] куни ўтказилган) тақдим этганмиз.
- Оралиқ молиявий маълумотларга асос бўлган бухгалтерия ҳисобларида тўғри қайд этилмаган муҳим операциялар мавжуд эмас.
- Риоя этмаслик ҳолатида оралиқ молиявий маълумотларга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонун ва қоидаларга амалдаги ёки эҳтимолий риоя этмаслик бизга маълум эмас.
- Биз фирибгарлик ва хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш учун ички назоратни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жавобгарлигини тан оламиз. Биз Сизга ташкилотга таъсир кўрсатган бўлиши мумкин бўлган барча маълум фирибгарликлар ёки гумон қилинган фирибгарликларга тегишли барча муҳим фактларни очиб бердик.
- Биз Сизга фирибгарлик натижасида оралиқ молиявий маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилиши

мумкинлиги хавфини баҳолаш натижаларини очиб бердик.

- Биз илова қилинган рўйхатда умумлаштирилган тузатилмаган бузиб кўрсатишларнинг таъсири, алоҳида олинганда ҳам, жами бўйича ҳам, умуман оралиқ молиявий маълумотларга нисбатан аҳамиятсиз деб ҳисоблаймиз.
- Биз Сизга боғлиқ томонларни аниқлаш бўйича тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлигини тасдиқлаймиз.
- Қуйидагилар оралиқ молиявий маълумотларда тўғри қайд этилган ва, зарур ҳолларда, тегишли равишда очиб берилган:
    - Боғлиқ томонлар билан операциялар, шу жумладан сотувлар, харидлар, қарзлар, ўтказмалар, ижара келишувлари ва кафолатлар, ҳамда боғлиқ томонлардан олинадиган ёки уларга тўланадиган суммалар;
    - Ташкилот шартли мажбуриятларга эга бўлган ёзма ёки оғзаки кафолатлар; ва
    - Аввал сотилган активларни қайтариб сотиб олиш бўйича шартномалар ва опционлар.
- Активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш ва ёритиб бериш [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг]га мувофиқ. Қўлланилган тахминлар ҳаққоний қиймат баҳолари ёки ёритиб беришга тегишли бўлган ҳолларда ташкилот номидан муайян ҳаракат йўналишларини амалга ошириш ниятимиз ва қобилиятимизни акс эттиради.
- Бизда оралиқ молиявий маълумотларда акс эттирилган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматига ёки таснифига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган режалар ёки ниятлар мавжуд эмас.
- Бизда маҳсулот турларини тўхтатиш режалари ёки ортиқча ёки эскирган товар-моддий захираларга олиб келадиган бошқа режалар ёки ниятлар мавжуд эмас, ҳамда ҳеч қандай товар-моддий захиралар соф сотиш қийматидан ортиқ миқдорда кўрсатилмаган.
- Ташкилот барча активларга қаноатланарли ҳуқуқларга эга ва ташкилот активларида гаров ёки кафолатлар мавжуд эмас.
- Биз тегишли равишда барча мажбуриятларни, ҳам амалдаги, ҳам шартли мажбуриятларни қайд этдик ёки ёритиб бердик.
- [Биринчи марта жорий этилаётган янги бухгалтерия ҳисоби стандартларига тегишли қўшимча баёнотларни қўшинг ва оралиқ молиявий маълумотларга тегишли Аудитнинг янги халқаро стандарти талаб қиладиган қўшимча баёнотларни кўриб чиқинг.]

Биз билган ва ишонганимиз бўйича, баланс ҳисоботи санасидан кейин ва ушбу хат санасига қадар юқорида кўрсатилган оралиқ молиявий маълумотларда тузатиш ёки ёритиб бериш талаб қилиниши мумкин бўлган ҳеч қандай воқеалар рўй бермаган.

_____
(Бош ижроия раҳбари)

_____
(Бош молия раҳбари)

4-илова

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш хулосалари намуналари

Ҳаққоний тақдимотга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асосига мувофиқ тайёрланган умумий мақсадлар учун молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами (43(i)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича хулоса

(Тегишли манзилга)

Кириш

Биз АБС Ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги баланс ҳисоботи ва шу кунда тугаган уч ойлик давр учун тегишли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари ҳамда муҳим ҳисоб сиёсатлари ва бошқа изоҳловчи қайдларнинг қисқача баёнини кўриб чиқдик.[1] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг]га мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз ўтказилган кўриб чиқиш асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар юзасидан хулоса билдиришдир.

Кўриб чиқиш кўлами

Биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқиш топшириқларининг Халқаро Стандарти, "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан бажариладиган оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш"га мувофиқ ўтказдик.[2] Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан сўров ўтказиш, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудитга қараганда кўлами анча чекланган бўлиб, натижада аудит давомида аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудит фикрини билдирмаймиз.[5]

Хулоса

Ўтказилган кўриб чиқиш асосида, илова қилинган оралиқ молиявий маълумотлар ташкилотнинг 20X1 йил 31 мартдаги молиявий ҳолати, шунингдек шу кунда тугаган уч ойлик давр учун унинг молиявий натижалари ва пул оқимларини [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси, шу жумладан қўлланилаётган молиявий ҳисобот асоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўлмаганда, молиявий ҳисобот асосининг келиб чиққан юрисдикцияси ёки мамлакати ҳақида маълумотни ўз ичига олган ҳолда]га мувофиқ ҳаққоний акс эттирмайди *(ёки "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайди")* деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор жиҳат эътиборимизга тушмади.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[1] Аудитор оралиқ молиявий маълумотлар тақдим этиладиган тартибга солувчи органни ёки унга тенг ташкилотни кўрсатишни хоҳлаши мумкин.

[2] Оралиқ молиявий маълумотлардан бошқа тарихий молиявий маълумотларни кўриб чиқиш ҳолатида ушбу жумла қуйидагича ўқилиши керак: «Биз кўриб чиқишни ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан бажариладиган тарихий молиявий маълумотларни кўриб чиқишга татбиқ этиладиган 2410-сон Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандартига мувофиқ ўтказдик». Ҳисоботнинг қолган қисми вазиятларга қараб зарур даражада мослаштирилиши керак.

Бошқа оралиқ молиявий маълумотлар (43(j)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича ҳисобот

(Тегишли манзилга)

Кириш

Биз АБС Ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги [қисқартирилган] баланс ҳисоботи ва шу кунда тугаган уч ойлик давр учун тегишли [қисқартирилган] молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимларини кўриб чиқдик.[3] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг]га мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз ўтказилган кўриб чиқиш асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар юзасидан хулоса билдиришдир.[6]

Таҳлилий текширув кўлами

Биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқишларнинг Халқаро Стандарти, "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан бажариладиган оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш" га мувофиқ ўтказдик.[4] Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар бўлган шахслардан сўров ўтказиш, таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудитга қараганда кўлами анча чекланган бўлиб, натижада аудит давомида аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудит фикрини билдирмаймиз[7]

Хулоса

Ўтказилган кўриб чиқиш асосида, илова қилинган оралиқ молиявий маълумотлар [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси, шу жумладан қўлланилаётган молиявий ҳисобот асоси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўлмаганда, молиявий ҳисобот асосининг келиб чиққан юрисдикцияси ёки мамлакати ҳақида маълумотни ўз ичига олган ҳолда]га мувофиқ барча муҳим жиҳатларда тайёрланмаган деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган бирор жиҳат эътиборимизга тушмади.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[3] 1-изоҳга қаранг.
[4] 2-изоҳга қаранг.

5 илова

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосидан четланиш туфайли шартли хулоса билан текшириш хулосаси намуналари

Ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асоси билан мувофиқ тайёрланган тўлиқ умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар тўплами (43(i)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни текшириш бўйича хулоса

(Тегишли қабул қилувчи)

Кириш

Биз ABC ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги ҳолатига кўра ушбу ҳисобга илова қилинган баланс ҳисоботи ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, ҳусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати қисқача баёни ва бошқа изоҳловчи маълумотларни кўриб чиқдик.[1] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз кўриб чиқишимиз асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан иборат.

Кўриб чиқиш кўлами

Биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқишларнинг халқаро стандарти, "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш"га мувофиқ ўтказдик.[2] Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар шахслардан сўровлар ўтказиш, шунингдек таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўриб чиқишидан сезиларли даражада торроқдир ва шунинг учун аудитда аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Шартли хулоса билдириш учун асос

Раҳбарият томонидан бизга тақдим этилган маълумотларга кўра, ABC ташкилоти мулк ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларидан [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ капиталлаштирилиши керак деб ҳисоблайдиган айрим ижара мажбуриятларини чиқариб ташлаган. Ушбу маълумотлар кўрсатишича, агар бу ижара мажбуриятлари 20X1 йил 31 мартда капиталлаштирилганида, мулк $_____ га, узоқ муддатли қарз $_____ га оширилиши, соф даромад ва акция бошига тушадиган даромад эса ўша санада тугаган уч ойлик давр учун мос равишда $_____, **$_____, *$_____* ва $_____** га ошиши (камайиши) мумкин эди.

Шартли хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосланиб, юқоридаги бандда тасвирланган ҳолатлардан ташқари, бизга ушбу оралиқ молиявий маълумотлар ташкилотнинг 20X1 йил 31 мартдаги молиявий ҳолатини, шунингдек унинг молиявий фаолияти натижалари ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун пул оқимларини [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] мувофиқ ҳақиқий тасвирини тақдим этмайди *(ёки "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайди")* деб тахмин қилишга асос бўладиган бирон бир жиҳат эътиборимизни тортмади.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[1] 4-илованинг 1-изоҳига қаранг.
[2] 4-илованинг 2-изоҳига қаранг.

ТАШКИЛОТНИНГ МУСТАҚИЛ АУДИТОРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ОРАЛИҚ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Бошқа оралиқ молиявий маълумотлар (43(j)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш бўйича хулоса

(Тегишли манзилга)

Кириш

Биз ABC ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги ҳолатига кўра ушбу ҳисобга илова қилинган [қисқартирилган] баланс ҳисоботи ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли [қисқартирилган] молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдик.[3] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз кўриб чиқишимиз асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан иборат.

Кўриб чиқиш кўлами

Биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқишларнинг халқаро стандарти "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш" га мувофиқ ўтказдик.[4] Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар шахслардан сўровлар ўтказиш, шунингдек таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўриб чиқишдан сезиларли даражада торроқдир ва шунинг учун аудитда аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудиторлик фикрини билдирмаймиз.

Шартли хулоса билдириш учун асос

Раҳбарият томонидан бизга тақдим этилган маълумотларга кўра, ABC ташкилоти мулк ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларидан [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ капиталлаштирилиши керак деб ҳисоблайдиган айрим ижара мажбуриятларини чиқариб ташлаган. Ушбу маълумотлар кўрсатишича, агар бу ижара мажбуриятлари 20X1 йил 31 мартда капиталлаштирилганида, мулк $_____ га, узоқ муддатли қарз $_____ га оширилиши, соф даромад ва акция бошига тушадиган даромад эса ўша санада тугаган уч ойлик давр учун мос равишда $_____, $_____, $_____ ва $_____ га ошиши (камайиши) мумкин эди.

Шартли хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимизга асосланиб, юқоридаги бандда тасвирланган ҳолатлардан ташқари, бизга илова қилинган оралиқ молиявий маълумотлар [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда тайёрланмаган деб тахмин қилишга асос бўладиган бирон бир жиҳат эътиборимизни тортмади.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[3] 4-илованинг 1-изоҳига қаранг.

[4] 4-илованинг 2-изоҳига қаранг.

6-илова

Раҳбарият томонидан белгиланмаган кўламдаги чеклов туфайли шартли хулоса билан кўриб чиқиш хулосаларининг намуналари

Ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асоси билан мувофиқ тайёрланган тўлиқ умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар тўплами (43(i)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни текшириш бўйича хулоса

(Тегишли қабул қилувчи)

Кириш

Биз ABC ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги ҳолатига кўра ушбу ҳисобга илова қилинган баланс ҳисоботи ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли моляивий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, ҳусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек муҳим ҳисоб сиёсати қисқача баёни ва бошқа изоҳловчи маълумотларни кўриб чиқдик.[1] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз кўриб чиқишимиз асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан иборат.

Кўриб чиқиш кўлами

Қуйидаги бандда тушунтирилган ҳолатлардан ташқари, биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқишларнинг халқаро стандарти "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш" га мувофиқ ўтказдик.[2] Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар шахслардан сўровлар ўтказиш, шунингдек таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўриб чиқишидан сезиларли даражада торроқдир ва шунинг учун аудитда аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудиторлик фикрини билдирмаймиз.[13]

Шартли хулоса билдириш учун асос

(Сана)да филиал офисида юз берган ёнғин натижасида дебиторлик қарзлари ҳисоб ёзувлари йўқ қилинганлиги сабабли, биз оралиқ молиявий маълумотларга киритилган жами $_____ миқдордаги дебиторлик қарзларини кўриб чиқишни тугата олмадик. Ташкилот ҳозирда ушбу ҳисоб ёзувларини қайта тиклаш жараёнида ва бу ёзувлар юқорида кўрсатилган миқдорни ва ундириб бўлмайдиган ҳисоблар учун тегишли захирани қўллаб-қувватлашига ноаниқлик мавжуд. Агар биз дебиторлик қарзларини кўриб чиқишни тугата олганимизда, оралиқ молиявий маълумотларга тузатишлар киритиш зарурлигини кўрсатадиган масалалар эътиборимизни тортган бўлиши мумкин эди.

Шартли хулоса

Юқорида тасвирланган вазият туфайли биз хабардор бўлмаган оралиқ молиявий маълумотларга киритилиши мумкин бўлган тузатишлардан ташқари, бизнинг кўриб чиқишимизга асосланиб, бизга илова қилинган оралиқ молиявий маълумотлар ташкилотнинг 20X1 йил 31 мартдаги молиявий ҳолатини, шунингдек унинг молиявий фаолияти натижалари ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун пул оқимларини [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] мувофиқ ҳақиқий тасвирини тақдим этмайди *(ёки "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайди")* деб тахмин қилишга асос бўладиган бирон бир жиҳат эътиборимизни тортмади.

АУДИТОР

Сана

Манзил

---

[1] 4-илованинг 1-изоҳига қаранг.

[2] 4-илованинг 2-изоҳига қаранг.

Бошқа оралиқ молиявий маълумотлар (43(j)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни текшириш бўйича хулоса

(Тегишли қабул қилувчи)

Кириш

Биз ABC ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги ҳолатига кўра ушбу ҳисобга илова қилинган [қисқартирилган] баланс ҳисоботи ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли [қисқартирилган] молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдик.[3] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз кўриб чиқишимиз асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан иборат.[14]

Кўриб чиқиш кўлами

Қуйидаги параграфда тушунтирилган ҳолатлардан ташқари, биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқишларнинг халқаро стандарти, "Ташкилотнинг аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш"га мувофиқ ўтказдик.4 Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар шахслардан сўровлар ўтказиш, шунингдек таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўриб чиқишидан сезиларли даражада торроқдир ва шунинг учун аудитда аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудиторлик фикрини билдирмаймиз.[4]

Шартли хулоса билдириш учун асос

(Сана)да филиал офисида юз берган ёнғин натижасида дебиторлик қарзлари ҳисоб ёзувлари йўқ қилинганлиги сабабли, биз оралиқ молиявий маълумотларга киритилган жами $_____ миқдордаги дебиторлик қарзларини кўриб чиқишни тугата олмадик. Ташкилот ҳозирда ушбу ҳисоб ёзувларини қайта тиклаш жараёнида ва бу ёзувлар юқорида кўрсатилган миқдорни ва ундириб бўлмайдиган ҳисоблар учун тегишли захирани қўллаб-қувватлашига ноаниқлик мавжуд. Агар биз дебиторлик қарзларини кўриб чиқишни тугата олганимизда, оралиқ молиявий маълумотларга тузатишлар киритиш зарурлигини кўрсатадиган масалалар эътиборимизни тортган бўлиши мумкин эди.

Шартли хулоса

Юқорида тасвирланган вазият туфайли биз хабардор бўлмаган оралиқ молиявий маълумотларга киритилиши мумкин бўлган тузатишлардан ташқари, бизнинг кўриб чиқишимизга асосланиб, бизга илова қилинган оралиқ молиявий маълумотлар [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда тайёрланмаган деб тахмин қилишга асос бўладиган бирон бир жиҳат эътиборимизни тортмади.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[3] 4-илованинг 1-изоҳига қаранг.
[4] 4-илованинг 2-изоҳига қаранг.

7-илова

Қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосидан четланиш туфайли салбий хулосанинг кўриб чиқиш хулосалари намуналари

Ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот асоси билан мувофиқ тайёрланган тўлиқ умумий мақсадли молиявий ҳисоботлар тўплами (43(i)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни текшириш бўйича хулоса

(Тегишли қабул қилувчи)

Кириш

Биз ABC ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги ҳолатига кўра ушбу ҳисобга илова қилинган баланс ҳисоботи ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек аҳамиятли ҳисоб сиёсати қисқача баёни ва бошқа изоҳловчи маълумотларни кўриб чиқдик.[1] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз кўриб чиқишимиз асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан иборат.[16]

Кўриб чиқиш кўлами

Биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқишларнинг халқаро стандарти "Ташкилотнинг аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш"га мувофиқ ўтказдик.2 Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар шахслардан сўровлар ўтказиш, шунингдек таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўриб чиқишидан сезиларли даражада торроқдир ва шунинг учун аудитда аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудиторлик фикрини билдирмаймиз.[2]

Салбий хулоса билдириш учун асос

Ушбу даврдан бошлаб, ташкилот раҳбарияти ўзининг шуъба компанияларининг молиявий ҳисоботларини консолидация қилишни тўхтатди, чунки раҳбарият янги катта назорат қилинмайдиган улушлар мавжудлиги сабабли консолидацияни номувофиқ деб ҳисоблайди. Бу [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] га мувофиқ эмас. Агар консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тайёрланганида, оралиқ молиявий маълумотлардаги деярли ҳар бир ҳисоб муҳим даражада фарқ қилган бўлар эди.

Салбий хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимиз шуни кўрсатадики, ташкилотнинг шуъба компанияларидаги инвестициялари юқоридаги бандда таърифланганидек, консолидацияланган асосда ҳисобга олинмаганлиги сабабли, ушбу оралиқ молиявий маълумотлар ташкилотнинг 20X1 йил 31 мартдаги молиявий ҳолатини, шунингдек унинг молиявий фаолияти натижалари ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун пул оқимларини [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] мувофиқ ҳақиқий тасвирини тақдим этмайди *(ёки "барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмайди")*.

АУДИТОР

Сана

[1] 4-илованинг 1-изоҳига қаранг.
[2] 4-илованинг 2-изоҳига қаранг.

ТАШКИЛОТНИНГ МУСТАҚИЛ АУДИТОРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ОРАЛИҚ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ
Манзил

Бошқа оралиқ молиявий маълумотлар (43(j)-бандга қаранг)

Оралиқ молиявий маълумотларни текшириш бўйича хулоса

(Тегишли қабул қилувчи)

Кириш

Биз ABC ташкилотининг 20X1 йил 31 мартдаги ҳолатига кўра ушбу хулосага илова қилинган [қисқартирилган] баланс ҳисоботи ва ўша санада тугаган уч ойлик давр учун тегишли [қисқартирилган] молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдик.[3] Ушбу оралиқ молиявий маълумотларни [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асосини кўрсатинг] мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг жавобгарлигимиз кўриб чиқишимиз асосида ушбу оралиқ молиявий маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан иборат.[18]

Кўриб чиқиш кўлами

Биз кўриб чиқишни 2410-сон Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандартига "Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш" мувофиқ ўтказдик. Оралиқ молиявий маълумотларни кўриб чиқиш асосан молиявий ва бухгалтерия масалалари учун жавобгар шахслардан сўровлар ўтказиш, шунингдек таҳлилий ва бошқа кўриб чиқиш тартиб-таомилларини қўллашдан иборат. Кўриб чиқиш кўлами Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиладиган аудит кўриб чиқишидан сезиларли даражада торроқдир ва шунинг учун аудитда аниқланиши мумкин бўлган барча муҳим масалалардан хабардор бўлишимизга имкон бермайди. Шунга кўра, биз аудиторлик фикрини билдирмаймиз.[4]

Салбий хулоса билдириш учун асос

Ушбу даврдан бошлаб, ташкилот раҳбарияти ўзининг шуъба компанияларининг молиявий ҳисоботларини консолидация қилишни тўхтатди, чунки раҳбарият янги катта назорат қилинмайдиган улушлар мавжудлиги сабабли консолидацияни номувофиқ деб ҳисоблайди. Бу [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин]га мувофиқ эмас. Агар консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тайёрланганида, оралиқ молиявий маълумотлардаги деярли ҳар бир ҳисоб муҳим даражада фарқ қилган бўлар эди.

Салбий хулоса

Бизнинг кўриб чиқишимиз шуни кўрсатадики, ташкилотнинг шуъба компанияларидаги инвестициялари юқоридаги бандда таърифланганидек, консолидацияланган асосда ҳисобга олинмаганлиги сабабли, ушбу оралиқ молиявий маълумотлар [қўлланиладиган молиявий ҳисобот асоси кўрсатилсин, шу жумладан, қўлланилган молиявий ҳисобот асоси Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўлмаганда молиявий ҳисобот асосининг келиб чиқиш мамлакати ёки юрисдикциясига ҳавола қилинсин] мувофиқ, барча муҳим жиҳатларда тайёрланмаган.

АУДИТОР

Сана

Манзил

[3] 4-илованинг 1-изоҳига қаранг.
[4] 4-илованинг 2-изоҳига қаранг.